

65 —
Ж 12

ҚАҲҲОР ШОКОМОЛОВ

ПАТЕНТШУНОСЛИК

Тошкент — 2003

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**


**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚАХҲОР ШОКОМОЛОВ

ПАТЕНТШУНОСЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий Ўқув юртлари аро илмий услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 2003 йил 01 июл Қ — 2042 сонли Қарори билан тегишли Олий ўқув юртлари учун дарслик сифатида тавсия этилган.

Қайта ишланган ва тўлдирилган 2 нашр.



УДК 608.3

Патентшунослик: Дарслик Қ.Шокомолов; Тошкент давлат техника университети. Тошкент, 2003, 200 бет.

Дарсликда интеллектуал мулк объектлари, ихтиролар, саноат намуналари, товар белгилари, ЭҲМ дастурлари ва бошқаларни яратиш, ҳуқуқий муҳофазалаш ҳамда улардан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган. Талабномаларни тузиш тартиблари, топшириш ва экспертизадан ўтказиш тартиби, патент ҳуқуқларини муҳофазалаш усуллари кўрсатиб ўтилган, патент ахборотларининг мазмуни ва ундан фойдаланиш тартиби кўриб чиқилган. Бундан ташқари хорижда интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш, лицензия сотиш ва бошқа масалалар юзасидан маълумотлар келтирилган.

Дарслик Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигини қўллаш, шунингдек интеллектуал мулкни муҳофазалаш соҳасидаги халқаро конвенциялар ва шартномаларни ҳисобга олган ҳолда қайта ишлаб чиқилган ва тўлдирилган. Дарслик барча йўналишдаги магистрларни тайёрлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг турли тармоқлари мутахассисларини, аспирантларини, ўқитувчиларини, муҳандисларини малакасини ошириш, ҳамда илмий - тадқиқотлар олиб боровчи олимлар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

М.М. Мирхамидов - Ўзбекистон Миллий Университетининг ҳуқуқ факультети декани, юридик фанлари номзоди, доцент.

Н.Б. Эгамбердиев - Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор, техника фанлари доктори, профессор.

© Тошкент давлат техника университети,
Патентование 2001.

© Тошкент давлат техника университети,
Патентшунослик 2003

UDK 608.3

Patent science: Textbook Q. Shokomolov; Toshkent State Technical University. Toshkent, 2003, 200 pages.

In the textbook were considered creation of intellectual property objects, inventions, industrial samples, trade marks, computer programs and others, and using of them. There were reviewed order of formation of application, order of submission and expertise, methods of patent right protection, essence of patent information and using of them. There were brought the protection of intellectual property objects abroad, sale of license and other information.

The textbook was processed and complemented in accordance with using of acting legislation of the Republic of Uzbekistan, International Conventions and Agreements in the sphere of intellectual property protection. The textbook is intended for preparation of masters in all directions of MHASSE of RU, for scientists, post graduate students, engineers, teachers, organizations are engaged in retraining of teachers and specialists of different directions, and for scientists which making the scientific research.

Reviewers:

M.M.Mirhamidov – Dean of law faculty of the National University of Uzbekiston, Candidate of law sciences, docent.

N.B.Egamberdiev – Inventor and rationalizer of the Republic of Uzbekistan, Candidate of technical sciences, Professor.

© Toshkent State Technical University,
Patent science 2001.

© Toshkent State Technical University,
Patent science 2003.

CONTENTS

Introduction	8
Chapter 1. The patent legislation of the Republic of Uzbekistan and foreign countries	11
1.1. A right protection of industrial property	11
1.1.1. General Concepts	11
1.1.2. Tasks of appellate board of the State Patent Department	11
1.1.3. A right protection of industrial property objects	12
1.1.4. Patent issue requirements for invention	15
1.1.5. Patent issue requirements for useful model	17
1.1.6. Patent issue requirements for industrial samples	18
1.1.7. Author rights of industrial property owner	19
1.1.8. Rights and duties of patent holder	19
1.1.9. Order about patent issue for industrial property objects	24
1.1.10. Authorities of the patent confidant in the Republic of Uzbekistan	27
1.2. Notion about trade mark, service mark and name of origin place of goods	28
1.2.1. Notion about name of origin place of goods	29
1.2.2. Requirements of the State Patent Department of the Republic of Uzbekistan to trade marks	31
1.2.3. Not registering name of origin place of goods	35
1.2.4. Order of the extension the duration of certificate for trade mark and certificate about right for using of name of origin place of goods	38
1.2.5. Authorities of patent confident of the State Patent Department to issue of certificate for trade mark.	42
1.3. The right protection of the computer programs and data base	43

1.3.1. General Concepts	43
1.3.2. Order condition about confessions of the copyright for computer programs and data base	46
1.4. Patent right of foreign countries	51
1.5. The international cooperation in the field of protection of industrial property	54
1.6. World Intellectual Property Organization (WIPO)	57
1.7. Tasks of European Patent Department	64

Chapter 2. The patent and scientific – technical information (STI)

74

2.1. Sources of information about objects of industrial property	74
2.2. Classification of industrial property	81
2.3. A realization method of patent - information search	88
2.4. The order of realization of works on patent search	97
2.5. Registration of patent search results	103

Chapter 3. Maintenance of state recognition of industrial property objects

114

3.1. Search methods of a new technical decisions of industrial property objects	114
3.2. Order of registration of the inventions, useful models and industrial samples	117
3.2.1. Revealing of the inventions and formulation of the formula	117
3.2.2. The order of application on issue the patent	132
3.2.3. The order of application for invention on issue the patent	133
3.2.4. The order of application for useful model on	134

issue the patent	
3.2.5. The order of application for industrial sample on issue of patent	135
3.2.6. The order of contributing the change in the applications	137
3.2.7. The order of making the State examination for issue the patent	137
3.2.8. The order of making the formal examination	139
3.2.9. The order of making the examination essentially	141
3.3. The order of application for registration of trade mark, name of origin place of goods and right to use of name of origin place of goods	142
3.4. The order of making the examination of applications to registration of mark	145
3.5. Finding and registration of rationalization offers (RO)	146

Chapter 4. Patenting Abroad. Notion about License agreements.

4.1. Purposes and tasks of patenting of industrial property abroad	152
4.2. The order of registration of documentation for foreign patenting	154
4.3. Determination of patentability and patent cleanliness of objects of the technology	156
4.4. Basis of purchase and sale of the licenses and their documentary registration	166
4.4.1. General Concepts	166
4.4.2. The external trade licenses. The types of licenses and conditions of license agreements	169

4.4.3. Preparation order of the offers for sale, purchase and exchange of the licenses	171
The chapter 5. The Economic aspects of using of industrial property objects	177
5.1. Planning and financing of industrial property objects	177
5.2.1. The order of using of invention, useful model, industrial samples	182
5.2.2. Notion of the prior use right of industrial property	182
5.2.3. The order of issue the using right of industrial property	183
5.2.4. The order of stimulation by the Government for using of industrial property	184
5.2.5. The notion about patent duties	184
5.3. The order of using of the trade mark.	185
5.3.1. The order of using name of origin place of goods	185
5.3.2. The order of using the preventive marking	186
5.3.3. The order of the lapse of right for trade mark to other person	187
5.3.4. The order of examination	187
5.3.5. The order of patent duty payment for trade mark	188
5.6. The order of using of rationalization offers	189
Short dictionary of terms on patenting.	193
Literature.	199

Мундарижа

Суз боши.	8
1- Боб. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг патент қонувчилиги	11
1.1. Саноат мулкининг ҳуқуқий муҳофазаси	11
1.1.1. Умумий тушунча	11
1.1.2. Патент идорасининг Апелляция кенгаши вазифалари	11
1.1.3. Саноат мулки объектининг ҳуқуқий ҳи-мояси.	12
1.1.4. Ихтирога бериладиган патентнинг талаблари	15
1.1.5. Фойдали моделга бериладиган патентнинг талаблари	17
1.1.6. Саноат намунасига бериладиган патентнинг талаблари	18
1.1.7. Саноат мулки объекти муаллифи ҳуқуқлари	19
1.1.8. Патент эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	19
1.1.9. Саноат мулки объектига патент бериш тартиби	24
1.1.10. Саноат мулкига Ўзбекистон Республикаси Патент вакиллариининг ваколатлари	27
1.2. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида	28
1.2.1. Товар келиб чиққан жой номи ҳақида тушунча	29
1.2.2. Товар белгиси учун Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан қўйилган вазифалар	31
1.2.3. Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар	35

1.2.4. Товар белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тартиби	38
1.2.5. Товар белгисига бериладиган гувоҳномага Патент идораси вакилларининг ваколатлари	42
1.3. ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базасини муҳофазалаш ҳуқуқи	43
1.4. 1.3.1. Асосий тушунчалар	43
1.3.2. ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаларига нибатан муаллифлик ҳуқуқини тан олиш тартиби	46
1.4. Чет эл мамлакатларнинг патент ҳуқуқлари	51
1.5. Саноат мулки муҳофазаси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик	54
1.6. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти	57
1.7. Европа патент идорасининг вазифалари.	64
2- Боб. Патент ва илмий-техника ахбороти (ИТБ)	74
2.1. Саноат мулки объектлари ҳақидаги ахборот манбаи	74
2.2. Саноат мулки таснифи	81
2.3. Патент-ахборот кидирувини ўтказиш усули	88
2.4. Патент тадқиқоти бўйича ишларни олиб бориш тартиби	97
2.5. Патент тадқиқоти натижаларини расмийлаштириш	103

3- Боб. Саноат мулки объектларининг давлат томовидан тан олинishiни таъминлаш	114
3.1. Саноат мулки объектлари янги техниквий ечимини излаш усуллари	114
3.2. Ихтироларни, фойдали моделларни ва саноат намуналарини расмийлаштириш тартиби	117
3.2.1. Ихтирони аниқлаш ва уларни формуласини тузиш	117
3.2.2. Патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш тартиби	132
3.2.3. Ихтирога патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш тартиби	133
3.2.4. Фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш тартиби	134
3.2.5. Саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш тартиби	135
3.2.6. Талабномаларни ўзгартириш тартиби	137
3.2.7. Патент бериш ҳақидаги талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби	137
3.2.8. Расмий экспертиза ўтказиш тартиби	139
3.2.9. Моҳият бўйича экспертиза ўтказиш тартиби	141
3.3. Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқни рўйхатга олиш учун талабнома бериш тартиби	142
3.4. Талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказиш тартиби	145
3.5. Рационализаторлик таклифларини аниқлаш ва расмийлаштириш тартиби	146
4-Боб. Чет элда патентлаш. Лицензион шартнома ҳақида тушунча	152
4.1. Саноат мулкини чет элда патентлашнинг мақсади ва вазифаси	152

4.2. Чет элда патентлаш учун хужжатларни расмийлаштириш тартиби	154
4.3. Техника объектларининг патентга лойиқдигини ва патент софлигини аниқлаш тартиби	156
4.4. Лицензия сотиш ва сотиб олиш, уларни хужжат асосида расмийлаштириш тартиби	166
4.4.1. Умумий тушунчалар	166
4.4.2. Ташқи савдо бўйича лицензия. Лицензиялар тури ва лицензион шартномаларнинг шартлари	169
4.4.3. Лицензияларни сотиш, сотиб олиш ва айирбошлаш бўйича таклифлар тайёрлаш тартиби	171
5- Боб. Саноат мулки объектларидан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатлари	177
5.1. Саноат мулки объектларини режалаштириш ва молиялаш	177
5.2.1. Ихтиро, фойдали модел ва саноат намунасидан фойдаланиш тартиби	182
5.2.2. Аввал фойдаланганлик ҳуқуқи ҳақида тушунча	182
5.2.3. Саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби	183
5.2.4. Саноат мулки объектларидан фойдаланишнинг давлат томонидан рағбатлантирилиш тартиби	184
5.2.5. Патент божлари ҳақида тушунча	184
5.3. Товар белгисидан фойдаланиш тартиби	185
5.3.1. Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш тартиби	185
5.3.2. Огоҳлантирувчи тамғалашдан фойдаланиш тартиби	186
5.3.3. Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тартиби	187

5.3.4. Товар белгиси эгаси булмиш ҳуқуқий шахсни қайта ташкил этиш пайтида товар белгисининг утиши тартиби	187
5.3.5. Товар белгиларига туланадиган Па- тент божлари тартиби	188
5.4.Рационализаторлик таклифларидан фойдаланиш тартиби	189
Қисқача атамалар изоҳли лугати	193
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	199

СУЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг саноатини, яъни иқтисодиётини ривожлантириш учун ишлаб чиқаришдаги техник ва технологияларни янгилашмасдан, туриб илғор ғояларни, илмий ишланмаларни, янги қурилма ва ускуналарни, жорий этиш мумкин эмас. Бу талаблар мутахассисларнинг янги авлоди, олимлар, муҳандислар, иқтисодчилар, менежерлар, тадбиркорлар ва бошқалар олдига ҳозирги замон талабларини қўяди. Ватанимизнинг ривожини учун ҳар бир олим ва мутахассисларнинг замон талаб қилаётган билимлари ва малакаларини пухта эгаллашлари ва интеллектуал мулк ҳуқуқлари соҳасида яхши билимлари бўлиши зарур. Фақат шу йўл билангина ривожланган давлатларнинг энг илғор жараёнларидан унумли фойдаланиш билан бир қаторда, ўз ихтиро ва янгиликларини яратишлари талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофазалаш ва ундан унумли фойдаланиш учун жаҳон стандартлари талабига тўлиқ жавоб берадиган қонуний шароит яратилган. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаро Кодексининг «Интеллектуал мулк» IV бўлими ва Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулкининг бир қатор объектлари бўйича ҳуқуқий ва ижтимоий масалаларни тартибга солувчи Қонунилари интеллектуал мулк соҳасидаги қатор қонуний ҳужжатларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулкини ўз вақтида муҳофазалаш ва ундан самарали фойдаланиш соҳасидаги сиёсати ва дастурларини муваффақиятли амалга оширишнинг бош мезони шу соҳада ишлаш учун озми-кўми тайёрланган мутахассисларнинг мавжуд-

лигидир. Патентшунослик фани бакалаврларни, магистрларни ва бошқа мутахассисларни ҳуқуқий билимларини янаям чуқурроқ бўлишига қаратилган мақсаддир.

Патентшунослик ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базалари, товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари ҳамда бошқа интеллектуал мулк объектларини яратиш, ўз вақтида тўғри муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа билимларини ўрганадиган фандир.

Патентшунослик фани ҳуқуқий, табиий ва техник фанларни иқтисодиёт билан боғлайдиган фандир.

Патентшунослик фанини ўқитишдан мақсад, булажак ёш мутахассислар патент ахборотларининг янги оқимини таҳлил қила билишлари, яратилган ва яратилаётган ишланмаларни, технологик жараёнларни, конструкторлик ечимларни интеллектуал мулк объектлари сифатида ҳуқуқий муҳофазалаш, улардан фойдаланишда ҳуқуқий ва иқтисодий масалалардан тўғри қабул қилишни ўрганишга қаратилган.

Патентшунослик фанининг вазифаси талабаларга ва мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ва хорижда интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш бўйича назарий ва амалий билимларни беришдир. Фанни ўрганишда талабалар ва мутахассислар ихтироларни, фойдали моделларни, саноат намуналарини, товар белгиларини патентлаш учун талабномалар туза олиш, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш, лицензия шартномалари тузиш, Ўзбекистон Республикаси ва ривожланган давлатларнинг патент ахборот ҳужжатлари билан ишлаш, патент ахборот

тадқиқотларини олиб бориш ва ҳисоботлар таъ-
зишни урганиб олишлари зарур.

1- Боб. Ўзбекистон Республикаси ва ҳорижий мамлакатларнинг патент қонунчилиги

1.1. Саноат мулкининг ҳуқуқий муҳофазаси

1.1.1. Умумий тушунча

Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идораси (кейинги ўринларда – **Патент идораси**) саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлайди.

Патент идораси саноат мулки объектларига патент бериш ҳақидаги талабномаларни кўриб чиқиш учун қабул қилади, улар бўйича давлат илмий-техникавий экспертизасини ўтказди, уларни давлат рўйхатига олади, саноат мулки объектларига патентлар беради, расмий ахборотномада нашр этади, саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланишига доир қоидалар қабул қилади ва тушунтиришлар беради, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Патент идораси тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Давлат бюджети, патент божлари, шунингдек, Патент идораси томонидан курсатиладиган хизмат ва тақдим этиладиган материаллар учун тўланадиган ҳақ Патент идораси фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

1.1.2. Патент идорасининг Апелляция кенгаши вазифалари

Патент идорасининг Апелляция кенгаши қарорлар чиқаришда мустақилдир ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари

туғрисида» ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Апелляция кенгаши қуйидаги вазифаларни бажаради:

• Патент идорасининг талабномада кўрсатилган саноат мулки объектлари хусусидаги қарори устидан;

• саноат мулки объектларига патент ман-фаатдор юридик ва жисмоний шахслар томони-дан;

- Саноат мулки объектлари патентлари-нинг ҳақиқийлигига қарши берилган апелляцияларни кўриб чиқади.

- Апелляция кенгаши ўз ваколатлари дои-расида апелляциянинг бошқа, турлари-ни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

Апелляция кенгаши туғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

1.1.3. Саноат мулки объектининг ҳуқуқий ҳимояси

Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муал-лифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворисларига) тегишли бўлади ва патент билан тасдиқланади.

Саноат мулки объектини бир неча шахс бир-биридан мустақил равишда яратган бўлса, па-тент олиш ҳуқуқи патент бериш ҳақидаги талаб-номани Патент идорасига биринчи бўлиб топшир-ган шахсга тегишли бўлади.

Муаллиф (ҳаммуаллифлар), агар ўзи (ўзлари) яратган саноат мулки объектини бошқа, гайриқонуний ўзлаштириб олиши натижасида

бу объектга талабнома берилган ёки патент олинган бўлса, патент берилганига қарши норо-

зилик билдириш ёхуд патент эгаси сифатида ўзига (ўзларига) патентнинг ўтказилишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Саноат мулки объектнинг патенти ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига давлат экспертизаси ўтказилгандан сўнг берилади.

Ихтиро патенти ихтиронинг янгиликни, ихтирочилик даражасини, унинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг ихтирога эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди

Фойдали модель патенти фойдали моделининг янгилигини, унинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг фойдали моделга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Саноат намунаси патенти саноат намунасининг янгилиги ва ўзига хослигини, унинг ҳақиқийлигини ҳамда патент эгасининг саноат намунасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Саноат мулки объекти патентнинг тўла ҳажмдаги ҳуқуқий муҳофаза ёки бу муҳофазанинг фақат бир қисми ҳақиқий эмаслигини исботлаш вазифаси патентни ҳақиқий эмас деб даъво қилаётган тараф зиммасига юкланади.

Патент патент эгасининг саноат мулки объектга эгалик қилиш, тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи саноат мулки объекти рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идораси расмий ахборотно-

масида эълон қилинган санадан бошлаб кучга кирган ҳисобланади.

Патент идорасига патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ҳисобланганда ихтирога патент 20 йил мобайнида, саноат намунасига патент 10 йил мобайнида, фойдали модель патенти беш йил мобайнида амал қилади.

Ихтиро патентининг амал қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда патент эгасининг илтимосномасига биноан Патент идораси томонидан кўпи билан 5 йил муддагга узайтирилиши мумкин. Бундай ихтиро патентининг амал қилишини узайтириш тартиби Патент идораси томонидан белгиланади.

/ Саноат намунаси патентининг ва фойдали модель патентининг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосига биноан Патент идораси томонидан тегишлича 5 йилга ҳамда 3 йилга узайтирилиши мумкин.

Ихтиро ҳамда фойдали модель патенти таъминлайдиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми уларнинг формуласи билан, саноат намунаси патенти таъминлайдиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми эса буюмнинг (макетнинг, расмининг) тасвирида акс эттирилган муҳим белгилари ва (ёки) уларнинг комбинацияси (бундан буён матнда унинг муҳим белгилари мажмуи деб юритилади) билан белгиланади.

Саноат мулки объекти патенти, шунингдек уни олиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади.

Давлат томонидан махфий деб тан олинган саноат мулки объектининг ҳуқуқий муҳофазаси алоҳида қонунчилик билан тартибга солинади.

1.1.4. Ихтирога бериладиган патентнинг талаб- лари

Ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги, ихтирочилик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.]

Ихтиро, техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, янги деб ҳисобланади.]

Ихтиро техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, у ихтирочилик даражасига эга бўлади.

Техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади.

Ихтиронинг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва чақириб олинмаган патент бериш ҳақидаги талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Ихтиродан саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда фойдаланиш мумкин бўлса, у саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Ихтирога тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёки билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан 6 ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, ихтиронинг патентга лаёқатлигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

**Қуйидагилар ихтиро сифатида тан олина-
ди:**

- қурилмалар;
- усуллар;
- моддалар;
- микроорганизмлар штаммлари;
- ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари;
- илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизм штаммларидан янги мақсадларда фойдаланиш.

Қуйидагилар ихтиро сифатида ҳисобланмайди:

- илмий назариялар ва математика усуллари;
- ташкил этиш ва бошқариш усуллари;
- шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;
- ақлий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари;
- электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;
- бинолар, иншоотлар ва ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва чизмалари;
- эстетик талабларни қаноатлантиришга йўналтирилган, буюмларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;
- интеграл схемаларнинг топологиялари;
- ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;
- жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

1.1.5. Фойдали моделга бериладиган патентнинг талаблари

Фойдали модель сифатида кўрсатилган объект янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳукукий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Фойдали моделнинг муҳим белгилари мажмуи техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса у янги деб ҳисобланади. Техника тараққиёти даражаси талабномада кўрсатилган фойдали модель амалга ошириш мумкин бўлган вазифани бажара оладиган воситалар ҳақидаги Ўзбекистон Республикасида ҳамма фойдалана оладиган барча маълумотларини ўз ичига олади.

Ў Фойдали модель, агар ундан амалда фойдаланиш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.]

Фойдали моделга тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевожита ёки билвосита ушбу ахборотни олган бошқа, ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан бошлаб 6 ойдан кечиктирилмай Патент идорасига топширилган бўлса, фойдали моделнинг патентга лаёқатлигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Ў Курилмаларнинг конструктив йўл билан бажарилиши фойдали моделларга тааллуқлидир.]

Қуйидагилар фойдали моделлар сифатида муҳофаза қилинмайди: усуллар, моддалар, микроорганизм штамmlари, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари, шунингдек уларнинг янги мақсадда қўлланиши;

82541.

1.1.6. Саноат намунасига бериладиган патент-нинг талаблари

↳ Саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект янги ва ўзига хос бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади. ↵

Саноат намунасининг, муҳим белгилари мажмуи саноат намунасига устуворлик бериш саноатига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган маълумотлардан аён бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Саноат намунасининг янгиллигини аниқлаш чоғида бир мунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва чақириб олинмаган патент бериш ҳақидаги талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Саноат намунаси, агар унинг муҳим белгилари мажмуи буюм хусусиятларининг ижодий характери билан боғлиқ бўлса, оригинал деб ҳисобланади.

Саноат намунаси, тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевожуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган саноатдан эътиборан кўпи билан 6 ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, саноат намунасининг патентга лаёқатлигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Буюмнинг ташқи кўринишини ифодалайдиган бадий-конструкторлик ечими саноат намуналари жумласига киради. ↵

Қуйидагилар **саноат** **намунаси**
ҳисобланмайди:

- *матбаа маҳсулотлари;*
- *архитектура объектлари (кичик архитектура шаклларида ташқари), саноат, гидротехника иншоотлари ва бошқа стационар иншоотлар;*
- *суюқ, газсимон, сочилувчан ёки шунга ўхшаш моддалардан иборат ўзгарувчан шаклдаги объектлар;*
- *буюмнинг фақат техник вазифаси билан боғлиқ бўлган ечимлар;*
- *жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.*

1.1.7. Саноат мулки объекти муаллифи ҳуқуқлари

Саноат мулки объекти муаллифи деб ижодий меҳнати билан саноат мулкини яратган жисмоний шахс ҳисобланади.

Саноат мулки объекти бир неча жисмоний шахс биргаликда ижодий меҳнати асосида яратилган бўлиб, улар ўртасида тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, уларнинг барчаси шу объектнинг тенг ҳуқуқли ҳаммуаллифлари деб эътироф этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмайдиган ва топширилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқдир.

1.1.8. Патент эгасининг ҳуқуқ ва мажбури

Саноат мулки объектининг **патенти** қуйидагиларга берилади:

- саноат мулки объектининг муаллифига (хаммуаллифларига) ёки унинг меросхўрига (меросхўрларига);

- муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки саноат мулки объекти рўйхатдан ўтказилгунга қадар Патент идорасига топширилган талабнома берувчини ўзгартириш ҳақидаги аризада қўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (уларнинг ўзи рози бўлганда);

- иш берувчига.

Ходим томонидан ўз хизмат вазифасини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган саноат мулки объектининг патентига бўлган ҳуқуқ, агар бу ҳол улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Иш берувчи билан муаллиф (хаммуаллифлар) ўртасидаги шартнома юқорида айтилганларни назарда тутилган бўлмаса, у ҳолда муаллиф (хаммуаллифлар) талабнома топшириш ва саноат мулки объектининг патентини ўз номига олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда иш берувчи патент эгасига шартномада белгиланадиган миқдорда тоовон тўлаб, ўз ишлаб чиқаришида тегишли саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иш берувчи саноат мулки объектини сир сақлаган тақдирда муаллифга (хаммуаллифларга) мутаносиб равишда, ҳақ тўлаши шарт, ҳақ миқдори шартномада белгиланади.

Патент эгасининг саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида:

Саноат мулки объектидан ўз хоҳишича фойдаланиш бошқа патент эгаларининг ҳуқуқларини, шу жумладан бошқа шахсларнинг мазкур объектидан фойдаланишни таъқиқлаб қўйиш ҳуқуқини бузмаса, бундай фойдаланиш патент эгасига те-

гишлидир, шу йўсинда фойдаланиш Конунга мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқини бузиш деб ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Бир неча патент эгасига тегишли бўлган саноат мулки объектдан фойдаланиш ўзаро муносабатлар патент эгалари ўртасидаги келишув асосида амалга оширилади. Шундай келишув бўлмаган тақдирда, ҳар бир патент эгаси муҳофазаланган саноат мулки объектини ўз хоҳишига кўра фойдаланиши мумкин, лекин қолган патент эгаларининг розилигисиз унга лицензия беришга ёки патентни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга эмас.

Патент эгалари ўртасидаги баҳс (низо), келишувга эришиш мумкин бўлмаган тақдирда суд орқали ҳал этилади.

Патент эгаси патент билан тасдиқланган саноат мулки объектга бўлган ҳуқуқни патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома бўйича ёки саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаси бўйича ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсга (шахсларга) топшириши мумкин. Патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома ва лицензион шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Патент эгаси фойдаланилаётган саноат мулки объекти патентланганлигини курсатувчи огоҳлантириш тамғасидан фойдаланиши мумкин.

Патент эгаси саноат мулки объектдан фойдаланиши шарт

Патент эгалари патент рўйхатга олинган саноатдан бошлаб уч йил мобайнида саноат мулки объектдан фойдаланмаса ёки етарли даражада фойдаланмаса, ушбу муҳофаза этилаётган саноат

мулки объектидан фойдаланишни хоҳловчи ва фойдаланишга тайёр ҳар қандай шахс, патент эгаси лицензион шартномаси тузишдан бош тортган тақдирда, ўзига мажбурий номутлақ лицензия беришни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳаракатлар

Қуйидаги ҳолатда патент эгаси мутлақ ҳуқуқи бузилган деб топилмайди:

- Ўзбекистон Республикасидаги муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган қурилмаларни саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси иштирокчиси бўлган бошқа давлатнинг транспорт воситасида мазкур восита вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган вақтда, башарти бу қурилмалардан фақат мазкур воситанинг эҳтиёжлари учун фойдаланилади-ган бўлса, қўллаш;
- патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни устида илмий-тадқиқот ёки тажриба ўтказиш;
- патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни табиий офатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда қўллаш;
- патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни, агар бу воситалар

фуқаролик муомаласига қонуний йўл билан киритилган бўлса, қўллаш;

- патент билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектдан таркиб топган воситаларни даромад олмай шахсий мақсадларда қўллаш;
- дорихоналарда шифокор рецепти бўйича дориларни бир маротабалик тайёрлаш.

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқининг бузилиши

Патент билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектлари-дан Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги» Қонунида назарда тутилган ҳоидаларга ҳилоф равишда фойдаланаётган ҳар қандай шахс патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузувчи ҳисобланади.

Патентланган саноат мулки объектдан фойдаланган ҳолда буюмларни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек саноат мулки патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд саноат мулки патенти билан муҳофаза қилинаётган усулда бевосита тайёрланган буюмларни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши деб ҳисобланади.

Саноат мулки объектдан патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда фойдаланаётган шахслар патент эгасининг талабига кўра:

- патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузувчи ҳаракатларни тўхтатишлари;

- патент эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплашлари шарт;

Саноат мулки объектини давлат рўйхатига олиш тартиби

Патент идораси патент бериш тўғрисидаги қарор қабул қилгандан сўнг саноат мулки объектини тегишлича Давлат ихтиролар реестрида, Давлат фойдали моделлар реестрида ёки Давлат саноат намуналари реестрида давлат рўйхатига олади.

Патент идораси саноат мулки объектлари рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган расмий ахборотнома нашр этади. Эълон қилинадиган маълумотларнинг тулиқ рўйхати ва таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

1.1.9. Саноат мулки объектига патент бериш тартиби

Саноат мулки объектига патент бериш объект рўйхатга олинганлиги ҳақидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинган санадан эътиборан 3 ой ўтгандан кейин Патент идораси томонидан амалга оширилади.

Саноат мулки объекти патенти Ўзбекистон Республикаси номидан берилади ва Патент идораси раҳбари томонидан имзоланади.

Саноат мулки объекти патенти бир нечта киши номига сўралганда уларга битта патент берилади.

Саноат мулки объекти патентининг шакли ва унда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Берилган саноат мулки объекти патентидаги кузга яққол ташланиб турган ва техник хатолар патент эгасининг талабига кўра Патент идораси томонидан тузатилади.

Саноат мулки объекти патентининг ҳақиқий эмаслиги

Саноат мулки объекти патенти Апелляция кенгашига берилган апелляция бўйича исталган вақтда ҳуқуқий муҳофазанинг тўлиқ ҳажмда ёки унинг фақат бир қисми бўйича қуйидаги асосларга кўра ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин:

Муҳофаза қилинадиган саноат мулки объекти патентга лаёқатлилиқ шартларига мос эмаслиги;

Ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуида талабноманинг „ дастлабки материалларида бўлмаган белгиларнинг мавжудлиги;

саноат мулки объекти патент бериш Апелляция кенгашига апелляция топширилиши муносабати билан тўхтатиб турилиши мумкин.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан 6 ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

Низо судда куриб чиқиладиган бўлса, низо ҳал этилгунига қадар саноат мулки объектига доир ишни юритиш Патент идораси томонидан тўхтатиб турилади.

Саноат мулки объекти патентининг амал қилишини тугатилиши

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиро-

лар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида» ги Қонунига мувофиқ белгиланган амал қилиш муддати ўтгандан кейин тугатилади.

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиши:

Патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божлари белгиланган муддатда туланмаганда;

Патент эгаси Патент идорасига топширган аризага асосан муддатидан илгари тугатилади.

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиш муддати илгари тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

Саноат мулки объекти патентидан воз кечиш тартиби

Патент эгаси ёзма ариза бериб, саноат мулки объекти патентидан воз кечиш ҳуқуқига эга.

Бир нечта патент эгаларидан бирининг саноат мулки объекти патентидан воз кечиши патентнинг амал қилиши тугатилишига олиб келмайди.

Саноат мулки объекти патентидан воз кечиш Патент идораси патент эгасидан ёзма ариза олган санадан эътиборан амал қила-бошлайди.

Патент эгаси саноат мулки объекти патентидан воз кечиш нияти тўғрисида муаллифни ҳабардор қилиши шарт. Муаллиф бундай ҳолда патентга эгалик қилишда устувор ҳуқуққа эга бўлади.

Саноат мулки объекти патенти лицензия шартномасининг объекти бўлса, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, патентдан лицензия эгасининг розилиги билангина воз кечиш мумкин бўлади.

1.1.10. Саноат мулкига Ўзбекистон Республикаси Патент вакилларининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Патент вакили юридик ва жисмоний шахсларнинг Патент идораси олдидаги вакиллик ҳуқуқини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган Ўзбекистон фуқароси патент вакили бўлиши мумкин. Патент вакилларига қўйиладиган малака талаблари, уларни аттестациядан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар саноат мулки объектларини патентлаш бўйича ишларни ва улар билан боғлиқ бўлган юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни Патент идорасида рўйхатга олинган патент вакили орқали амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, бироқ вақтинча унинг ҳудудидан ташқарида турган жисмоний шахслар саноат мулки объектларини патентлаш бўйича ишларни ва улар билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси доирасида ёзишмалар олиб бориш учун манзилни кўрсатган ҳолда, патент вакилисиз амалга оширишлари мумкин.

Патент вакилининг ваколатлари ишончнома билан тасдиқланади.

Саноат мулки объектларини бошқа давлатларда патентлаш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари саноат мулки объектларини

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа давлатларда патентлаш ҳуқуқига эга.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида» ги Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки келишув принципи асосида фойдаланадилар.

Саноат мулклари бўйича низоларни ҳал этиш тартиби

Саноат мулки объектларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

1.2. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида

Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Мабодо Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари

туғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутил-
гандан бошқача қоидалар белгиланган бўлса,
халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси
бу бир юридик ҳамда жисмоний шахслар товар-
лари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмо-
ний шахсларнинг шу турдаги товарлардан
фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган
тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

Товар белгилари якка тартибдаги ва жа-
моавий бўлиши мумкин.

Алоҳида юридик ёки жисмоний шахсга те-
гишли товар белгиси якка тартибдаги белги
ҳисобланади.

Юридик ва жисмоний шахслар бирлашма-
сининг улар томонидан ишлаб чиқариладиган ёки
реализация қилинадиган бир хил сифатга ёки
бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарла-
рини белгилаш учун мулжалланган товар белгиси
жамоавий белги ҳисобланади.

Тасвирлар, сўзлар муайян шакл тарзидаги
белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг истал-
ган бир рангдаги жамлама ифодаси товар белги-
лари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар белгиси ҳуқуқий жиҳатидан Қонунда
белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш асоси-
да, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг
халқаро шартномаларига мувофиқ равишда
муҳофаза қилинади.

Товар белгиси татбиркорлик фаолиятини
амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс
номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

1.2.1. Товар келиб чиққан жой номи ҳақида ту- шунча

Мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа
жуғрофий объектнинг товарини белгилаш учун

ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари та-
момила ёки асосан мазкур жуғрофий объектга
хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар
ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг
бирикмаси билан белгиланадиган номи товар ке-
либ чиққан жой номи деб эътироф этилади.

Товар келиб чиққан жой номини ҳуқуқий
жиҳатдан уни Қонунда белгиланган тартибда
руйхатдан ўтказиш асосида, Ўзбекистон Респуб-
ликасининг халқаро шартномаларига мувофиқ
равишда муҳофаза қилинади.

Товар келиб чиққан жой номи мазкур
жуғрофий объектдаги, номи узлари ишлаб
чиқараётган товарини белгилаш учун ишлатила-
диган бир ёки бир неча юридик ёки жисмоний
шахс томонидан руйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номини руйхатдан
ўтказган шахс бу номдан, башарти мазкур шахс
алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан маз-
кур жуғрофий объектга хос табиий шароитлар
ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий шароит-
лар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан бел-
гиланадиган товарни ишлаб чиқараётган бўлса,
фойдаланиш ҳуқуқини олади.

Амалдаги қонунда белгиланган тартибда
руйхатдан ўтказилаётган товар келиб чиққан
жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳудудий, шу
жуғрофий объектда жойлашган ва айнан шундай
хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб
чиқараётган бошқа юридик ёки жисмоний шахсга
ҳам берилиши мумкин.

1.2.2. Товар белгиси учун Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан қўйилган вазифалар

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади

Товар белгиси учун Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан қўйилган вазифалар:

товар белгисини ва товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашишда;

товар белгисини, товар келиб чиққан жой номи ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатга олишга доир талабномаларни куриб чиқиш учун қабул қилади, улар юзасидан давлат экспертизасини ўтказиш;

товар белгиларини, товар келиб чиққан жой номларини ва товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш ҳуқуқини, товар белгиларига доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказишни амалга оширади;

товар белгилари давлат реестрини ва товар келиб чиққан жой номлари давлат реестрини юрилади;

товар белгиси учун гувоҳнома ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради;

товар белгиси рўйхатга олинганлиги ва товар келиб чиққан жой номлари фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида расмий маълумотларни эълон қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қуйидагилар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

- 1) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;
- 2) давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари;
- 3) расмий назорат, кафолат тамғалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар;
- 4) давлат хизматларининг Ўзбекистан Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари;
- 5) фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар;
- 6) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар;
- 7) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар;
- 8) товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматни шунингдек уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар;
- 9) товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлгон ёки истеъмолчини ҳалқитиши мумкин бўлган белгилар;
- 10) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янгилиш тасаввур берувчи белгилар;
- 11) маъданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи

жуғрофий номлар бўлган ёки шундай номларни ифодаловчи белгилар, мазкур жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек, башарти улар таржима қилиб ёки “кўринишдаги”, “турдаги”, “усулдаги” ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан қўшилган ҳолда қўлланилса;

12) жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар;

13) куйидаги белгилар:

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ устиворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

ҳар қандай товарларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда умум эътироф этилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган товар келиб чиққан жой номи бўлган белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай товарларга нисбатан шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиладиган товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қиём сифатида кiritилган ҳоллар бундан мустасно;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари билан адаштириб

юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар.

14) Қуйидаги белгилар:

ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушиш санасидан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

саноат намуналарини, агар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса, такрорловчи белгилар;

Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларининг ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхурлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сўзларини, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дасхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхурлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Қонунда кўрсатилган белгилар, яъни бунга тегишли давлат органининг ёки белги эгасининг розилиги бўлса, товар белгиси муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин, қонунда кўрсатилган белгилар, яъни улар товар белгисидан устун мавқега эга бўлмаса, бу белгига муҳофаза қилинмайдиган

қисмлар сифатида киритилиши мумкин

Қонунда кўрсатилган белгиларни рўйхатдан ўтказишга, башарти бу белгилар амалда улардан фойдаланиш тартиб-қоидаларида фарқланиш хусусиятига эга бўлган тақдирдагина, йўл қўйилиши мумкин.

Қонундаги иккинчи ва учинчи қатбоши-ларда кўрсатилган товар белгиси билан адаш-тириб юбориш даражасида уларга айван ўхшаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишга товар белгиси эгасининг бу белгини рўйхатта олиш учун розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

1.2.3. Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар

Қуйидаги белгилар товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

Товар келиб чиққан жой нусусида истеъмолчини жалғатиб қўядиган жуғрофий ном бўлган белгилар;

товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бўлиши ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жуғрофий номни аниқлатувчи ва Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар.

Товар белгисининг устуворлиги

Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Патент идорасига талабнома берилган санага қараб белгиланади.

юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар.

14) Қуйидаги белгилар:

ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушиш санасидан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

саноат намуналарини, агар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса, такрорловчи белгилар;

Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонлари:.. ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан куринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхурлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сузларини, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дасхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхурлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Қонунда кўрсатилган белгилар, яъни бунга тегишли давлат органининг ёки белги эгасининг розилиги бўлса, товар белгиси муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин, қонунда кўрсатилган белгилар, яъни улар товар белгисидан устун мавқега эга бўлмаса, бу белгига муҳофаза қилинмайдиган

қисмлар сифатида киритилиши мумкин

Қонунда кўрсатилган белгиларни рўйхатдан ўтказишга, башарти бу белгилар амалда улардан фойдаланиш тартибларида фарқланиш хусусиятига эга бўлган тақдирдагина, йўл қўйилиши мумкин.

Қонундаги иккинчи ва учинчи қатбошиларда кўрсатилган товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида уларга ўхшаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишга товар белгиси эгасининг бу белгини рўйхатга олиш учун розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

1.2.3. Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар

Қуйидаги белгилар товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

Товар келиб чиққан жой тусида истеъмолчини жалғатиб қўядиган жузғофий ном бўлган белгилар;

товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жузғофий номни аниқлатувчи ва Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар.

Товар белгисининг устуворлиги

Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Патент идорасига талабнома берилган санага қараб белгиланади.

уюбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар.

14) Қуйидаги белгилар:

ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушиш санасидан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

саноат намуналарини, агар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса, такрорловчи белгилар;

Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларини ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сўзларини, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дасхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Қонунда кўрсатилган белгилар, яъни бунга тегишли давлат органининг ёки белги эгасининг розилиги бўлса, товар белгиси муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин, қонунда кўрсатилган белгилар, яъни улар товар белгисидан устун мавқега эга бўлмаса, бу белгига муҳофаза қилинмайдиган

қисмлар сифатида киритилиши мумкин.

Қонунда кўрсатилган белгиларни рўйхатдан ўтказишга, башарти бу белгилар амалда улардан фойдаланиш натижасида фарқланиш хусусиятига эга бўлган тақдирдагина, йўл қўйилиши мумкин.

Қонундаги иккинчи ва учинчи хатбошиларда кўрсатилган товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишга товар белгиси эгасининг бу белгини рўйхатга олиш учун розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

1.2.3. Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар

Қуйидаги белгилар товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

Товар келиб чиққан жой хусусида истеъмолчини жалғитиб қўядиган жуғрофий ном бўлган белгилар;

товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жуғрофий номни англатувчи ва Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар.

Товар белгисининг устуворлиги

Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Патент идорасига талабнома берилган санага қараб белгиланади.

қўбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар.

14) Қўйидаги белгилар:

ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушиш санасидан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

саноат намуналарини, агар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса, такрорловчи белгилар;

Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларини ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан қўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сўзларини, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дасхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Қонунда кўрсатилган белгилар, яъни бунга тегишли давлат органининг ёки белги эгасининг розилиги бўлса, товар белгиси муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин, қонунда кўрсатилган белгилар, яъни улар товар белгисидан устун мавқега эга бўлмаса, бу белгига муҳофаза қилинмайдиган

қисмлар сифатида киритилиши мумкин.

Қонунда кўрсатилган белгиларни рўйхатдан ўтказишга, башарти бу белгилар амалда улардан фойдаланиш натижасида фарқланиш хусусиятига эга бўлган тақдирдагина, йўл қўйилиши мумкин.

Қонундаги иккинчи ва учинчи хатбошиларда кўрсатилган товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишга товар белгиси эгасининг бу белгини рўйхатга олиш учун розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

1.2.3. Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар

Қуйидаги белгилар товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

Товар келиб чиққан жой хусусида истеъмолчини чалғитиб қўядиган жуғрофий ном бўлган белгилар;

товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жуғрофий номни англатувчи ва Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар.

Товар белгисининг устуворлиги

Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Патент идорасига талабнома берилган санага қараб белгиланади.

Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун биринчи талабнома саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига қўшилган давлатда берилган санага қараб, башарти шу санадан кейинги олти ой мобайнида Патент идорасига товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган бўлса (конвенция устуворлиги), белгиланиши мумкин.

Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига қўшилган давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил этилган расмий халқаро кўргазмаларнинг ёки расмий деб тан олинган шундай кўргазмаларнинг экспонатларига қўйилган товар белгисининг устуворлиги экспонат кўргазмада очиқ намоёниш этила бошланган санага қараб (кўргазма устуворлиги), башарти шу санадан кейинги олти ой мобайнида Патент идорасига товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган бўлса, белгиланиши мумкин.

Конвенция ёки кўргазма устуворлиги ҳуқуқини сўраётган талабнома берувчи қўйилган талаб ҳаққоний эканлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда бу ҳақида товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани бераётганида ёки Патент идорасига талабнома тушганидан кейин икки ой мобайнида маълум қилиши шарт ёхуд бу ҳужжатларни товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган вақтдан эътиборан уч ойдан кечиктирмай Патент идорасига тақдим этиши лозим.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома икки ёки бир неча талабномага ажратилган тақдирда талабномаларнинг ҳар бири бўйича устуворлик дастлабки талабноманинг устуворлиги санасига қараб белгиланади.

Талабнома берувчи товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб

чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномадан уни кўриб чиқишнинг исталган босқичида бошқа шахс фойдасига воз кечиши ёки талабномани чақириб олиши мумкин, лекин бу тегишлича товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиладиган санадан кечиктирмай амалга оширилиши лозим.

Патент идораси давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари асосида, патент божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат олинган санадан эътиборан бир ой мобайнида товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини тегишли реестрда рўйхатга олади.

Реестрга киритиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идорасининг Расмий ахборотномасида эълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Товар белгисига доир гувоҳнома товар белгиси сифатида талабномада ифодаланган белги рўйхатдан ўтказилганлиги фактини, товар белгисининг устуворлигини ва товар эгасининг гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқдаги гувоҳнома товар келиб чиққан жой номи сифатида талабномада ифодаланган белги рўйхатдан ўтказилганлиги фактини ва гувоҳнома эгасининг ундан гувоҳномада кўрсатилган товар турига нисбатан фойдаланиш

ҳуқуқини тасдиқлайди. Товар белгисига доир гувоҳнома ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тегишли реестрда рўйхатга олингандан сўнг бир ой давомида Патент идораси томонидан берилади. Гувоҳномалар шакли ва уларда кўрсатилган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Товар белгисига доир гувоҳнома ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома талабнома берилган санадан эътиборан ўн йил мобайнида амал қилади.

1.2.4. Товар белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тартиби

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати гувоҳнома амал қилаётган охириги йил мобайнида унинг эгаси томонидан берилган аризага биноан ҳар сафар ўн йилга узайтирилиши мумкин.

Қонунда кўрсатилган аризага қуйидагилар илова қилиниши лозим:

- патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- патент вакили орқали ариза берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси;
- товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс мазкур жуғрофий объектда эканлигини ва гувоҳномада кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқарилаётганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жойи номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ёзув тегишли реестрга киритилади.

Қонунда кўрсатилган аризани бериш муддати гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагандан кейин олти ой мобайнида гувоҳнома эгаси берган илтимосномага биноан узайтирилиши мумкин.

Товар белгисига доир гувоҳномага ва товар келиб чиққан жойи номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага ўзгартиришлар киритиш тартиби

Товар белгисининг эгаси ёки товар келиб чиққан жойи номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг эгаси Патент идорасини ўз номи, фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганлиги тўғрисида, товар белгиси ёки товар келиб чиққан жойи номини рўйхатдан ўтказишга тааллуқли бошқа ўзгартиришлар тўғрисида, товар белгиси учун эса – товар белгиси олинган товарларнинг рўйхати қисқартирилганлиги, товар белгисининг айрим қисмлари унинг моҳиятини бузмайдиган тарзда ўзгартирилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

Бу ўзгартиришлар тўғрисидаги ёзув Патент идораси томонидан товар белгисига доир гувоҳномага ёки товар келиб чиққан жойи номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага ва тегишли реестрга киритилади.

Товар белгисига доир гувоҳнома унинг бутун амал қилиш муддати давомида, башарти у Қонуннинг белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса ёки товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар Расмий ахбо-

ротномада эълон қилинган санадан эътиборан беш йил мобайнида, башарти у Қонуннинг белгиланган талабларини бузган ҳолда берилган бўлса, тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш - ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома унинг амал қилишининг бутун муддати давомида, башарти у Қонунда белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса, ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилганлиги қуйидаги ҳолларда бскор қилинади:

- мазкур жуғрофий объект учун хос бўлган ша-роитлар йўқолганда ва реестрда кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаганда;

- чет эллик юридик ёки жисмоний шахслар товар келиб чиққан мамлакатда товар келиб чиққан шу жой номига доир ҳуқуқларини йўқотганда.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши унинг амал қилиш муддати тугаганлиги муносабати билан тугатилади.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси рўйхатдан ўтказилади санадан эътиборан исталган беш йил мобайнида ундан узлуксиз равишда фойдаланилмаганда, шунингдек жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув бузилган тақдирда манфаътдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатдан олдин тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин. Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилишини ундан фойдала-

нилмаганлиги муносабати билан муддатдан олдин тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганда товар белгисининг эгаси томонидан тақдим этилган унга боғлиқ, бўлмаган ҳолатларга кўра товар белгисидан фойдаланилмаганлигини исботловчи далиллар эътиборга олиниши мумкин.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши:

- Апелляция кенгаши қарори асосида;
- товар белгиси эгасининг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома эгасининг Патент идора-сига берган аризаси асосида;
- суд қарори асосида муддатидан илгари тугатилади.

Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқлар

Товар белгисининг эгаси товар белгисидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқига эга.

Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан амал қилади ва Патент идорасининг Расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан эътиборан рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш даври мобайнида амалга оширилади.

Товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога тақлиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш, ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилади.

1.2.5. Товар белгисига бериладиган гувоҳномага Патент идораси вакилларининг ваколатлари

Патент вакили Патент идорасида юридик ва жисмоний шахсларнинг вакиллик ҳуқуқини амалга оширади.

Ўз мамлакати ҳудудида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси патент вакили бўлиши мумкин. Патент вакилларига қўйиладиган малака талаблари, уларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ишларини юритишни ҳамда бу ишлар билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни Патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакиллари орқали амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин вақтинчалик унинг ҳудудидан ташқарида бўлган жисмоний шахслар товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ишларини ва бу ишлар билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни ёзишма учун Ўзбекистон Республикаси доирасидаги манзилни кўрсатган ҳолда патент вакилисиз амалга оширишлари мумкин.

Патент вакилининг ваколатлари ишончнома билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари товар белгисини ёки товар келиб чиққан жой номини бошқа давлатларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга ҳақли.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар бу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки ўзаро келишув принципи асосида фойдаланадилар.

Товар белгиси бўйича низоларни ҳал этиш тартиби

Товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

1.3. ЭЎМ учун дастурлар ва маълумотлар базасини муҳофазалаш ҳуқуқи

1.3.1. Асосий тушунчалар

Маълумотлар базаси — маълумот (масалан, мақола, ҳисоб-китоб) ларнинг электрон ҳисоблаш машиналари (ЭЎМ) ёрдамида топиш ва ишлаб бериш мумкин бўладиган даражада бир тизимга солинган мажмуи.

ЭЎМ учун яратилган дастур — ЭЎМ, ЭЎМ тармоғи ва бошқа компютер воситаларининг муайян натижалар олиш мақсадида ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва буйруқлар мажмуи.

Бошланғич матн — бирор компилятор қайта ишлаши мумкин бўлмаган, муайян бирорта дастурлаш тилида ёзилган матн.

Объект коди — бошланғич матннинг машина кодига айлантирилиши натижасида юзага келадиган дастур.

ЭХМ учун яратилган дастурни декомпилаштириш – ЭХМ учун яратилган дастурларни тузилиши ва кодини урганиш мақсадида объектив кодни бошланғич матнга айлантиришни ўз ичига олган техникавий усул.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг адаптациялаш – муайян вазиятларда ЭХМ ёки маълумотлар базаси учун яратилган дастурлар ишлашини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган, муаллиф бошланғич матннинг ўзгартиришга (декомпиллаш оқибатида) олиб келадиган қушимчаларни кириштиш.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялаш (қайта ишлаш) – адаптация деб ҳисобланмайдиган ва бошланғич матнни ўзгаришига олиб келадиган ҳар қандай тарзда ўзгартириш.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан нусха олиш – ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ҳар қандай моддий шаклда битта ёки ундан кўпроқ нусхада тайёрлаш ҳамда уларни ЭХМнинг хотирасига ёзиш.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини тарқатиш – ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини исгалган моддий шаклда, шу жумладан тармоқлар воситасида ва бошқа усул билан, шунингдек, уларни сотиш, ижарага бериш, қарзга бериб туриш, жумладан ушбу мақсадларнинг исталгани учун импорт қилиш йўли билан олинган нусхаларидан фойдаланишни таъминлаш.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини босиб чиқариш (эълон қилиш) – ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхаларини муаллиф-

нинг розилиги билан номуайян шахслар доирасига бериш (шу жумладан ЭХМ хотирасига ёзиш ва босма матн чиқариш йули билан бериш).

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш – уларни босиб чиқариш, улардан нусха олиш, уларни тарқатиш ҳамда хўжалик муомаласига (шу жумладан, модификациялаштирилган шаклда) киритиш юзасидан бошқа ҳаракатларни амалга ошириш. ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг босиб чиқарилганлиги туғрисидаги хабарларни оммавий ахборот воситаларининг маълум қилиш ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш деб тан олинмайди.

Ҳуқуқ эгалари – муаллиф, унинг мерохўрлари, шунингдек қонун йули билан ёки шартнома асосида олинган мутлақ шахсий ва мулкӣ ҳуқуққа эга бўлган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахслар.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси амалдаги қонунчилик бўйича муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланади

Муаллифлик ҳуқуқи – ЭХМ учун яратилган ёки маълумотлар базаси муаллифлик ҳуқуқи вазифаси ва афзалликларидан қатъий назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф ижодий фаолиятининг натижаси бўлмиш ҳар қандай ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан татбиқ этилади. ЭХМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базасига муаллифлик ҳуқуқи токи акси исботланмагунга қадар сақланиб қолаверади.

Давлат томонидан таъминланадиган ҳуқуқий ҳимоя:

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг барча тури (шу жумладан операция тизимлари ва дастурий мажмуалар) га тааллуқли, бўлган дастурлаштиришнинг ис-талган тилда ва исталган шаклда, бошланғич матн ва объект кодига нисбатан ҳам, шу жумладан маълумотларни танлаш ва ташкил этиш бўйича ижодий меҳнатнинг натижаси бўлган, маълумотлар базаларига нисбатан татбиқ этилади;

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базалари ёки уларнинг қандайдир қисмига асос бўлган ғоялар ва тамойилларга, шу жумладан интерфес ҳамда алгоритм ташкил этиш ғоялари ва тамойилларига, шунингдек дастурлаш тилларига нисбатан татбиқ этилмайди.

1.3.2. ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини тан олиш тартиби

ЭҲМ учун дастурлар ёки маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи улар яратилгач юзага келади. ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи тан олиш ва амалга ошириш учун рўйхатдан ўтказиш ёки бошқа расмийликларга риоя этиш талаб этилмайди

Муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлмаган материаллардан (асарлардан) иборат маълумотлар базасига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи маълумотлар базасини яратиш шахсларга тааллуқли бўлади.

Бошқа шахснинг муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлган материалларни ўз ичига олган маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи бундай материалларнинг ҳар бирига нисбатан муаллифлик ҳуқуқига амал қилинган ҳолларда тан олинади.

Маълумотлар базасига киритилган материалларнинг ҳар бирига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи сақланади. Бу материаллар маълумотлар базасидан қатъий назар ишлатилиши мумкин.

Маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларга мазкур маълумотлар базасига кирган материаллар ва асарларни мустақил равишда танлаши ва ташкил этишига тўсқинлик қилмайди.

Ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш мақсадида ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базасининг биринчи бор босиб чиқарилишидан эътиборан муаллифлик ҳуқуқининг уч қисмдан: доира ёки кичик қавс ичига олинган «С» ҳарфи; ҳуқуқ эгасининг номи (исми); ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси биринчи бор босиб чиқарилган йил кўрсатилган ёзувдан таркиб топган ҳимоя белгисини қўллаш мумкин.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатлари қонун ҳужжатларида кўзда тутилган муаллифлик ҳуқуқи нормаларига мувофиқ белгиланади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базасига муаллифлик, муаллифликнинг ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари амалдаги ҳужжатларига мувофиқ аниқланади. ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базасининг муаллифи ёки ўзга ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базасини модификациялашни, шу

жумладан дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва амалга оширишга рухсат бериш борасида мутлақ ҳуқуққа ҳам эгадир.

ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаларига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар шартнома асосида ўзга жисмоний ва юридик шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Шартнома ёзма шаклда тузилади ва унда албатта қуйидагилар белгилаб қўйилади: ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш ҳажми ва усуллари, ҳақ тўлаш тартиби ва мукофот пул миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар қонунда белгиланган тартибда мерос бўлиб ўтади.

Хизмат вазифаларини бажариш тартибида ёки иш берувчининг топшириғига биноан ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаларига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар иш берувчига, ёки у билан муаллиф ўртасидаги шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, тегишли бўлади.

Ҳақ тўлаш тартиби ва мукофот пули миқдори муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базасига нисбатан мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлган ташкилот ёки корхона қайта ташкил қилинса, тарқатиб юборилса ёки тугатилса, барча мулкӣ ҳуқуқлар тегишли равишда суднинг ёки тугатиш комиссиясининг қарорига кўра муаллифга, давлатга ёки бошқа ҳуқуқий ворисга ўтказилиши мумкин.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан барча шахсий ва мулкӣ ёки шартномага кўра фақат мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлган Ўзбекистон Республика-

сининг, бошқа давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини бевосита ёки ўз вакили орқали Дастурий маҳсулотлар давлат реестри ёки Маълумотлар базалари давлат реестрида (кейинги ўринларда – Реестр деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига талабнома бериш йўли билан рўйхатдан ўтказиш

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси расмий рўйхатдан ўтказиш сўралган талабнома (матнда бундан буён рўйхатдан ўтказиш талабномаси деб аталади) ЭҲМ учун яратилган битта дастур ёки битта маълумотлар базасига тааллуқли бўлиши керак. Рўйхатдан ўтказиш талабномасини расмийлаштириш қоидаларини Патент идораси белгилайди.

Рўйхатдан ўтказиш талабномаси келиб тушгач, Патент идораси керакли ҳужжатларнинг бор-йўқлиги ва қоидаларнинг талабларга қанчалик мувофиқлигини текшириб чиқади. Текшириш натижаси ижобий бўлса, Патент идораси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини тегишли Реестрга киритади, талабнома берувчига расмий рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома, ҳамда рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларига доир маълумотларни Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг суровига кўра ёки ўз ташаббуси билан маълумотлар Расмий ахборотномада босиб

чиқарилгунига қадар талабнома материалларини тўлдириш, уларга аниқлик киритиш ва уларни тузатишга ҳақлидир.

Текшириш натижаси салбий бўлса, Патент идораси талабнома берувчига расмий рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигини билдирувчи ҳужжат топширади.

Расмий рўйхатдан ўтказиш тартибини, расмий рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома шакллари, уларда курсатиладиган маълумотлар таркибини Патент идораси белгилайди. Расмий ахборотномада эълон қилинадиган маълумотлар рўйхати ҳам Патент идораси томонидан белгиланади.

Рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқлар бутунлай ўзгаларга бериш тўғрисидаги шартнома Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкӣ ҳуқуқларнинг ўзгаларга ўтказилиши тўғрисидаги шартномалар томонларнинг келишувига биноан Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Реестрга киритилган маълумотлар токи акси исботланмагунга қадар тўғри деб ҳисобланади. Курсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик талабнома берувчи зиммасига юклатилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаларини, шартномаларни расмий рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатлар амалга оширилганлиги ва маълумотлар босиб чиқарилганлиги учун, рўйхатдан ўтказганлик учун тўловлар олинади. Рўйхатдан ўтказилганлик тўловларини тўлаш миқдорлари, муддатлари, шунингдек уларни тўлашдан озод қилиш ёки уларнинг миқдорини камайтириш

асослари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

1.4. Чет эл мамлакатларнинг патент ҳуқуқлари

Чет эл мамлакатларининг саноат мулкини муҳофазаси учун патентга бўлган ҳуқуқи қондасига кура, унга миллий патент идораси томонидан патент берилган ҳолларда кузда тутилади.

Саноат мулкига нисбатан якка ҳокимлик ҳуқуқини белгилаш иқтисодий зарурият ҳисобланади. Корхона патентлашга манфаатдор, чунки улар ёрдамида у саноат мулкини ўзиники қилиб олади, айниқса, ўзига сезиларли даражада фойда келтирадиган ва ўз рақобатчиларига нисбатан устунлигини таъминлайдиган йирик манба бўлиб хизмат қилади

Патент қонуни муҳофазаси дейилганда саноат мулкининг моҳиятини омма эътибори учун формулалар ва саноат мулки тавсифи ҳақидаги маълумотни, шунингдек, ундан фойдаланиш усуллари эълон қилиш йўли билан унинг эгасиники қилиб мустаҳкамлаб қўйиш тушунилади.

Бироқ бу ҳолатнинг ижобий аҳамиятига пу-тур етказадиган томони ҳам борки, у ҳам бўлса, кўпинча компаниялар ўз мақсадларини кўзлаб, муҳим саноат мулкларига патент оладилар-у, ammo уни пўлат сандиққа солиб сақлаб қўядилар ва бу билан техниканинг ривожига туғаноқ бўладилар.

Бу, одатда, компаниянинг якка ҳокимлик мавқеи мазкур Саноат мулкларини жорий этмасдан ҳам ута юқори фойда олиш имкони берганда

шундай йўл тугилади. Шу муносабат билан ҳозирги шароитларда “Ноу-Хау” ҳақидаги шартномалар кенг ёйилмоқда. Бунда ишлаб чиқариш сири, корхонанинг техникавий тажрибаси сотилмоқда ва ҳоказо. Лекин бу патент тизимига йўлдош ҳодиса, холос.

Ҳам ички, ҳам ташқи халқаро бозорда кескин рақобат натижасида йирик компаниялар ўзаро патент шартномаси тузиб, халқаро картел шаклида монополия ташкил этмоқдалар.

XX асрнинг, айниқса унинг сўнгги 30-40 йилларида *патент* кенг расм бўлди. Буларнинг ўзига хос томони шундаки *пуллаларни*, пул қатнашчилари махсус монополия — ташкилот (ширкат, акциядорлик жамияти) барпо этдилар. *Пулла* қатнашчилари бу ташкилотга ўз патентлари ва лицензияларини берадилар, олинган фойдани ўзаро тақсимлайдилар.

Патент пайлашуви ва пулла қатнашчилари, одатда, ўз олдиларига қуйидаги мақсадларни қўядилар: яъни, жаҳон бозорини тақсимлаш, ишлаб чиқаришнинг яхлит тармоқлари устидан назорат ўрнатиш, патентлашган маҳсулотга монопол нарх жорий этиш, патентлар асосида тайёрланган товарлар миқдорини белгилаш, сиёсий ёки стратегик мақсадларда баъзи мамлакатларга патентлашган маҳсулотни чиқариш ёки сотишни чеклаш, ёхуд йўл қўймаслик (патент ҳуқуқини бузган томонларга қарши биргаликда кураш, *аутсайдерлар* деб аталмиш мустақил фирмаларни бўйсундириш ёки йўқ қилиш).

Патент қонунларида алоҳида ўрин патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини ифодаловчи меъёрларга қандай ажратилган бўлса, патент ҳақидаги ҳуқуқни йўқлигини баҳслашувчи тартибларни ўрнатувчи нормаларга ҳам шундай ўрин берилди. Бу шундан далолат берадики, ривожланган

давлатлар шароитларида патентлар соҳасида ва уларни татбиқ этишда мунтазам суръатда манфаатлар зидлиги туқнашмоқда ва фойда олиш мумкин бўлган патентга эга бўлиш учун кураш бормоқда.

Ҳозирги замон қонунчилиги патентлашган саноат мулкларига аввалги қонунлардагидан кўра кўпроқ ҳуқуқ беради. Бунда барча саноат мулклари - ҳарбий шароитларда қўлланадиган, космосни тадқиқ этишда, атом қувватидан фойдаланишда, шунингдек жосуслик мақсадларида қўлланадиган саноат мулклари назарда тутилмоқда. Патентшуносчилик қонунларида улар жамият фаровонлигига ва давлат хавфсизлигига тааллуқли, ёки махфий саноат мулклари деб аталади. Давлат шундай саноат мулкларига талабнома ва патентларни ўз мулки қилиб сотиб олиш (АҚШ), ёки улардан тинч пайтларда, ёхуд фавқулоддаги вазиятларда фойдаланиш (Буюк Британия) ёки патент амал қилишини тўхтатиш (Германия Федератив Республикаси) ҳуқуқига эга. Бу меъёрлар саноат мулкчилигининг ҳуқуқини чегаралаб қўяди, чунки патентга (саноат мулкига) бўлган давлат ҳуқуқи йирик компаниялар томонидан амалга оширилади, буларга махфий патентлар давлат буюртмалари, ан монопол тарзда фойдаланиш учун берилади.

Масалан, АҚШда атом ва водород бомбалар ишлаб чиқариш, самолётсозлик, космик кемаларни тайёрлаш ва бошқалар билан боғлиқ саноат мулкларига патентлар шундай тасарруф этилади.

Бу асосан хизмат саноат мулклари туфайли юз беради, корхонадаги иш билан боғлиқ ҳолда қилинган саноат мулклари шундай ҳисобланади. "Иш билан боғлиқ" тушунчаси турлича талқин этилади. Хизматдаги ходимлар ўз лавозим мажбуриятларини бажаришлари билан боғлиқ тарзда яратилган саноат мулклари ёки корхонада

туплаган тажриба ёрдамидаги саноат мулки тушунилади.

Корхона ходими ёки қонунга кўра (Германия Федератив Республикаси, Италия, Австрия, Канада, Швейцария ва б.да), ёки аниқ ёхуд кўзда тутилган шартномага кўра (АҚШ, Буюк Британияда) ўз хизмат Саноат мулкларини корхона тасарруфига беришга мажбур. Баъзи мамлакатларда хизмат саноат мулкларини хўжайинлар ихтиёрига топшириш жамоа шартномасида (Франция, Норвегия) кўзда тугилади. Муаллифни мукофотлаш татбиркорлар хоҳишига боғлиқ, у умуман берилмаслиги ҳам мумкин.

Хизмат саноат мулки патентида, одатда, ҳақиқий муаллиф номи кўрсатилади. Чунки муаллиф, айтиш мумкинки, саноат мулкига бўлган ҳуқуқини у яратилгунга қадар ёки яратилгандан сўнг беради.

Давлат хизматлари учун улар давлат муассасаларида, ишлаш жараёнида яратилган саноат мулкларига нисбатан белгиланган чеклашлар бундан кам эмас. Уларни патентлаш ҳуқуқи ва кенг тарзда уни тасарруф этиш давлат (тегишли муассасалар) га тааллуқли бўлади.

1.5. Саноат мулки муҳофазаси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Ташқи савдо ривожланган шароитларда ва чет эл сармоясини бошқа мамлакатга кириб бориши туфайли, саноат мулкларини бир мамлакат ҳудудида муҳофазалаш, ташқи бозорга товар чиқаришда, юқори фойда олишда етарлича восита бўлмай қолди. Саноат мулкини бошқа мамлакатда муҳофазалаш зарурати юзага келди. Чет элда саноат мулкларини патентлашдан афзаллик излаш учун халқаро шартномалар туза бошладилар.

Бу соҳадаги биринчи ҳужжат “Саноат мулкини муҳофазалаш бўйича Париж конвенцияси” бўлди. У 1883 йил 20 мартда тузилди ва бу ҳужжатга 11 мамлакатлар (Бельгия, Бразилия, Испания, Италия, Франция, Гватемала, Голландия, Португалия, Сальвадор, Сербия, Швейцария) имзо қўйиб, Саноат мулки муҳофазаси бўйича уюшма тузган эдилар.

Кейинчалик бу уюшмага Англия (1884 й.), АҚШ (1887 й.) ва бошқа мамлакатлар аъзо бўлганлар. Ҳозирги вақтда 130 дан ортиқ давлатлар Париж конвенцияси қатнашчиси ҳисобланади. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам.

1883 йилдаги Париж конвенцияси халқаро очиқ шартнома ҳисобланади, бу ҳол исталган давлатнинг белгиланган тартибда унга кириши ёки конвенциядан чиқиши имконини беради.

Париж конвенциясининг низоми бир неча бор қайта қўриб чиқилди ва тўлдирилди (1900 й. – Брюссел, 1911 й. – Вашингтон, 1925 й. – Гаага, 1934 й. – Лондон, 1958 й. – Лиссабон, 1967 й. – Стокгольмда қайта қўриб чиқилди).

Париж конвенцияси Уюшма аъзоларининг саноат мулкини ҳимоя қилиш бўйича айрим ҳолларда бирёқлама шартномалар тузиш ҳуқуқини таъминлайди, агар бундай шартномалар конвенция қоидаларига зид бўлмаса, масалан, 1891 йил 14 апрелдаги белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид шартномасида шундай қоида бор: белгининг бир давлатда рўйхатдан ўтказилиши билан, у мазкур шартнома қатнашчилари бўлган барча давлат ҳудудида кучга эга бўлди. Бироқ, ҳар бир давлат бир йил ичида белгини ўз ҳудудида амал қилишини тан олмаслиги ҳақида, агар бу миллий қонунчилик қоидаларига зид бўлса, эълон қилиш ҳуқуқига эга. Масалан, Франция, Италия, Авст-

рия, Бельгия, Нидерландия, Швейцария, Люксембург, Испания, Португалия, МАР, Тунис, Марокко, Вьетнам, Лихтенштейн, Сан-Марино, Монако Мадрид уюшмасига аъзодирлар.

1925 йил 9 ноябрдаги халқаро саноат расмлари ва моделларини қайд этиш ҳақидаги Гаага шартномаси саноат намунасини муҳофазалаш қоидаларини белгилайди ва у Гаага уюшмаси барча мамлакатларида Халқаро бюрода рўйхатдан ўтказиш йўли билан амал қилади. Ҳар бир давлат рўйхатдан ўтказилган саноат намунасини ўз ҳудудида амал қилишини олти ой ичида рад қилиши мумкин. Гаага шартномаси қатнашчиларига Франция Бельгия, Нидерландия, Швейцария, Испания, МАР, Индонезия, Тунис, Марокка, Вьетнам, Монако, Лихтенштейн, Ватикан давлатлари киради. Булардан бошқа шартномалар ҳам мавжуд. Масалан, буюм келиб чиқишини сохта ва нотўғри ифодалаганлик учун чора ҳақидаги буюм ишлаб чиқилган жой курсаткичини ва уларни халқаро рўйхатдан ўтказишни муҳофазалаш ҳақидаги 1958 йил 31 октябрдаги шартномалар шулар жумласидандир. Патент кооперацияси ҳақидаги битим 1970 йил 19 июнда тузилган бўлиб, алоҳида эътиборга молик. Битимни 20 та давлат – Бразилия, Вьетнам, Буюк Британия, Дания, Венгрия, Исроил, Италия, Ирландия, Канада, Норвегия, МАР, АҚШ, Жазоир, Филлипин, Финляндия, Германия Федератив Республикаси, Швейцария, Швеция, Югославия, Япония имзолаганлар.

Мазкур Шартноманинг қоидалари 1970 йил 25 майдан 19 июнгача Вашингтонда ўтган дипломатик конференцияда муҳокама қилинган ва ишлаб чиқилган.

Қуйидагилар Шартноманинг асосий қоидалари ҳисобланади:

- халқаро талабномалар ягона шаклни жорий этиш, халқаро экспертизани ўтказишни таъминлаш, шундай экспертизани халқаро изланиш ўтказишни таъминлаш, уни эълон қилиш ва мамлакатларга патентлаштириш учун юбориш.

Бунинг учун халқаро экспертиза органини тузиш кўзда тутилади.

Патент кооперацияси ҳақидаги Шартномага мувофиқ патент олиш учун талабнома Халқаро экспертиза органига миллий патент идораси орқали берилади.

Халқаро экспертиза ўтказилгандан сунг мазкур тармоқдаги маълум техниканинг даражаси ҳақида ҳисобот тузилади, у Халқаро бюрога ва талабнома берувчига юборилади. Бунда халқаро патент берилмайди, Шартнома қатнашчиси бўлмиш мамлакатларда саноат мулки миллий патент билан муҳофазаланади.

Халқаро бюро халқаро талабнома нусхасини унга талабнома берувчи кўрсатган мамлакатдаги техниканинг аҳволи ҳақидаги ҳисоботни илова этган ҳолда патентлаштирувчи мамлакатга жунатади. Бундан ташқари, мазкур материаллар махсус ахборотномада талабнома устуворлиги санасидан бошлаб 18 ой ичида эълон қилинади.

1.6. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти

1883 йиллардан бошлаб Саноат мулкини муҳофаза қилиш Париж конвенцияси ва 1886 йилда тузилган адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш бўйича Берн конвенцияси бирлаштирилиб Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти тузилди.

Бу конвенциялар «Халқаро бюролар» деб аталган ўз котибиятларини ташкил этишни кўзда тутган эди. 1893 йилга келиб бу икки котибият «Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича бирлашган халқаро бюролар» ёки француз тилида қисқартирилган БИРПИ номи остида ягона котибиятга бирлаштирилди.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (қисқача «БИМТ»), инглиз тилида - «WIPO», француз ва испан тилларида - «OMPI» деб аталади, бу 1967 йил 14 июлда имзоланган «Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этиш Конвенцияси» га мувофиқ тузилган. Бу Конвенция 1970 йилдан кучга кирган.

Шу кунларда БИМТ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизими таркибига кирувчи ихтисослашган муассасадан иборат.

Ҳозирги кунга келиб бу ташкилот 175 та давлатларни бирлаштиради.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг фаолияти куп қирралидир, яъни у миллий қонунчиликларни ҳозирги кун талабига жавоб бера оладиган янги халқаро битимлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади, ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдам курсатади, патент маълумотларини йиғади ва тарқатади, ойлик журналлар, яъни «Саноат мулки» ва «Муаллифлик ҳуқуқи» журналларини чиқаради, интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро тартибларнинг бажарилишини таъминлайди, БИМТ аъзо давлатлари орасида бошқа кўринишдаги маъмурий ҳамкорликни ривожлантиришга кумаклашади.

БИМТ нинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1. Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, бошқа ихтиёрий халқаро ташкилотлар билан узаро алоқа йули билан бутун жаҳонда

интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ва ундан фойда-ланишга кўмаклашиш.

2.. Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида Иттифоқлар ўртасида маъмурий ҳамкорликни таъминлаш. Париж Иттифоқи, Берн Иттифоқи, Мадрид Иттифоқи, РСТ Иттифоқи ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтсак, БИМТ таркибига киврувчи иттифоқларни маъмурий бошқаради ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

2003 йилнинг 1 январига қадар келиб саноат мулки ва муаллифлик ҳуқуқи соҳасида 20 дан ортиқ халқаро конвенция, шартнома ва битимларнинг бажарилиши БИМТ назоратида турибди.

БИМТ Конвенция доирасида таъсис этилган учта раҳбарлик органига эга: Бош Ассамблея, Конференция ва Мувофиқлаштириш комитети.

БИМТнинг юқори органи Бош Ассамблея ҳисобланади.

Париж ва Берн иттифоқлари Ассамблеяларининг аъзолари бўлган БИМТ аъзо мамлакатлари Ассамблея аъзоси бўлиши мумкин. Бош Ассамблея БИМТ фаолиятининг асосий масалаларини ҳал қилади, хусусан, Мувофиқлаштириш комиссиясининг тақдимотига кўра БИМТ Бош директорини тайинлайди. Бош директор Мувофиқлаштириш комиссиясининг ҳисоботини кўриб чиқади ва тасдиқлайди. Уларга зарур йўриқномалар беради, барча Иттифоқларга умумий бўлган икки йиллик харажатлар бюджетини тасдиқлайди, котибиятни иш тилларини аниқлайди ва бошқа кўпгина масалаларни ҳал қилади.

БИМТ Конференцияси муҳимлиги жиҳатидан БИМТнинг иккинчи органи ҳисобланади. Ассамблеядан фарқли равишда, иттифоқларда иштирокидан қатъий назар барча

БИМТ аъзо мамлакатлари Конференция аъзоси ҳисобланади. Конференциянинг вазифаларига интеллектуал мулк соҳасида барча мамлакатларга умумий аҳамият касб этадиган масалаларни муҳокама қилиш ва улар бўйича мос тавсияномалар қабул қилиш киради. Конференция ривожланаётган мамлакатларга техник ҳуқуқий ёрдам курсатиш бўйича дастурларни тасдиқлайди. Конференциянинг икки йиллик бюджетини қабул қилади, шунингдек БИМТни таъсис этиш Конвенцияси матнига тузатишлар киритиш тўғрисида таклифларни куриб чиқади.

БИМТнинг учинчи органи асосан барча Иттифоқлар учун аҳамиятли бўлган келишув тавсияномаларини ишлаб чиқариш учун тузилган Мувофиқлаштириш комитети ҳисобланади. Хусусан Мувофиқлаштириш комитети Ассамблея ва Конференциянинг кун тартибини тайёрлайди, Ассамблеяга Бош директор лавозимига номзодни тақдим этади.

Бош Ассамблея ва Конференция навбатдаги сессияларга икки йилда бир марта йиғилса, Мувофиқлаштириш комитети ўз сессияларини йилда бир марта ўтказади.

БИМТнинг ижрочи раҳбари Бош Ассамблея томонидан янгидан тайинлаш ҳуқуқи билан олти йил муддатга сайланадиган Бош директор ҳисобланади. Бош директор ижрочи орган — «Халқаро бюро» деб номланувчи БИМТ котибиятига раҳбарлик қилади.

Бош директор БИМТнинг бош мансабдор шахси ҳисобланади, унинг номидан иш куради ва Бош Ассамблея олдида ҳисобот беради. Бундан ташқари Бош директор битимларнинг асл нусхалари, ратификация ёрлиқлари ҳамда БИМТ Конференциясига давлатларнинг қўшилиши тўғрисидаги далолатноманинг депозитарийи ҳисобланади.

БИМТнинг биринчи Бош директори этиб 1970 йилда Арпад Богш сайланган бўлиб, у 1997 йилгача БИМТни бошқарди. БИМТнинг ҳозирги кундаги Бош директори Камил Идрис.

БИМТ интеллектуал мулк соҳасидаги қўллаб-қувватлов Конференциялар, шартнома ва битимлар Иттифоқларнинг котибияти ҳам ҳисобланади. Шу сабабли Халқаро бюро нафақат Бош Ассамблея ва Конференция назорати остидадир, балки тегишли масалалар бўйича ҳар бир Иттифоқ Ассамблеяси томонидан ҳам назорат қилинади.

Юқоридаги қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун БИМТ доимий штатида 63 тадан ортиқ турли мамлакатлардан 474 нафар ходимга эга. Уларнинг ваколатлари БИМТ ташкилотлари тизимига кирувчи бошқа ихтисослашган муассасалар ходимларининг ваколатига ухшашдир.

БИМТнинг асосий вазифаларидан бири саноат мулки соҳасидаги рўйхатга олиш шартнома ва битимлари бўйича халқаро тартибларни амалга оширишдир. Шундан келиб чиққан ҳолда Халқаро бюро 4 та халқаро рўйхатга олиш хизматларини бажаради, яъни:

- Белгиларни халқаро рўйхатга олиш Мадрид тизими;
- Патент кооперацияси тўғрисидаги Шартномалар (РСТ);
- Саноат намуналарини депонентлаш Гаага тизими;
- Келиб чиқиш жойларини рўйхатга олиш Лиссабон тизимининг тартибларини бевосита бажаради.

Шундай қилиб, БИМТ зарур расмий экспертизаларини ўтказиши, ўз фондларида барча халқаро талабномаларнинг асл нусхасини сақлайди, бу талабномаларни нашр қилади, талабнома берувчи ва миллий патент идоралари билан ёзишмаларни олиб боради.

БИМТнинг асосий даромад манбаи халқаро талабнома берувчилар томонидан РСТ, Мадрид ва Гаага тизимлари бўйича туланадиган халқаро божлар ҳисобланади. Бундай божлар, одатда, БИМТ даромадлари умумий йиғиндисининг 73 % ни ташкил этади. БИМТнинг бошқа даромадлари унга аъзо бўлган давлатларнинг ҳукуматлари тўлайдиган аъзолик бадаллари, яъни 18 % ва БИМТ нашрларини сотишдан тушадиган даромадлардан ташкил топади. Даромадларнинг бир қисмини, одатда бир неча фойизини, илгари фойдаланилмаган пул маблағларидан олинадиган фойиз даромади ташкил этади.

Халқаро божларнинг миқдори РСТ Ассамблеялари, Мадрид ва Гаага иттифоқлари томонидан белгиланади.

Бадалларнинг умумий йиғиндиси БИМТ Конференцияси ва бадаллар ҳисобидан молиялаштириладиган олти Иттифоқ - яъни Париж, Берн, Ницца, Локарн, Бенн иттифоқлари ҳамда МПК Иттифоқининг Ассамблеялари томонидан белгиланади.

Хулоса қилиб айтсак, бадаллар ҳисобидан молиялаштириладиган БИМТ ёки Иттифоқлардан бирининг ҳар бир аъзо давлати «синфлар ва бирликлар» деб аталадиган тизимга мувофиқ равишда бадаллар тўлайди. Бунда ҳар бир давлатнинг бадал миқдори, ушбу давлат фақат БИМТ аъзоси ёки фақат бир ёки бир неча Иттифоқ аъзоси ёки БИМТ аъзоси бўлишидан қатъий назар, бир хил бўлади.

Бадал миқдорини аниқлаш мақсадида ҳар бир давлат 14 синфдан бирига киритилади. 1-синф бадал миқдори энг юқори синф ҳисобланади ва бадалларнинг 25 бирлигини тўлаши, 12 - синф эса бадалларнинг 1/32 қисмини тўлаши лозим.

Ҳар бир давлат, одатда, у мансуб синфни ўзи аниқлайди. Масалан, Ўзбекистон Республика-

си МДХнинг бошқа давлатлари қаторида 9 - синфга мансубдир, демак унинг бадали йилига 14 минг Швейцария франкини ташкил этади. Шундай қилиб БИМТнинг барча аъзо давлатлари улар танлаган синфларидан қатъий назар бир хил ҳуқуқлардан фойдаланади.

БИМТ фаолиятининг муҳим қисми интеллектуал мулк соҳасидаги тарғибот ва таълим бўйича ишлар ҳисобланади. Жаҳоннинг турли мамлакатларида БИМТ доимо интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича билимлар даражасини ошириш, халқаро шартнома ва битимларнинг алоҳида низомларини, турли халқаро тартибларни тушунтириш ва бошқаларга қаратилган семинар ва конференциялар ўтказиши. Бундан ташқари, БИМТ турли мамлакатлар миллий патент идораларининг ходимлари, патент экспертлари ва Патент идорасининг ишончли вакиллари билан доимо машғулотлар ўтказиши.

БИМТ қошида мутахассисларни тайёрлаш мақсадида интеллектуал мулкни ўрганиш бўйича таълим курсларини ўтказадиган махсус бўлинма — БИМТ Академияси тузилган. БИМТ Академияси томонидан тингловчиларнинг турли гуруҳи, яъни муҳандислар, ҳуқуқшунослар, судьялар, сиёсатчилар, дипломатлар учун мулжалланган ўргатувчи дастурлар ишлаб чиқилган. Ёривожланаётган мамлакатларда интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилишни тарғиб қилишда фойдали ҳисобланган турли мамлакатлардан раҳбар ходимларни тайёрлашга мулжалланган махсус дастурлар яратилган.

БИМТ ривожланаётган давлатларда патент тизимининг шаклланишига техник ва молиявий ёрдам кўрсатади. Бунинг учун маблағлар БИМТ бюджетида кўзда тутилади ёки бошқа халқаро дастурлар, масалан, БМТ Тараққиёт дастури (БМТТД) доирасида ажратилади. «Та-

раққиёт мақсадида ҳамкорлик бўйича» барча фаолият саноат мулки соҳасида тараққиёт мақсадида ҳамкорлик бўйича БИМТ Доимий комитети томонидан назорат қилиниб, унга аъзолик эркин ҳисобланади ва иштирок этувчи давлатларга ҳеч қандай молиявий мажбуриятларни юкламайди.

Хулоса қилиб айтсак, БИМТ фаолияти бутун жаҳонда интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш учун мустаҳкам асосни яратади.

1.7. Европа патент идорасининг вазифалари

XX асрнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида иқтисодий интеграциянинг кучайиши ягона Европа патент тизимининг тузилишини объектив тарзда тақазо этди. Бир ихтирони Европанинг ҳар бир мамлакатидида патентлаш зарурияти талабнома берувчи учун технология ва товарлар айирбошлаш, қўшма корхоналар фаолияти ва бир мамлакатдан бошқасига инвестициялар сарфлаш йўлида ортиқча тўсиқлар яратадиган, анча қийинчиликлар туғдирадиган тартиб ҳисобланиши очиқ-ойдин намоён бўлди. Ўз навбатида, талабнома берувчи учун битта талабнома бериб ва битта патент олиб, ўз ихтиросини Европанинг барча мамлакатларида ҳимоя қилиш имконияти Европа мамлакатлари иқтисодий интеграциясини мустаҳкамлашга асос бўлади.

1973 йилнинг 5 октябрида Мюнхенда Европа патент конвенциясида, ягона Европа патент тизимини тузиш ғояси туғилди ва Европа патентини бериш тўғрисидаги Конвенция тузилганда амалга ошди. Бу Конвенция РСТ билан бир вақтда, яъни 1978 йил 1 июндан кучга кирди.

2003 йилнинг 1 январига қадар Европа конвенциясининг иштирокчиларига қуйидаги давлатлар киради. Австрия, Бельгия, Буюк Британия. Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания. Италия, Кипр, Лихтенштейн, Люксембург, Манако, Нидерландия, Португалия, Туркия, Финляндия, Франция, Швейцария, Швеция ва шунингдек, бир қатор Европа давлатлари ҳам қўшилишга хоҳишлари бор.

Европа патент конференцияси ихтиро учун Европа патентини беришнинг ягона тартибларини белгилайди. РСТдаги каби, Европа патенти учун талабномада Конвенция иштирокчи давлатларининг ҳаммаси эмас, балки баъзилари ҳам кўрсатилиши мумкин. Берилгани Европа патенти унда кўрсатилган барча давлатлар ҳудудида миллий патент кучига эга.

Европа патент тизимининг Конвенцияга мувофиқ амал қилиши учун Европа патент идораси (ЕПИ ёки инглизча ЕРО) тузилган бўлиб, талабномаларни қабул қилади ва қўриб чиқади ҳамда Конвенция иштирокчи давлатларнинг номидан Европа патентларини беради. Эслатиб ўтамиз, ЕПИ шунингдек РСТ тизими бўйича Халқаро қидирув ва Халқаро дастлабки экспертизанинг органларидан бири ҳисобланади.

ЕПИ тузилишига қўра тўртта бўлинмадан иборат:

- ЕПИнинг Мюнхен (Германия) даги Бош офиси ёки штаб квартираси ҳисобланади. Европа патент идорасида Европа патентлари учун талабномаларнинг моҳиятига қўра экспертизаси ўтказилади, патентлар рўйхатга олинади ва берилади, апелляция тартибларига қўра қўриб чиқилади;

- ЕПИнинг Гаага (Нидерландия) даги Суб-офисида ёки филиалида талабномаларни расмий экспертиза қилиш патент қидирувини

утказишдан иборат. Бундан ташқари, Гаагада ЕПИ учун ходимлар тайёрланади ва уқитилади;

- Берлиндаги Субо-фис Европа талабномаларини қабул қилиш ва улар бўйича расмий экспертизаларини утказиш масалалари билан шуғулланади;

- Вена (Австрия) даги Суб-офис патент ахбороти масалаларига ихтисослашган. Хулоса қилиб айтсак, Венада ЕПИнинг турли нашрлари нашр қилинади, патент ҳужжатларининг электрон маълумотлар базаси тарқатилади ва уларга хизмат кўрсатилади.

- Европа патентини бериш тўғрисидаги Конвенциянинг асосий низомлари қуйидагилардан иборат.

Конвенцияга мувофиқ Европа патентини олиш учун талабнома фуқаролиги ва турар жойидан қатъий назар ихтиёрий яъни, жисмоний ёки ҳуқуқий шахс томонидан берилиши мумкин.

Патент учун талабнома Париж Конвенциясига мувофиқ конвенция имтиёзини сураган ҳолда берилиши мумкин. Европа патент конвенциясининг барча иштирокчилари РСТнинг ҳам иштирокчилари ҳисобланиши боис, талабнома берувчилар Европа патентини РСТ тартиби орқали сўраши, яъни халқаро талабнома беришда Европа патентини олишни кўрсатиши мумкин.

Европа патентини олиш тартиби уч босқичдан иборат:

1. ЕПИ филиалларидан бирига ЕПИ расмий тиллари (инглиз, француз ёки немис) дан бирида тўғри тўлдирилган талабномани бериши керак. Ихтиро формуласини баён қилишнинг мавжуд барча усулларида Европа Конвенцияси чекловчи ва фарқловчи қисмлардан иборат бўлган Германия схемаси деб аталадиган усулни танлаши шарт. Тегишли божларнинг тўланганлиги талабномага илова қилинади.

Берилган талабнома бўйича расмий экспертиза ўтказилади ва талабнома зарур талабларни қондирса, у бўйича Европа патент қидируви ўтказилади. Биринчи босқич Европа патент талабномаси таснифи, формуласи, чизмаларининг реферати Европа қидируви тўғрисидаги ҳисобот билан биргаликда нашр этиш билан якунланади. Оддий ҳолларда, талабномани нашр қилиш талабнома берилган кундан 18 ой, агар имтиёз сўралган бўлса – имтиёз давридан ўтгандан кейин амалга оширилади.

2.Талабнома нашр қилинган санадан кейин 6 ой давомида талабнома берувчи моҳиятига кўра экспертиза учун божларни тўллаши ва унинг ўтказилишига талабнома бериши керак. Мабодо, ўтказилган қидирув натижасида қарама-қарши қўйишлар аниқланса, талабнома берувчи ўз талабномасига тузатишлар киритиш, бирламчи моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда ёки талабнома бўйича кейинги иш кўрилишидан умуман бош тортиш ҳуқуқига эга.

Европа патент идорасига юқорида кўрсатилган илтимосноманинг келиб тушганидан сўнг талабнома бўйича ихтиронинг патентга лаёқатлилиқ мезонларига мослигини экспертизадан ўтказиш бошланади. Конвенцияга мувофиқ янгилик, ихтиро даражаси ва саноатда қўллаш мумкинлиги асосий мезонлар ҳисобланади. Талабноманинг эксперт томонидан кўриб чиқилиши жараёнида талабнома берувчи эксперт далилларига эътироз билдиришга ҳақи бор. Мабодо ижобий қарор қабул қилинганда ва талабнома берувчи томонидан патент берилиши учун бож тўланганда Европа патент идораси Европа патенти берилганлиги тўғрисида хабарномани нашр қилади. Патент берилганлиги тўғрисидаги нашрни эълон қилиш билан биргаликда ЕПИ ихтиронинг тавсифи, формуласи ва агар бор бўлса чизмала-

рини ўз ичига оловчи Европа патентига ихтиронинг тавсифини ҳам чиқаради.

Маълум муддат ўтгандан кейин, ЕПИ талабнома берувчига ихтиро тавсифини ўз ичига оловчи Европа патент ёрлигини беради.

3. Берилган патентларга учинчи шахсларнинг арз (протест) ини кўриб чиқиш тартибидан иборат бўлиб, улар патент берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар нашр қилингандан кейин 9 ой давомида берилиши мумкин. Конвенцияга кўра бундай эътироз асосланган ва тегишли божлар тўланган бўлиши шарт. Бундай асос талабномада кўрсатилган ихтиронинг патентга лаёқатлик мезонларига мос келмаслик, патент формуласининг бирламчи берилган талабномадаги мазмун чегараларидан ташқарига чиқиши ва бошқа ҳолатлар ҳисобланади.

Қайта кўриб чиқишнинг натижаси аризнинг қайтарилиши, патент бериш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ёки талабнома берувчи аризасини кўриб чиқиш жараёнида тегишли ўзгартиришларни киритса, патент бериш тўғрисидаги қарорни ўзгартириш бўлиши мумкин. Ариза бўйича қабул қилинган қарор тўғрисида маълумот эълон қилинади ва ихтиронинг янги таснифи нашр қилинади. Бу жараёндан кейин Европа патент идораси патент эгасига янги патент ёрлигини беради.

Европа патенти кўрсатилган мамлакатларда миллий патентлар йиғиндиси сифатида амал қилади. Бу эса Европа патенти учинчи шахс томонидан суд тартибида муайян давлат ҳудудидагина миллий патент қонунчилигига мувофиқ баҳслашиши мумкинлигини билдиради. Бунга мисол Европа патентининг амал қилиши тегишли Италия судининг қарори билан Италияда бекор қилиниши мумкин, лекин Европа патен-

ти Европанинг бошқа кўрсатилган мамлакатларида амал қилишни давом эттиради.

Шу кунларда ўз ихтироларини Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳимоя қилишни хоҳловчи кўпчилик талабнома берувчилар турли мамлакатларда алоҳида патентлашга эмас, айнан европатентга талабнома беришни танлайдилар. Ҳозирги кундаги маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳар йили европатентига 100 мингтадан ортиқ талабнома берилади. Масалан 1999 йили Европа патент идорасига 121750 та талабнома берилган ва фақатгина 35358 тасига европатент берилган.

Хулоса қилиб айтсак, Европа патент тизими тараққиётининг ижобий тажрибаси бошқа давлатлар учун тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва интеграциянинг фойдали мисоли ҳисобланиши Ўрта Осиёда ҳам Ўрта Осиё патент идорасини (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон давлатлари) ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириқлар

1. Саноат мулкининг ҳуқуқий муҳофазасини тушунтириб беринг?
2. Патент идорасининг Апелляция кенгаши ҳақида нима биласиз?
3. Саноат мулки объектининг ҳуқуқий ҳимояси қандай амалга оширилади?
4. Ихтиро патентга лаёқатлик шартларини тушунтириб беринг?
5. Фойдали моделнинг патентга лаёқатлик шартларини тушунтириб беринг?
6. Саноат намунасининг патентга лаёқатлик шартларини тушунтириб беринг?

7. Саноат мулки объекти муаллифи ҳақида тушунча беринг?
8. Патент эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беринг?
9. Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳаракатлар ҳақида тушунтириб беринг?
10. Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқининг бузилиши ҳақида тушунча беринг?
11. Саноат мулки объектига патент олиш ва бу патентнинг амал қилинишини тугатиш ҳақида тушунтириб беринг?
12. Саноат мулки объектига патент бериш тартибини тушунтириб беринг?
13. Саноат мулки объекти патентини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тартибини тушунтириб беринг?
14. Саноат мулки объекти патентининг амал қилишини тугатишни тушунтириб беринг?
15. Саноат мулки объекти патентидан воз кечиш тартибини тушунтириб беринг?
16. Саноат мулкига Ўзбекистон Республикаси Патент вакиллари муносабатларини тушунтириб беринг?
17. Саноат мулки объектларини бошқа давлатларда патентлаш тартибини тушунтириб беринг?
18. Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳақида тушунча беринг?
19. Низоларни ҳал этиш тартибини тушунтириб беринг?
20. Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида тушунча беринг?
21. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғриси ҳақида тушунча беринг?

22. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида тушунча беринг?
23. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси ҳақида тушунча беринг?
24. Товар белгисининг ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш тартибини тушунтириб беринг?
25. Товар келиб чиққан жой номи ҳақида тушунча беринг?
26. Товар келиб чиққан жой номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишини тушунтириб беринг?
27. Товар белгисига Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг ваколатлари ҳақида нима биласиз?
28. Товар белгилари сифатида рўйхатидан ўтказилмайдиган белгилар ҳақида нима биласиз?
29. Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказил-майдиган белгиларни тушунтириб беринг?
30. Товар белгисининг устуворлиги ҳақида нима биласиз?
31. Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатга олиш тартиби ҳақида тушунтириб беринг?
32. Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш тартибини тушунтириб беринг?
33. Товар белгисига доир гувоҳнома ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг ваколат-лари ҳақида нима биласиз?
34. Товар белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини тушунтириб беринг?

35. Товар белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тартиби ҳақида тушунтириб беринг?

36. Товар белгисига доир гувоҳномага ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага узгартириш-лар кири-тиш тартибини тушунтириб беринг?

37. Товар белгисига доир гувоҳномани ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш тартиби ҳақида нима биласизми ?

38. Товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилганлигининг бекор қилиниши, товар белгисига доир гувоҳнома ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома амал қилишининг туга-тилиши ҳақида тушунтириб беринг?

39. Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқи ҳақида тушунтириб беринг?

40. Товар белгиси Патент вакилларининг вако-латлари ҳақида тушунча беринг?

41. Товар белгисини ва товар келиб чиққан жой номини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳақида тушунтириб беринг?

42. Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳақида тушунтириб беринг?

43. Низоларни ҳал этиш тартиби ҳақида нима биласиз?

44. Товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини буз-ганлик учун жавобгарлик ҳақида тушунча бе-ринг?

45. ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базасини муҳофазалаш ҳуқуқини тушунтириб беринг?

46. Асосий тушунчалар ҳақида нима биласиз?

47. ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаларига нибатан муаллифлик ҳуқуқини тан олиш тартибини тушунтириб беринг?

48. Чет мамлакатларнинг патент ҳуқуқларини тушунтириб беринг?

49. Саноат мулки муҳофазаси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ҳақида нима биласиз?

50. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳақида нима биласиз?

51. Европа патент идорасининг вазифалари нималардан иборат?

2- Боб. Патент ва илмий-техника ахбороти (ИТБ)

2.1. Саноат мулки объектлари ҳақидаги ахборот манбаи

Патент ҳужжатлари – илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик ва ўз ташаббуси билан бажарилган ишланмалар, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари деб эълон қилинган ёки тан олинганлар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек ихтиролар, патент эгаси, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари қайд этилганлиги ҳақидаги патент ва гувоҳнома эгалари тўғрисидаги маълумотлар эълон этилган ва этилмаган ҳужжатлар мажмуи

Шундай қилиб, патент ҳужжати дейилганда, аввало, патент идорасининг барча расмий нашрлари – ихтироларнинг тавсифи, расмий патент ахборотномаси, саноат намунаси (СН), фойдали модел (ФМ), товар белгиси (ТБ) ва хизмат кўрсатиш белгиси (ХКБ), ихтиро учун талабно-манинг дастлабки тавсифи.

Ихтиро тавсифидан олинмалар тарзидаги берилган патентлар ҳақидаги маълумотлар, ихтиро формуласи ва чизмалар, баъзан Расмий ахборотномада асосий маълумотлар эълон этилади, рўйхатга олинган ихтиролар, СН, ФМ, ТБ, ХКБ, ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаси дастлабки ахбороти ҳисобланади.

Кейинги пайтларда янги хил патент ҳужжатлари – муфассал талабномаларга тааллуқли тавсифи ва бошқа расмий эълон этилганлар кенг расм бўлди. Патент идорасига берилган тавсифлар иловаси экспертизанинг қолдирилган тизими қонунчилигида кўзда тутилган мамлакат-

ларда амалга оширилади. Бу шуни англатадики талабномага илова қилинган ихтиро тавсифи патент кутубхонасига оммавий танишиш учун қўйилади. Бундай “қистирма” ҳам нашрга тенглаштирилади. Бундай тизимнинг асосий афзаллиги бўлиб, ахборотнинг жадаллашиши ҳисобланади. Чунки кутилаётган ихтиро иловаси талабнома берилган санадан бошлаб 18 ой ичида амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда жаҳон патент фондида 50 млн.га яқин ихтиро тавсифи бор. Шулардан 10 млн. саноат намунасига тааллуқли патент ёки гувоҳнома, 5 млн.дан ортиғи фойдали моделга тегишли. Ҳар йили масалан: Россия патент идорасига 100 дан ортиқ мамлакатдан тахминан 950 минг патент учун талабнома тушади, тахминан 310-340 минг ихтирога, тахминан 700 минг муҳофаза ҳужжати берилади.

Патент ҳужжатлари патент фондида сақланади ва бу ахборот хизмати маълумотнома-ахборот фондининг таркибий қисми ҳисобланади.

**Патент фонди – маълумотнома - қидирув
аппарати билан таъминланган патент
ҳужжатлари тартиблаштирилган мажмуи**

Ихтиролар тавсифи патент ҳужжатининг асосий қурилиши ҳисобланади. Булар варақа ёки брошюра тарзида нашр этилади. Ҳар бир тавсиф фақат битта ихтирога тегишли бўлади ва унга зарур тушунчадан иборат бўлади, керакли маълумотларни беради.

Турли мамлакатларнинг патент идоралари ўз патент кутубхоналарини патент тавсифларини алмашиб тўлдирадilar.

Ўзбекистон Давлат патент кутубхонаси (ЎЗДПК) да 57 мамлакатдан олинadиган патент ҳужжатлари сақланади.

Кутубхона фондида тахминан 65 млн. бирликда жамланма мавжуд, булар ихтиро тавсифлари инқилобдан олдинги имтиёзлар, турли маълумотнома материаллар ва расмий бюллетен ахборотномалари.

Илмий-техникавий манбалардан фарқли улароқ патент ҳужжатлари бир қатор ўзига хос жиҳатларга эга, хусусан – патент ҳужжатлари сўнги 150-200 йил мобайнида инсоният томонидан яратилган илмий-техникавий ечимлар ҳақидаги тула тартибга солинган тўплам ҳисобланади.

Техникавий тавсифдаги маълумотлар билан бир қаторда патент ҳужжати патент эгаларининг ҳуқуқи тўғрисидаги ҳуқуқий ва иқтисодий ахборотларга, чет эл патентшунослиги йўналишлари ва ҳажми, ҳуқуқ амал қилиш муддатлари ва бошқалар хусусида маълумотларга эга бўлади. Ихтиролар тавсифи, одатда, муайян техникавий ечим, у ҳақдаги тўлиқ тавсиф ва шунга ўхшаш таклифни, танқидий баҳоларни ўз ичига олади. Патент ҳужжати реклама ва текширилмаган маълумотлардан ҳоли бўлади, чунки, янгиликнинг ишончлилиги деярли барча ҳолларда патент экспертизаси томонидан текширилади.

Ихтиро бир вақтда турли мамлакатларда патентлаш муносабати билан бир нечта тавсиф эълон қилиниши мумкин.

Битта ихтирога турли мамлакатларда берилган патентлар патент-аналог дейилади

Патент ҳужжатларидаги ахборот бошқа илмий-техникавий ахборотни такрорламайди.

Мазмунини ифодалашдаги бир хиллик патент ҳужжатининг муҳим ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Бунга, кўп жиҳатдан, библиографик тавсифлар ва ихтиролар ва патент бюллетенлари бошқа унсурларини бир хиллаштириш ва стандартлаш бўйича олиб борилган улкан ишлар кўп жиҳатдан сабаб бўлди. Қоидага кўра, ихтиролар тавсифларидан махсус, стандарт тил конструкцияларидан ва умум қабул қилинган илмий аталмалардан фойдаланилади.

Расмий Патент ахборотномалар (ихтиролар тўлиқ тавсифи билан бирга чиқарилади) у ёки бу шаклда деярли барча ихтироларда пайдо этиладиган ва муҳофаза ҳужжати бериладиган мамлакатларда амалда мавжуд бўлиб, фақат ҳуқуқий эмас, балки ахборот хусусиятига ҳам эгадир. Ўзбекистон Республикасида ва Россияда Расмий ахборотномаларда ихтиронинг формуласи, асосий чизмаси ёки тарҳи берилади, АҚШда патент формуласининг бандларидан бири (ёки реферат), Буюк Британияда экспертизадан ўтказилган талабномага илова тавсифи реферати, Германия Федератив Республикасида – аризадаги мавжуд ихтиро формуласидан олинмалар ва ҳ.к.

Ихтиролар тўғрисидаги маълумотлар, тавсифлар эълон қилингунга қадар, қоидага кўра, Давлат патент идораси расмий нашрларни чоп этади. Ўзбекистон Республикасида бу маълумотлар расмий бюллетен – доимий нашр “Расмий ахборотнома” да эълон қилинади. Бу бюллетенларда Ўзбекистон Республикасини Давлат ихтиролари реестрига киритилган патент берилган ихтиролар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинади. Ҳар бир ихтиро бўйича бюллетенда ихтирочи ҳақида маълумот (фамилия, исм ва отасининг исми), талабнома берувчининг номи, патент рақами, талабнома берилган сана ва рақами, ихтиронинг халқаро тасниф индекси бе-

рилади. Мазкур журнал 1993 йилдан бошлаб, йилига 4 марта нашр этилмокда эди, 2001 йилдан бошлаб 6 марта нашр этилмокда.

Бюллетенда саноат намунаси ва товар белгиси (тасвирлар билан бирга) ҳақидаги ахборот ва Низомда кўзда тутилган муҳофаза ҳужжатлари муддати узайтирилгани, бекор қилингани ва ўзгартирилгани тўғрисидаги бошқа маълумотлар берилади.

Германия Федератив Республикасининг патент бюллетени

“Patentblatt” (Патент бюллетени) ҳафтада бир марта чиқади, ихтирога талабномалар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади, бундан ташқари Германия Федератив Республикасида рўйхатга олинган ихтиролар ва фойдали моделлар тўғрисидаги маълумотлар берилади. Бюллетендаги 4 бўлимда янгилигини экспертиза ўтказилгунга қадар таништириш учун мўлжалланган талабномалар тўғрисида, экспертиза ўтказилгандан сўнг эълон қилинган талабномалар; берилган патентлар; фойдали моделлар ҳақида маълумотлар босилади.

“Patentblatt” га илова тарзда Германия Федератив Республикаси ҳар ҳафтада учта журнал – “Янгилигини экспертизадан ўтгунча танишиш учун таклиф этилган талабнома ихтиролар тавсифидан иштибаҳлар”, “Янгилиги аниқлаш учун ўтказиладиган экспертизасидан сўнг танишиш учун тавсия этилган талабнома ва ихтиролар тавсифидан иштибаҳлар” ва “Фойдали моделлар тавсифидан иштибаҳлар” чиқарилади.

Америка Қўшма Штатининг патент бюллетени

“Official Gasette of the United States Patent Office” (“АҚШ патент идорасининг расмий бюллетени”) Ҳар ҳафтада чиқади. 1971 йилда рўйхатга олинган товар белгилари ҳақидаги ахборот алоҳида нашрга айлантирилди.

Бюллетеннинг кириш қисмида аввал рўйхатдан ўтказилган ихтиролар ҳуқуқий муҳофазасига киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотлар берилади. Янги рўйхатга олинган ихтироларнинг нашр рақами, ихтиронинг номи, ихтирочининг фамилияси, мазмуни, талабнома берилган сана, ЖПТ индекслари ва америкача тасниф, чизмалар сони ва ихтиро тавсифи бетлари берилади, ихтиронинг қисқача моҳияти тушунтирилади (ёки формула бандлари келтирилади). Саноат намуналари ва уларнинг тасвирлари ҳақидаги маълумотлар ҳам эълон қилинади.

Франциянинг патент бюллетени

“Bulletin officiel de la propriell” (“Саноат мулки расмий бюллетени”) бир неча мустақил нашрлардан иборат. Буларнинг ҳар бирида ихтиро, товар белгиси, саноат намунаси патентларига тааллуқли маълумотлар бериб борилади. Бюллетенлар, ҳар ҳафтада бир марта чиқади, саноат намуналарига бағишлангани бундан истисно, у бир кварталда бир марта чиқади.

Патент бюллетенидан 1,5-2 ой аввал талабномалар иловаси кунида махсус маълумотнома бюллетен – “Кўрсаткичлар” чиқарилади, уларда тартиб рақамлари, мувофиқлик кўрсаткичлари, нашрлар, давлат рўйхатидаги қайд кўрсаткичлари берилади.

Буюк Британиянинг патент бюллетени

“The official journal (Patents)” ҳар ҳафтада чиқади, олдинги ҳафтада тушган ихтиролар учун талабномалар сарлавҳаси бериб борилади (талабномачилар ва фирмаларнинг номи алифбо тартибида келтирилади) ва ихтиронинг қисқача номи қайд этилади. Ихтиронинг моҳияти патент бюллетенида очиб берилмайди. Патент бериш ҳақидаги дастлабки қарор чиқарилган ихтиронинг миллий таснифи индекси кўрсатилган талабномага қўшимча тавсифлар реферати (чизмалар, тарҳлар, кимёвий тенгламалар) берилади.

Бу маълумотлар “Abridgments of Specifications of Inventions” журналида берилади. Бу журнал 19-асрнинг 80-йилларидан бошлаб чиқади. Шу журналда систематик ва номер кўрсаткичлари ҳам берилади.

Япония патент бюллетени

Бунда таништириш учун таклиф этилаётган буюртмалар тавсифи (“Коқай такке тахо”) ва патент бериш ҳақида қарор қабул қилинган талабномаларга тавсифлар (“Токке – Кохо”) да берилади.

Расмий патент бюллетенлари, асосан, ахборот-ҳуқуқий вазифани бажаради

Патентга илова қилинадиган тўлиқ тавсиф, ихтиродан фойдаланиш имконияти учун зарур техникавий ахборотнинг анча ҳажмини ўз ичига олади. Турли мамлакатлардаги тавсиф ва шакллар кўп жиҳатдан айни бир хилдир, бироқ миллий патент қонунчилигидаги ўзига хосликларга мувофиқ ихтиролар ҳақидаги маълумотлар нашр

этилиши ҳам, этилмаслиги ҳам мумкин. Баъзи мамлакатларда тавсифларда барча зарур библиографик маълумотлар, яъни – улардан парчалар эълон қилинади.

1972 йилдан бошлаб ихтиролар тўғрисидаги маълумотлар рус тилида рефератив нашр (ВНИИПИ “Изобретение за рубежом”; 1978 йилдан “Жаҳон мамлакатлари ихтироси яъни Изобретения стран мира”) чиқарилади. Нашрлар бир йилда 24 сонда чоп этилади.

2.2. Саноат мулки таснифи

Патент ҳужжатидан, қандай бўлишидан қатъий назар таснифсиз, фойдаланиш амалда мумкин эмас. Шунинг учун ахборот ҳажми ошиши туфайли ихтиролар таснифи патент фондларида муҳим восита бўлиб қолмоқда

Ихтиролар таснифидан мақсад ихтиролар тавсифини тақсимлашдир. Шунингдек, патент ҳужжатларидаги мулжални таъминлаш ва тегишли сўровларга мувофиқ материалларни топиш кўзда тутилади. Қабул қилинган ихтиро таснифи тизимига асосан индекслаш ва фондга патент ҳужжатларини жойлаштириш амалга оширилади.

Саноати ривожланган ҳар бир мамлакатда ихтиролар таснифи бўйича ўз тизими тузилган. XIX асрда АҚШ, Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси ва бошқа мамлакатларда ихтиролар таснифининг миллий тизими ишга жорий этилди. Россияда ихтироларни таснифлаш бўйича биринчи тизим 1896 йилда жорий этилди. У ўн беш гуруҳдан иборат бўлди. 1913 йилдан янги тасниф қабул қилинди, унга соддалаштирилган

мақолаларда ўша вақтда амалда бўлган ихтиро таснифлари асосий индекси билан бирга қўйила бошлади. 1968 йилда ХПТ тақсимланган рукнини ишлаб чиқиш (кичик гуруҳгача тақсимлари тулиқ тарҳ) якунланди. 1970 йил биринчи январдан ХПТ тулиқ тексти рус тилига таржима қилиниб, нашрдан чиқарилгач, у ихтиро таснифи асосий тизими сифатида киритилди. Шу вақтдан бошлаб патент учун ихтиро тавсифларига Россияда ХПТ индекслари қўйила бошланди.

ХПТ ишлаб чиқишда қуйидаги талаблар эътиборга олинди:

- тизимнинг янгилигини талабномани экспертизадан ўтказиш тадқиқот тизимини қўлловчи мамлакатлар учун ҳам, патентлашнинг келишилган тизимидаги мамлакатлар учун ҳам яроқлилиги;
- тузилма максимал мантиқийлиги;
- техниканинг замонавий соҳасини қамраб олиш;
- янги рукнлар жорий қилиш ва эскирганини алмаштириш йўли билан таснифлашни янада такомиллаштириш имконияти;

Бу талаблар таснифнинг 8 қисм, 20 бўлинма, 118 синф ва 618 кичик синфдан иборат умумий йириклаштирилган тизимида амалга оширилади. Бундай тақсимланиш ХПТдан фойдаланишдаги келиш тизими мамлакатлар учун етарлидир.

Бундай тақсим билан бир қаторда тадқиқот тизимли мамлакатлар ХПТ тақсимини тарҳини янада майдалаштириш учун 58000 гача гуруҳ ва кичик гуруҳдан фойдаланиши мумкин.

Тузилма мантиқийлиги латин алифбосидаги ҳарфлар билан белгиланадиган кейинги 8 қисмга мувофиқ таснифланадиган соҳа жойлашиши билан таъминланади.

- A – инсон ҳаётӣ эҳтиёжларини қондириш;
- B – турли технологик жараёнлар;
- C – кимё ва метааллургия;
- D – тўқимачилик ва қоғоз;
- E – қурилиш, кон иши;
- F – механика, ёритиш, иситиш, двигателлар ва насослар, қуруллар ва ўқ-дори, портлатиш ишлари;
- G – физика;
- H – электротехника.]

Қисмлар тузилиши ва қисмлар бўйича тақсимлаш ХПТга асос қилиб олинган икки тамойил – функциялар айниийлиги ва моҳиятливавзули тамойилларни акс эттиради. Масалан, В қисмидаги номлар ва унинг мазмуни функционал тамойилга, D, E ва бошқалари – моҳиятливавзули тамойилга тўғри келади.

Техника янги соҳасини анча тўлиқ қамраб олиш учун ХПТда ҳам миқдор сезиларли даражада оширилди, демак, рукнлар тақсими ҳам.

Бунда радиотехника, кимё ва ҳ.к. мавзусида бўлимлар энг кўп ривожлантирилди.

Таснифлашнинг тузилиши тизимни ривожлаштиришга имкон берадиган ҳолдадир. Масалан, ҳар бир қисм 99 синфга эга бўлиши мумкин, бунда синфларнинг айрим рақамларига янги синфлар зарурати туғилганда жорий этиш мақсадида йўл қўйилади.

Синфлар кичик синфларга бўлинади ва буларни ёзишда унли ҳарфлар билан белгиланади. Кичик синфлар, ўз навбатида, тоқ рақамлар билан белгиланадиган гуруҳларга ажралади, кичик гуруҳлар – жуфт рақамлар билан белгиланиб, ХПТни қайта кўриб чиқишда ҳосил бўлган бўшлиқдаги янги рукнлар жорий этиш имконини беради.

Агар кўзда тутилган эҳтиёт шарт уринлар янги рукнлар киритиш учун етарлича бўлмаса,

мақолаларда ўша вақтда амалда бўлган ихтиро таснифлари асосий индекси билан бирга қўйила бошлади. 1968 йилда ХПТ тақсимланган рукнини ишлаб чиқиш (кичик гуруҳгача тақсимлари тўлиқ тарх) якунланди. 1970 йил биринчи январдан ХПТ тўлиқ тексти рус тилига таржима қилиниб, нашрдан чиқарилгач, у ихтиро таснифи асосий тизими сифатида киритилди. Шу вақтдан бошлаб патент учун ихтиро таснифларига Россияда ХПТ индекслари қўйила бошланди.

ХПТ ишлаб чиқишда қўйидаги талаблар эътиборга олинди:

- тизимнинг янгилигини талабномани экспертизадан ўтказиш тадқиқот тизимини қўлловчи мамлакатлар учун ҳам, патентлашнинг келишилган тизимидаги мамлакатлар учун ҳам яроқлилиги;
- тузилма максимал мантиқийлиги;
- техниканинг замонавий соҳасини қамраб олиш;
- янги рукнлар жорий қилиш ва эскирганини алмаштириш йўли билан таснифлашни янада такомиллаштириш имконияти;

Бу талаблар таснифнинг 8 қисм, 20 бўлинма, 118 синф ва 618 кичик синфдан иборат умумий йириклаштирилган тизимида амалга оширилади. Бундай тақсимланиш ХПТдан фойдаланишдаги келиш тизими мамлакатлар учун етарлидир.

Бундай тақсим билан бир қаторда тадқиқот тизимли мамлакатлар ХПТ тақсимини тарҳини янада майдалаштириш учун 58000 гача гуруҳ ва кичик гуруҳдан фойдаланиши мумкин.

Тузилма мантиқийлиги латин алифбосидаги ҳарфлар билан белгиланадиган кейинги 8 қисмга мувофиқ таснифланадиган соҳа жойлашиши билан таъминланади.

А – инсон ҳаётий эҳтиёжларини қондириш;
В – турли технологик жараёнлар;
С – кимё ва метааллургия;
D – туқимачилик ва қоғоз;
Е – қурилиш, кон иши;
F – механика, ёритиш, иситиш, двигателлар
ва насослар, қуруллар ва уқ-дори, портлатиш
ишлари;

G – физика;

H – электротехника. }

Қисмлар тузилиши ва қисмлар бўйича тақсимлаш ХПТга асос қилиб олинган икки та-
мойил – функциялар айнийлиги ва моҳиятли-
мавзули тамойилларни акс эттиради. Масалан, В
қисмидаги номлар ва унинг мазмуни функционал
тамойилга, D, Е ва бошқалари – моҳиятли-
мавзули тамойилга тўғри келади.

Техника янги соҳасини анча тўлиқ қамраб
олиш учун ХПТда ҳам миқдор сезиларли дара-
жада оширилди, демак, рукнлар тақсими ҳам.

Бунда радиотехника, кимё ва ҳ.к. мавзусида
бўлимлар энг кўп ривожлантирилди.

Таснифлашнинг тузилиши тизимни ривож-
лаштиришга имкон берадиган ҳолдадир. Масалан,
ҳар бир қисм 99 синфга эга бўлиши мумкин, бун-
да синфларнинг айрим рақамларига янги син-
флар зарурати туғилганда жорий этиш
мақсадида йўл қўйилади.

Синфлар кичик синфларга бўлинади ва бу-
ларни ёзишда унли ҳарфлар билан белгиланади.
Кичик синфлар, ўз навбатида, тоқ рақамлар би-
лан белгиланадиган гуруҳларга ажралади, кичик
гуруҳлар – жуфт рақамлар билан белгиланиб,
ХПТни қайта кўриб чиқишда ҳосил бўлган
бушлиқдаги янги рукнлар жорий этиш имконини
беради.

Агар кўзда тутилган эҳтиёт шарт уринлар
янги рукнлар киритиш учун етарлича бўлмаса,

2.3. Патент-ахборот қидирувини ўтказиш усули

Патент қидируви – ахборот қидирувининг бир тури, техникавий ечим патентга қобиллигини ёки объектнинг патент софлигини таъминлаш, шунингдек патент эгасининг ҳуқуқини амалга ошириш шартларини белгилаш учун асосан патент ҳужжатлари фондидан амалга оширилади

Патент қидирувининг мақсади янги техника-ни яратиш, ўзлаштириш ва жорий қилишни турли босқичларида патент ҳужжатларида мавжуд бўлган техникавий ечимлардан фойдаланиш ва-зифаларига кўра белгиланади. Патент ҳужжатларининг ўзига хослигига кўра патент қидируви мақсадларининг учта шартли гуруҳи фарқланади.

1. **Техникавий ечим даражасини белгилаш**, одатда, ихтиро ва фойдали моделларга талабно-маларни экспертизадан ўтказишда, шунингдек, илмий-тадқиқий ҳамда лойиҳалаш-конструкторлик ишларини режалаштиришда амалга оширилади.

Техника даражасини белгилаш учун қидириш, қоидага кўра, кейинги 7-10 йиллардаги ҳужжатлар бўйича амалга оширилади, чунки ма-на шу муддатларда жадал ривожланаётган тех-ника соҳаларида асосий техникавий ечимларни янгилаш ўтказилади. Берилган талабномадаги ян-гиликни белгилаш учун қидирув ўтказишда, кўпинча, биринчи ҳужжатни топиш билан чекла-нади. Бу ўрганилаётган талабномага қарама-қарши қўйилиши мумкин, чунки шунинг ўзи тақдим этилган техникавий ечимни ихтиро эмас деб тан олмаслик учун етарли ҳисобланади. Би-

роқ, қидирув чекланган муддат ичида ҳужжатни топишга имкон бермаса, уни урганилаётганга қарама-қарши қўйилиши мумкин. Бу техника даражасини урганиш учун бўлган қидирувга нисбатан анча чуқурроқ амалга оширилади.

Қидирув янгиликни излашга қаратилганда тавсифга илова қилинган чизма ва тарҳларни урганиш катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари одатда, янгиликни излашга бўлган қидирув техника даражасини белгилаш учун бўлгани қиридувга нисбатан анча тор шаклланади.

Қонунчиликдаги маҳаллий янгилик тамойили кўзда тутилган мамлакатлар фондида қидирув ўтказиш янгиликни излашнинг кўп учрайдиган хили ҳисобланади, (бундай экспертиза чет элда патентлаш олдидан ўтказилади), шунингдек бундай қидирув саноат маҳсулотини экспорт қилишда унинг патент софлигини текшириш мақсадида амалга оширилади. Қидирувнинг бундай турини узига хос томони бўлиб, қидирув кўлами ва фонди бўйича экспертиза ўтказилаётган мамлакатлар сонининг чекланганлиги ҳисобланади.

Техникавий ечимлар даражасининг белгиланишида кўп учрайдиган вазифа бўлиб, муҳим ихтироларни, қидириш ҳисобланади. Бунинг учун турли расмий усуллар (масалан, патент-аналоглар сонини белгилаш, патент эгаси номи ва ҳ.к.) дан, шунингдек, тармоқлар, фирма ва махсус нашрлар (жорий этилган ихтиролар бюллетени) бўйича ихтиродан фойдаланишни кўламини белгилашдан фойдаланилади.

2. Патент эгаси (ихтирочи, талабномачи) ҳуқуқи кўламининг белгиланиши қидирув вазифаси патент ҳужжати учун хос ҳисобланади.

Патент эгасининг фамилияси, ихтирочи, талабномачи номларини ҳужжатнинг маълум

рақамлари бўйича қидириш қидирувнинг энг кенг тарқалган тартиби ҳисобланади. Бу мақсадда даврий нашрлардан фойдаланилади. Ҳуқуқ субъекти аниқлангандан сунг, унга тегишли асосий, бировга боғлиқ, қушимча, давом эттирилувчи ва бошқа патентлар, шунингдек, агар патент эгаси аъзо бўлса, пул ёки картелга кирувчи патентлар блокларини аниқлаш амалга оширилади. Патент эгасининг ҳуқуқини белгилаш учун патент қидирувнинг ўзига хос мақсадлари бўлиб, аввалги патентларни, шунингдек, кучини йўқотган (бекор қилинган) патентларни белгилаш, патент-аналоглар блокини аниқлаш ҳисобланади.

Ниҳоят, вақт бўйича ҳуқуқни белгилаш, яъни патент амал қилиш муддатини аниқлаш энг кенг тарқалган тартиб ҳисобланади. Патент софлиги экспертизасини ўтказишда, шунингдек, патент бериш қонунга мувофиқлигини аниқлашда шундай мақсад кузланади, Шу билан бирга патентнинг амал қилиш ўртача муддати (7-8 й.) ҳақиқатда қонун билан белгиланганидан (15-20 й.) анча кам, чунки техниканинг янгиланиш суръатлари юқори бўлган шароитда ихтиро тижорат қимматни тез йўқотади. Иккинчи томондан, патент муддатини 5-15 йил чўзиш имконини ҳам эътиборда тутиш лозим (Буюк Британияда).

3. Патент эгаси ҳуқуқини амалга ошириш шартларини белгилаш патент қидируви мақсади учинчи гуруҳини ташкил этади. Бундай экспертиза, патент-лицензия жараёни иқтисод билан жипс боғлиқ. Масалан, патент берилганлиги қонунийлигини ўрнатиш мақсадидаги қидирув патентга ён бериш, техникавий кооперация, лицензияни сотиш ва ҳ.к. ҳақидаги шаротнома тузилишидан олдин ўтказилади. Қўш миқдордаги патентга алоқасиз нашрларни ўрганиш, шунингдек махсус курсаткичлардан фойдаланиш мазкур қидирувнинг ўзига хос тури ҳисобланади.

Патент эгаларининг ҳуқуқ қўламини белгилаш учун қидирувнинг мақсад ва вазифалари қўпинча мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш шартларини аниқлаш билан чамбарчас боғланиб кетган. Шунинг учун баъзи бир хусусий масалалар, масалан патент-аналогларни аниқлаш, ҳам ҳуқуқ қўламини (патент қайси мамлакатларда амал қилишини) белгилаш учун ҳам тижорат қимматни (бевосита маълумотлар бўйича мазкур ихтиро патентлашган мамлакатлар сонини) аниқлаш учун амалга оширилиши мумкин. Қатор ҳолларда ихтирони жорий этиш шартларини белгилаш учун судга даъво билан жалб этилган патентлар ҳақидаги маълумотлар, параллел-рақобатдаги патентлар ҳақида хабарлар, шунингдек техника объекти патентни муҳофазасининг даражаси тўғрисидаги маълумотлар муҳимдир.

Патент қидируви мақсади ранг-баранглигига қарамай уни амалга ошириш бир неча асосий ва ёрдамчи татбирларга олиб келади. Шу маънода патент қидирувчи қўп жиҳатдан патентга алоқадорсиз илмий-техникавий ҳужжатларни излашга ўхшайди.

Қидирув миқёсидаги қидирув ҳужжатининг тавсифи қидирув турини белгилайди. Масалан, агар бир ҳужжатни унинг мавзуи жиҳатлари бўйича изласак, бунда асосий сўзлар рўйхати ёки таснифлар турли тизими индексига мос дескрипторлар, ҳужжат сарлавҳаси ёки унинг аҳамиятли унсурлари (одатда атамалик сўз бирикмалари) ва ҳ.к. лар қидирув тимсоли бўлади. Агар сизни ҳужжатнинг фондидаги тартиб рақами қизиқтирса, бунда унинг тартиб рақами (патент рақами ёки талабнома рақами) дан қидирув тимсоли сифатида фойдаланади. Муаллиф фамилияси ёки объект аталиши бўйича қидиришда қидирув тимсоли сифатида тегишли атоқли отлардан фойдаланилади.

Ҳамон, патент ҳужжатларини бир хиллаштиришда устуворлик ва эълон қилинган сана, кодлар, ҳужжат турлари каби муҳим маълумотлардан фойдаланилар экан, булар ҳам қидирувни тегишли турини ўтказишда қидирув рамзи сифатида қўлланилиши мумкин.

Мавзули, номли - ҳужжат рақами бўйича (тартиб рақами), шу жумладан саналар бўйича (устуворлик, нашр, қистирма қилиш ва бошқалар), шунингдек, ҳужжат тури (патент, талабнома ва ҳ.к.) лар қидирувнинг асосий турларига киради.

Мавзули қидирув қидирув тартибининг асосий ва кенг тарқалган тури ҳисобланади. Чунки юқорида баён этилган вазифалар қўриб чиқиладиганда масалага саноат намуналари, тааллуқли ихтиро тавсифи аниқлангандагина ҳал этилиши мумкин. Қўнчилик мамлакатлардаги ҳуқуқий муносабатга кўра ихтироларнинг бир неча тури фарқланади: қўрилмалар, усуллар, моддалар ва уларни янги мақсадларда қўллаш.

Шунга кўра қидирув тартиби қидирув объекти ихтиронинг мана шу тоифаларидан қай бирига тааллуқлилигига боғлиқдир.

Мавзули қидирувда асосий қийинчилик шундан иборатки, турли мамлакатларда, у ёки бу масала бўйича қидирув соҳаси турлича белгиланади. Масалан, Германия Федератив Республикасида ихтиролар ҳуқуқий муҳофазаси тизимида мувофиқ техникавий ечим умумий ғояси муҳим саналади ва бу бирга тур ўзгариш ва муқобилларни ўз ичига олади (гарчи улар патентга лойиқ ечимнинг белгиларига эга бўлмасда). Инглиз ва аввало, Америка тизими турли соҳаларда техникавий ечимдан фойдаланиш функционал имкониятини баҳолашга ёрдам берувчи экспертиза тартибини кўзда тутди (эксперт кўпинча фақат битта соҳада қўлланадиган

ихтирога талабнома олади). Бу шуни англатадики, у ёки бу мамлакатнинг патент-ҳуқуқ тизими патент ҳужжатлари фонди тузилишигагина эмас, балки қидирув стратегияси ва техника даражасини белгилашга ҳам таъсир этади. Шунинг учун, масалан, қидирув функцияси айнийлигига амал қилиш тамойилини қўллаб Германия Федератив Республикаси патент фондидан ҳужжатлар қидирув вазифасига тааллуқлиларини у ёки бу соҳада қўллана олишлик тамойили бўйича амалга ошириладиган қидирув тартибидан сезиларли даражада кўпроқ топиш мумкин.

Мавзули қидирувнинг бирор воситасидан фойдаланилар экан, қуйидаги бир неча асосий қоидаларга риоя қилиш лозим бўлади:

- фақат муайян бир мамлакатда ихтиро муҳофазасини таъминлаш учун патент фондида тематик қидирув олиб боришда, аввало, мазкур мамлакат патент идорасида қўлланиладиган қидирув воситасидан (агар булар мавжуд бўлса) фойдаланишга тўғри келади;
- патентни бериш мақсадида амалга ошириладиган мавзули қидирувда, талабномани жаҳон миқёсида янгилигини текширишда, ҳам миллий қидирув воситаларидан, ҳам халқаро патент тавсифидаги қидирув тизимидан фойдаланиш керак;
- патентни рад этиш учун мавзули қидирувда анча қўшимча меҳнат талаб қилувчи тизим, шунинг учун турли ёрдамчи қидирув тартибларидан фойдаланиш лозим.

Мавзули қидирув ихтиро фонди бўйичагина эмас, балки ихтирога талабномалар фонди бўйича ҳам, шунингдек фойдали моделлар ва саноат на-

мунаси фондлари бўйича ҳам олиб борилиши мумкин. Тасниф руқни индекси ёки асосий сўзлар рўйхати одатда, ҳужжатнинг қидирув тимсоли бўлади.

Мавзули қидирув учун мунтазам кўрсаткичлардан (жорий, йиллик, якуний), шунингдек, тор соҳали ахборот-қидирув тизимларидан фойдаланилади.

Ном қидирувидан рақобат фаолиятини назорат қилиш учун фойдаланилади, шунингдек, ундан яна мавзули қидирувнинг илк босқичи сифатида фойдаланилади. Фирма-патент эгаси номи бўйича берилган патентлар рақами ва уларнинг ихтиро муайян синфи (таснифи) га тааллуқлилиги аниқланади.

Ном бўйича қидирувда қидирув тимсоли сифатида патент эгаси номи (фамилия), талабнома берувчи, ҳақиқий муаллиф (муаллифлар), талабнома берувчининг вакили ва ҳоказолардан фойдаланилади. Кўпинча патентлар орасидаги боғлиқликни аниқлаш ҳам зарур бўлади. Шунинг учун айрим ҳолларда мавзули қидирув анча меҳнат талаб қилади. Мавзули қидирувнинг қийинлиги ҳамма мамлакатларда ҳам алфавитли ва ном кўрсаткичлари нашр этилмаслиги туфайли янада ошади.

Ном бўйича қидирувни амалга оширишда фирма кўрсаткичлари ва бошқа конъюнктура-тижорат маълумотларига асосланишини билиш муҳим. Қатор ҳолларда номини ўзгартирган фирмаларни бир хиллаштириш ҳақиқий ихтирочи (агар у кўрсатилган бўлса) фамилияси бўйича амалга оширилиши мумкин.

Ҳужжат тартиб рақами бўйича қидирув ҳужжатнинг мавзусига тааллуқлилиги, унинг бошқа ҳужжатлар билан алоқасини ва текширув вақтидаги ҳуқуқий мақомини белгилаш учун амалга оширилади. Тартиб рақамига асосланган

қидирув қуйидаги унсурларни ўз ичига олади: ҳужжат тартиб рақами (бу патент тартиб рақами ёки талабнома рақами бўлиши ва ҳ.к. ҳужжатга алоқадор бўлган; ихтиро тасниф рукнининг индекси; муҳофаза ҳужжати амал қилиш муддати ҳақидаги маълумот; фондида ҳужжат мавжудлиги ҳақидаги маълумот ва бошқалар. Агар патент фонди тасниф рукнлари бўйича қўйилган бўлса, унда керакли ҳужжат тартиб рақамини топиш учун рақамлар кўрсаткичи бўйича унга берилган тасниф индексини топиш, шундан кейин уни фонддан излаш керак.

Талабномалар рақами кўрсаткичларида талабноманинг ҳар бир рақами учун патент идораси томонидан берилган ҳужжат рақами кўрсатилади.

Ҳаволалар кўрсаткичи рақамлар кўрсаткичининг бир тури ҳисобланади. Булар ёрдамида айрим ҳужжатлар ўртасидаги алоқани аниқлаш мумкин; кучини йўқотган патентлар рақамли кўрсаткичи; судда даъво қилинган патентлар ва ҳ. к. Барча кўрсатилган ҳолларда қидирув тимсоли сифатида ҳужжат тартиб рақамидан фойдаланилади.

Юқорида келтирилган тартиб рақамлари бўйича асосий қидирув турларидан ташқари устуворлик санаси бўйича (нашрлар, қистирмалар ва ҳ.к.), шунингдек ҳужжат тури бўйича. (агар фондда турли хил ҳужжатлар бўлса).

Кўп ҳолларда, масалан, патент-аналогларни қидиришда, бир вақтнинг ўзида қидирувнинг икки тури — мазкур ҳолда конвенцияион талабнома ва конвенцион устуворлик санадан фойдаланиш амалга оширилади, яъни ҳам ҳужжат тартиб рақами, ҳам унинг устуворлик санасини ўз ичига олган мураккаб қидирув тимсолидан фойдаланилади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида қидирувнинг купчилик турида Ўзбекистон Рес-

публикаси Патент идорасининг бюллетени “Расмий ахборотнома” сидан фойдаланилади.

Турли қидирув тартибларини амалга ошириш учун қидирув тизими қўлланади. Қидирув тизими жуда хилма хил бўлади. Рақамлар асосидаги турнинг оддий инвентар тизимидан тортиб, то ҳужжатлар мазмунининг маънавий таҳлили усулидан фойдаланиб, мураккаб тизимгача бор.

Қидирувнинг у, ёки бу воситасини қўллаш долзарблиги аввало зарур натижаларни кам харажат билан олиш мумкинлиги (берилган даражада тўлақонлик ва аниқликдаги тезкор жавоб) билан белгиланади.

Шунинг учун қидирувнинг нисбатан содда тури рақамлар асосидаги ва номлар бўйича бўлиб, одатда, оддий қидирув тизимидан фойдаланиб амалга оширилади. Ҳужжатлар мавзули таҳлили зарур бўлган мавзули қидирув анча мураккаб қидирув воситаларини қўллаб амалга оширилади. Бирок, мазкур ҳолда ҳам қўлланаётган қидирув тизимининг мураккаблик даражаси қидирув қўламидаги ҳужжатлар сони ва техника соҳасига боғлиқ.

Барча Ахборот қидирув тизими (АҚТ) ни *ҳужжатлар, фактографик ва аралаш (гибрид)* га бўлиш мумкин.

Ҳужжатлар тизимига ҳужжат мазмунини акс эттирувчи маълумотлар киритилади.

Қўпчилик қидирув тизимида ҳужжатлар қидирув тимсоли тарзида сақланади. Булар энг аҳамиятли сузлар (атамалар, суз бирикмалари) рўйхати ёки ҳужжат мазмунини акс эттирувчи тасниф рукни индексидан иборатдир. Қидирув тизимига киритилган қидирув тимсолида ҳужжат мазмунини айнан акс этишлик даражаси ахборот қидирув тили (АҚТ) тизимида қўлланувчи ва маъновий мутаносиблик мезони билан белгиланади.

Қидирув фактографик тизимида (одатда) ҳужжатлардан иштибаҳ қилинган ва мутаносиб-лик оддий мезонда бир тоифали маълумотлар олиш имкони берадиган (масалан, турли матери-аллар бўйича физик контакт) маълумотлар сақланади. Шунинг учун фактографик тизимлар-да (масалан, алифболи-номли курсаткичда), одат-да расмийлаштирилган маълумотлар (библиогра-фик тавсифлар унсурлари, рақамли параметрлар, тенгламалар ва б.) сақланади, булар қидирув куламига киритилган талабнома ва маълумотлар тарзида бир хиллаштиришга имкон беради.

Аралаш (гибрид) қидирув тизими ҳам фор-маллаштирилган унсурлар (библиографик маълу-мотлар) бўйича, ҳам ҳужжат мазмуни таҳлили усулларида фойдаланиб, қидирувни амалга оширишга имкон беради.

Фойдаланилаётган ахборот-қидирув тил ту-ри бўйича тизимлар таснифий, фасет-таснифий, дескриптор тур ва ҳ.к. тилдан фойдаланувчи ти-зимларга булинади.

Қидирув тизими самарадорлиги куп жиҳатдан қидирув соҳасини туғри танлашга боғ-лиқ. Агар факторографик тизим учун қидирув соҳаси чегарасини анча аниқлик билан белгилаш мумкин бўлса, ҳужжатлар асосидаги АҚТ учун бу анча мураккаб ҳисобланади.

Зарур бўлганда АҚТни қўллаш узини оқлаганда жаҳон патент фондининг айрим қисмлари учун Патент идораси турли тор соҳавий қидирув тизимидан фойдаланмоқда ёки уни ишлаб чиқмоқда.

2.4. Патент тадқиқоти бўйича ишларни олиб бо-риш тартиби

Патент тадқиқоти бўйича ишлар қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Патент тадқиқоти ишларини олиб бориш учун топшириқ ишлаб чиқиш;
2. Ахборот қидирув чегарасини ишлаб чиқиш;
3. Патент, илмий-техникавий, конъюктура-иқтисодий ахборотини излаш ва танлаш;
4. Танлаб олинган ахборотни мунтазамлаштириш ва таҳлил қилиш;
5. Натижаларни умумлаштириш ва Патент тадқиқоти ҳақида ҳисобот тузиш.

Қидирув чегараси патент, илмий-техникавий ва конъюктура-иқтисодий ахборот фонди бўйича қидирув ўтказиладиган соҳанинг тизими ҳисобланади. У Патент тадқиқот вазифасига мувофиқ ишлаб чиқилади, бу техника объекти ҳаёт мароми босқичлари билан белгиланади.

Агар қурилма Патент тадқиқот мавзуи бўлса, унда қуйидагилар қидирув объекти бўлиши мумкин:

- умуман қурилманинг ўзи (умумий жамланма, тамойилий тарҳ);
- қурилманинг ишлаш тартиби;
- қисм ва унсурлар;
- қурилма унсурларини тайёрлашда фойдаланилган материаллар;
- қўлланишга мўлжалланаётган соҳалар.

Агар технологик жараён патент тадқиқоти мавзуи бўлса, унда қуйидагилар қидирув объекти бўлади.

- умуман технология жараёнининг тўлиқлиги;
- агар муҳофазага қобил мустақил объект бўлса, унинг босқичлари;
- бошланғич маҳсулотлари;

- *оралиқ маҳсулотлар ва уларни олиш йўллари;*
- *охирги маҳсулотлар ва уларни қўллаш соҳаси;*
- *мазкур усулни амалга оширишда асос бўладиган жиҳозлар.*

Агар қидирув мавзуи модда бўлса, қуйидагилар қидирув объекти бўлади:

- *модданинг ўзи (унинг сифат ва миқдор кўрсаткичи);*
- *моддани олиш усули;*
- *бошланғич материаллар;*
- *қўлланиши мумкин бўлган соҳа.*

Қидирув объектининг шакллантириш, имкони борича, ХИТ га тегишли тасниф тузумига мувофиқ қабул қилинган атамалардан фойдаланиш лозим.

Қидирув объектини аниқлаштириш уни ифодалашни ХИТ, МИТ, УДК рукнлари номларига яқинлашишга олиб келади.

Мамлакатни танлаш ҳам патент тадқиқоти вазифасига боғлиқ. Мамлакатлар ривожланиш йўналишини ва техникавий даражаси рефератив журнал бўйича дастлабки қидирув натижаларидан олинадиган ва мавжуд танлов, картотекалар бўйича, шунингдек аналитик тарзда белгиланади.

Патент софлиги экспертизасида қидирув мамлакатлар бўйича олиб борилади, буларга нисбатан патент эгасининг ҳуқуқи бузилмаслиги лозим

Янгиликни аниқлаш экспертизаси бўйича қидирув Ўзбекистон Республикаси, Россия Федератив Республикаси, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси, Япо-

ния, Швейцария, Канада, Австралия ва бошқа техниканинг мазкур соҳаси анча ривожланган мамлакатлар бўйича олиб борилади.

Қидирувнинг чуқурлиги ҳам патент тадқиқоти вазифасига боғлиқ. Техникавий даража ва ривожланиш йўналишини тадқиқ этишда қидирув мазкур турнинг техника ривожини йўналишини белгилаш учун етарли даражада чуқур ўтказилади, яъни техника алмашиш муддати миқёсида (5 дан 15 йилгача).

Янгиликни аниқлаш учун қидирув чуқурлиги ташкилот фаолияти йўналишини ихтисослаштирувчи ишланмаларда талабнома берилган санадан бошлаб 50 йил белгиланади.

Ихтисослаштирувчи йўналишга тааллуқли бўлмаган ишланмалар учун қидирув чуқурлиги 15 йилдан кам бўлмайди.

Техниканинг янги соҳаси учун — биринчидан бошлаб, патент ҳужжати эълон қилинган муддатгача.

Патент софлиги учун экспертизада қидирув чуқурлиги қидирув мамлакатида патент амал қилиш муддати билан белгиланади.

Рукнлар рўйхати ҳар бир қидирув объекти учун белгиланади.

Танлаш тулақонлилиги ва тўғрилиги жаҳон патент нашрлари бўйича ихтироларни танлаш ва қидириш жараёнида аниқланиши мумкин.

Агар янги аниқланган руқн қидирув объектига бевосита тааллуқли бўлса-ю, лекин чеклов танланган руқнига кирмаган бўлса, унда бундай руқнлар чекловга қўшимча тарзда киритилади.

Техникавий даража ва техника ривожини йўналиши патент тадқиқоти ўтказишда энг кенг доирадаги ахборот манбаларидан фойдаланилади.

Биринчи галда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясида нашр этиладиган рефера-

тив ахборотлардан ва патентларнинг тўла тавсифидан, илмий-тадқиқот ишланмалари (ИТИ), тажриба-конструкторлик ишланмалари (ТКИ), лойҳа-конструкторлик ишланмалари (ЛКИ) ҳисобларидан, расмий меъёрий материаллар, стандартлар, техникавий шартлар, конъюнктура-иқтисодий ахборотлар (проспектлар, аналоглар, фирма маълумотлари ва бошқа) дан фойдаланилади.

Патент софлигига патент тадқиқоти утказишда фақат патент ахбороти манбаидан фойдаланилади, патентга қобилликни белгилашда эса чекланмаган миқдордаги кишиларга ҳам очиқ бўлган барча манбалардан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд патент ахборотининг барча манбаи, тўла ҳажмда Ўзбекистон Республикаси патент кутубхонасида сақланади.

Лекин Ўзбекистон Республикаси патент кутубхонасига патент ахбороти 1-2 йил кечикиб тушади. Бир қатор ривожланаётган мамлакатларда умуман йуқ. Бундай вазиятда фондлар бўйича қидирув мазкур соҳадаги етакчи уринни эгалловчилар мамлакатлар миқёсида амалга оширилади.

Илмий-техникавий ахборот манбаларидан энг тезкор бўлиб ИТИ ва ТКИ ҳисоботлари, ИТИ ва ТКИ рефератлар тўпламлари, чет эл сафари ҳақидаги ҳисоботлар, симпозиум ва анжуманларнинг материаллари ҳисобланади.

Илмий-техникавий манбалар бўйича қидирув чуқурлиги қилиб 10-15 йил олинади, бунда патент тадқиқоти вазифаси ва мазкур тур техника ривожини йўналиши асос бўлади.

Конъюнктура-иқтисод ахбороти манбалари бўйича – 5 йил. Бу энг яхши аналоглар объекти ва фирма ишлаб чиқариш фаолиятини ўрганиш учун етарлидир.

Патент тадқиқоти вазифасига боғлиқ ҳолда қидирув ўзига хос хусусиятларга эга, лекин ҳар қандай ҳолда ҳам, унинг объекти ва қидирув мақсадига релевантлиги (аниқ мос келиши) ахборот танлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Техника даражасини белгилаш учун ахборот танлашда, масалан техника вазифаси босқичида, танлов мезони қуйидагилар бўлиши мумкин:

- айти бир функцияни бажариш учун мўлжалланган объектлар ҳаракат та- мойилини тавсифловчи техникавий ечимлар, объекти техникавий- иқтисодий ўзгаришича сезиларли таъсир кўрсатиш мумкин бўлган тех- никавий ечимлар ҳақидаги ахборот;
- объект техникавий-иқтисодий кўрсаткич-лари ҳақидаги ахборот ва ҳ.к.

Қидирув ўтказишда, одатда, мавзули қидирувдан фойдаланилади.

Бундан ташқари қидирув патент тадқиқоти вазифасига боғлиқ ҳолда, фирма бўйича, рақамлар бўйича ва патент-аналогни изланишдан иборат бўлиши мумкин.

Патент ахбороти мавзули қидируви Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федератив Республикаси- нинг ВНИИПИСи, Патент кутубхонаси репродукция- вий нашрлари бўйича амалга оширилиши мумкин.

Илмий-техникавий ахборот бўйича мавзули қидирувни ўтказишда Россия Федератив Респуб- ликанинг ВИНТИТИ нашрлари, тармоқ нашрлари, шаҳрлар, диссертациялар, Ўзбекистон Республи- каси илмий-тадқиқот ишланмалари ва тажриба- конструкторлик ишланмалар (ТКИ) бўйича ҳисоботлардан манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Ишлаб чиқиладиган объектга нисбатан объект аналогини излаш қидирувнинг асосий мақсадларидан ҳисобланади. Объект-аналоглар айти бир тур техника, синф ва мақсади бўйича танланади. Мамлакатимизда ва чет мамлакатлар объект-аналогларини қидириш учун патент манбалардан (моддалар ва технологик жараёнлар учун), илмий-техникавий ва конъюнктура-иқтисодий ахборот, проспектлар, саноат каталоглари, стандартлар, "БНKH" фирма маълумотномаларидан ("Реклама" қисмида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотларнинг энг яхши намуналари ҳақида маълумотлар келтирилади) фойдаланилади. Бундай ҳолда рўйхатга олинган товар белгиси ҳақидаги маълумот билан бирга объект белгиси ҳақидаги маълумот билан бирга объект техника-иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

Объект-аналоглар ҳақидаги маълумотни яна "Внешторг реклама Россия Федератив Республикаси", "Американская техника и промышленность" нашрларидан, халқаро симпозиум ва анжуманлар материалларидан олиш мумкин.

2.5. Илмий - тадқиқот ишларини бажаришда патент - ахборот тадқиқотини олиб бориш ва уларнинг натижаларини расмийлаштириш тартиби

Қидирув ҳақидаги маълумотлари 1-жадвалда (бошланғич) қидирув ҳақида маълумотга айлантирилади, бунда патент талқиқоти ўказиш санаси, топшириқ рақами, мавзу шифри, босқич коди, қидирувнинг бошланиши санаси ва тугаш санаси кўрсатилади.

Булардан ташқари қуйидаги маълумотлар келтирилиши лозим:

Қидирув ҳақида маълумотнома

1.01-жадвалда

1-бандда қидирув мавзуи кўрсатилади (у чеклов қидирув мавзуига мос бўлиши керак).

2-бандда Ўзбекистон Республикасидан бош-лаб қидирув мамлакатлари санаб ўтилади.

3-бандда қидирув мавзуи, ХПТ, УДКга мос тасниф индекслари келтирилади.

4-бандда қидирувда ахборот фондидан фой-даланилган ташкилотлар санаб ўтилади (Ўзбекистон Республикаси давлат патент кутуб-хонаси ва б.)

5-бандда босилган сана, қақирув маълумот-лари ва кўриб чиқиш мавзулари кўрсатилган қидирувда кўриб чиқилган илмий-техни-кавий манбалар номи берилади.

6-бандда қидирув амалга ошириладиган па-тент ахборотининг манбалари келтирилади.

1. Патент тадқиқоти ўтказиш учун топши-риқ (тартиб рақами, сана) _____
2. Мавзу шифри _____ Босқич коди _____
3. Қидирув чекловининг санаси ва тартиб рақами _____
4. Қидирувнинг _____ бошланиши _____
Қидирувнинг тугаши _____

Патент-ҳуқуқий ҳужжат сўралган, харид этиладиган бутлов буюмлар рўйхати келтирилади.

Ишлаб чиқиш объектида харид қилинадиган бутлов буюмларидан фойдаланиш мумкин бўлган ҳолларда, булар ҳақида шу буюмларни ишлаб чиқарувчилардан ўз вақтида маълумотлар сураш лозим бўлади.

Агар сўнгги объект ишлаб чиқарувчига бутловчининг техникавий даражаси маълум бўлса, бунда улар учун фақат патент формулярларини сўраш кифоя қилади деб ёзиб қўйилади.

Агар даража маълум бўлмаса, бунда патент тадқиқоти (ПТ) ҳақидаги ҳисобот ёки техникавий даража харитасини сўраш керак эмас деб ёзиб қўйилади.

Агар ишлаб чиқиш объектида бутловчи буюмлар мавжуд бўлмаса ёки улар ҳақида маълумот сўраш зарурати йўқ бўлса, маълумотномада қуйидаги ёзувни ёзиб қўйиш лозим: "Бутловчи буюмлар йўқ" ёки "Маълумот сўраш талаб этилмайди".

Қидирув объекти (объект ва унинг таркибий қисми)	Қидирув мамла- катлари	Тасниф- лаш ин- декслари	Қидирув қайси таш- килот фон- ди бўйича утказилади (тармоқ фонди, ташкилот фонди)	Молиялаш манбалари	
				Илмий- техникавий ҳужжат, но- ми, эълон қилинган са- на, чиқарув маълумот- лари, куриб чиқиш муд- дати (... дан ... гача)	Патент ҳужжати, патент бюлле- нининг муҳо- фаза ҳуж- жатлари, жур- налнинг номлари, сони ва нашр этилган сана, кўриб чиқиш муддати (... дан ... гача)
1	2	3	4	5	6

Патент-ҳуқуқий ҳужжатлар талабномаси бўйича харид қилинадиган бутловчи буюмлар

Сурал- ган сана	Харид қилина- диган бутловчи буюмлар номи ва белгиси	Сўралган ҳужжат тури (патент тад- қиқотлар ҳақидаги ҳисобот, па- тент формуля- ри ёки ахбо- рот карточка- си)	Сўралган ташкилот ёки корхона номи, жой- лашган ман- зили	Сўралган ҳужжат- нинг олин- ганлиги тўғ- рисидаги маълумот, олинган са- на	Сўралган ҳужжатни беришнинг рад этили- ши сабаби
1	2	3	4	5	6

Қидирув жараёнида топилмаган тарқатиш ёки билдириш манбалари буйича маълум бўлган патент ҳужжатлари ва илмий-техникавий адабиётлар рўйхатидан кўрсатилади.

Жўнатув ёки билдирув манбаларидан маълум бўлган, аммо қидирув жараёнида учрамаган патент ҳужжатлари ва илмий-техникавий адабиётлар рўйхати

1.03 жадвал

808

Қидирув мавзуи	Билдирув ёки жўнатув манбаи номи (чиқарилгандаги библиографик маълумотлар билан изланаётган маълумотларни ўзида сақловчи)	Изланаётган нашр тури (патент, китоб, журнал, каталог, проспект), чиқарилгандаги библиографик маълумотлар билан
1	2	3

Қидирув вақтида қандайдир сабабга кўра билдириш манбаидан маълум ҳужжатлар қисми билан танишишга муваффақ бўлинмаган ҳолларда келтирилмайди.

Кейинчалик таҳлил қилиш учун танланган патент ҳужжатлари.

Қидирув объектига бевосита тааллуқли релевантив патент ҳужжатлар барчаси тўғрисидаги маълумотлар берилади.

Кейинчалик таҳлил қилиш учун сараланган патент ҳужжатлар

1.04 жадвал

109

Қидирув объекти (объект, унинг таркибий қисми).	Берувчи мамлакат, муҳофаза ҳужжатининг тури ва тартиб рақами, тасниф индекси	Мамлакат кўрсатилган ҳолда, талабномачи, талабнома рақами, устуворлик санаси, конвенция имтиёзи, нашр санаси)	Баён этилган техникавий ечимнинг моҳияти ва яратилиш мақсади (ихтиро тавсифи буйича ёки эълон қилинган талабномага кўра)	Муҳофаза ҳужжатининг амал қилиши ёки бекор қилинганлик тўғрисидаги маълумот
1	2	3	4	5

Кейинчалик таҳлил қилиш учун танланган илмий-техникавий ҳужжатлар.

Қидирув объектига релевантив муҳим маълумотларга эга ахборот манбаларининг номлари берилади.

Ахборот манбаининг номи асли нусхадаги тилда келтирилади.

Агар бошланғич маълумот билдириш манбаларидан олинган бўлса, бунда чақириш маълумотлари ва реферат берилади.

Агар фирма проспекти топишган бўлса, фирманинг номи, миллий мансублиги, буюм модели, чиқарилган йили ва объект-аналог асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари берилади.

Ахборотни ёзишда реферат рақами ва саноат каталоги рақами кўрсатилади, чунки бу маълумотлар ҳужжатлар тула тавсифини сураганда зарур бўлади.

**Кейинчалик таҳлил қилиш учун сараланган
илмий-техникавий ҳужжатлар**

1.05 - жадвал

Ахборот манбаининг номи	Муаллиф	Нашр йили, жойи ва ташкилоти (манба депонентланганлигининг тасдиғи)
1	2	3

Давлат рўйхатга олиш материаллари ва кейин таҳлил этиш учун танланган илмий-тадқиқий, тажриба-конструкторлик ишларини ҳисобга олади.

Қуйидагилар берилади: қидирув объекти ҳақидаги ахборот мавжуд бўлган ахборотли ҳужжатлар тури, билдириш ҳужжати ҳақидаги билдириш ахборотлар манбаи библиографик маълумотлари, техникавий ҳужжатларни сақловчи, УДК рукни.

Кейинчалик таҳлил қилиш учун сараланган давлат қайдномаси материаллари ва
илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари ҳисоботи

1.06 - жадвал

Қидирув обь- екти	Ахборот хужжати ва ахборот ман- баи тури	Техникавий хужжатларни и сақловчи	УДК рухни	Хужжат қайд этилган сана
1	2	3	4	5

Ўтказилган қидирув ҳақида хулосалар

Эркин шаклда бажарилади.

Агар қидирув чекловга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлса, унда қуйидагича ёзиб қўйилади: “Қидирув чекловга мувофиқ ўтказилади”.

Агар қидирув натижасида рукнлар ёки мамлакатлар (қидирув вақтида аён бўлган) бўйича қўшимча қидирув ўтказиш зарурати пайдо бўлса, бундай ёзувлар хулосаларда берилади.

Маълумотномани бажарувчи имзолайди.

Барувчи бўлим раҳбари _____ Ф.И.Ш. ва имзоси
Ақлий мулк бўлими мудири _____ Ф.И.Ш. ва имзоси
Бажарувчиларнинг _____ Ф.И.Ш. лари ва имзолари
ИТА бўлим мудирининг _____ Ф.И.Ш. ва мзоси

Танланган ҳужжатларни мунтазамлаш ва таҳлил қилиш

Танланган ҳужжатларнинг таҳлили уни мунтазамлаштиришдан бошланади ва бу бажарилган иш турига боғлиқ.

Патент-лицензия вазияти учун танлаб олинган патент муҳофаза ҳужжатлари мамлакатлар ва фирмалар бўйича, миллий ва хорижий талабномачилар бўйича, миллий талабномачилар муҳофазаси ҳужжати талабнома берилган йиллар бўйича мунтазамлаштирилади.

Техника даражасини ва ривожланиш йўналишини белгилаш учун, шунингдек илмий-техникавий ахборот манбалари айти бир техникавий вазифани бажаришга йўналтирилган техникавий ечимларга мувофиқ ва уларни барпо этиш йиллар бўйича мунтазамлаштирилади.

Танланган проспектлар ва саноат каталоглари чиқарилаётган объектлар тури бўйича, бир турдаги объектларга тааллуқли ҳужжатлар эса — мамлакатлар, фирмалар ва чиқарилган йиллар бўйича мунтазамлаштирилади.

Барча жамланган ҳужжатлар мунтазамлаштирилгандан сўнг улар дастлабки таҳлилдан ўтказилади, бунинг натижасида ўз ишланмасидан фойдаланиш ва янги пайдо бўлган тадқиқот йўналиши истиқболлини баҳолаш имконияти нуқтаи назаридан ишлаб чиқувчи учун кўпроқ эътиборли бўлган техникавий ечимлар сараланади.

Патент тадқиқоти қидируви ҳақидаги маълумотнома ва ҳисоботнома 15.011-82 рақамли “Патент тадқиқоти ўтказиш тартиби” ГОСТ’ига мувофиқ тузилади.

Ҳисобот қуйидаги бандлардан иборат бўлади:

1. Техникавий даража ва техниканинг ривожланиш йўналиши;
2. Патент-лицензия вазияти;
3. Янгилик ва ҳуқуқий ҳимоя;
4. Объектнинг патент софлиги.

Патент тадқиқоти ҳақидаги ҳисобот илмий-тадқиқот ишларининг якуниловчи босқичида расмийлаштирилади, бошварақ ва жалдвал тарзидаги қисмлардан иборат бўлади. Ҳисобот шаклини зарур матний асослаш ёки тушунтириш ар тўлдиради. Ҳисобот ИТИ раҳбари, ақлий мулк хизмати раҳбари томонидан имзоланади ва ташкилот ёки корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириқлар

1. Патент ҳужжати нима?
2. Қандай хорижий патент бюллетенларини биласиз?
3. Патент тадқиқотлари натижалари қандай расмийлаштирилади?

3- Боб. Саноат мулки объектларининг давлат томонидан таъминлаш

3.1. Саноат мулки объектлари янги техникавий ечимини излаш усуллари

Илмий-техникавий тараққиётнинг ҳозирги ривожланиш босқичларида патент ҳужжатларини таҳлил қилиш сифат жиҳатдан янги техникавий ечимлар барно этиш ва уларни рағбатлантириш учун асос ҳисобланади

Янги техникавий ечимни барпо этувчи мазкур йўналишдаги мавжуд барча техникавий ечимларни етарли даражада ўрганилган бўлиши лозим, зеро саноат мулки – шундай техникавий ечимки, у маълум ечимларни такрорламайди, балки энг яхши жаҳон намуналаридан юқори бўлган даражага эришишни мўлжаллайди.

Саноат мулкларини аниқлаш ва уларни уз вақтида расмийлаштириш бўйича ишларни муваффақиятини патент экспертизаси асосларини ишлаб чиқувчиларнинг билими белгилайди. Патент экспертизаси икки босқични – расмий экспертиза ва моҳиятан экспертизани ўз ичига олади. Ишлаб чиқувчи ва патентшуноски (техникавий ечим бошида турган) ларнинг вазифаси – патент тадқиқоти ўтказилгандан сунг саноат мулкининг янгилиги, ихтирочилиқ даражаси ва саноатда қўллаш мумкинлигини асословчи талабнома материалларини тўғри расмийлаштиришдан иборат.

Давлат патент экспертизага таклиф этилаётган техникавий ечимни жаҳонда маълум бўлган техникавий ечимлар билан таққосланади ва тегишли қарор (патент бериш ҳақида, рад қилиш ёки қўшимча маълумотлар бериш тўғрисида) тайёрлайди.

“Ихтиро” тушунчасининг ифодасини аниқлаш учун ишлаб чиқувчи ихтиронинг қуйидаги белгиларини билиши зарур:

“янгилиги, ихтирочилик даражаси ва саноатида қўллана олиш мумкинлиги”. Ихтирон аниқлашда унинг объектларининг белгиларини билиш муҳим урин тутади, яъни: қурилмалар, усуллар, моддалар, илгари маълум бўлган қурилмаларни, усулларни ва моддаларни янги мақсадларда қўллаш. Техникавий ечимларни тадқиқ қилиш асосида расмий ва диалектик мантиқ қонуниятлари ётади. Мантиқ ихтирочининг фикрлаши тўғри бўлиши учун бажарилиши зарур бўлган қонун ва қоидаларни шакллантиради.

Ихтиро экспертизаси — тафаккур жараёни, унинг оқибатида объектда ихтиро аломатлари бор ёки йўқлиги ҳақида хулоса қилинади.

Тафаккур — тил билан, ҳақиқатлигини ёки сохталигини текшириш билан боғлиқ борлиқни умумлашган тарзда идрок этиш жараёни. Тафаккур уч асосий шаклда кечади: тушунча, муҳокама ва ҳулоса. Бу уч шаклда ихтирони аниқлаш амалиётида кенг фойдаланилади.

Тушунча — фикрлаш шакли, нарса, ҳодисалар уларнинг муҳим белгиларида акс этади.

Экспертиза соҳасида тушунчалар алоҳида аҳамият касб этади, чунки ихтиро формуласи “ихтиро объекти” — қурилма, усул, модда тушунчаси мазмунини мантиқий ифодаси ҳисобланади

Ҳар қандай ихтиро ўзида объектнинг ривожланиш, ўзгариш ёки айланиши унсурларини мужассам этади. Шунинг учун формал мантиқ усулларида фақат объектларни таҳлил этаётганимизда ва уларни белгилари бўйича таққослаб, ҳамда эришилган самарага қўра белгилар ўртасидаги сабабли боғлиқликларни аниқлаётганимизда ва ихтирони ифода-

лаётганимиздагина фойдаланишимиз мумкин бўлади. Бироқ, ихтирони моҳияти фақат объектга унинг ривожига билан биргаликда олиб қаралгандагина, яъни диалектик мантиқ усулида тўғри аниқланиши мумкин.

Сифат – нарсанинг моҳиятан белгиси. Ана шу моҳият асосида у мана шу нарса, бошқа эмас. Нарсанинг сифати унинг **миқдорий** белгисисиз мавжуд эмас. Бунда сифат ва миқдор томони бирликда бўлади. Миқдорий курсаткич ўзгаради, лекин бу сифат белгиланган муайян чегарада мумкиндир. Масалан сувнинг сифат таркибига кислороднинг саккиз ўлчов бирлигига водороднинг бир ўлчов бирлиги тўғри келади. Агар кислород миқдорини ўзгартирсак перикс водород ҳосил бўлади, яъни янги сифат мўлжалланаётган ихтиро объекти аниқланиб, техникавий ечим таҳлилига киришилади, яъни мантиқий жараён бошланади. Бунинг натижасида объект фикран қисмларга ажратилади ва эътиборли белгилар ва мақсад алоҳида кўрсатилади.

Қўйилган вазифа – маълум бўлган воситалардан фойдаланиб, илгари эришилмаган ижобий самара.

Техникавий ечимни таҳлил қилишда (усулларга тааллуқли) жараёнлар ва усулларнинг мавжудлигини тавсифловчи белгилар, уларни амалга ошириш таркиби ва воситалари кўчириб олинади.

Моддаларни таҳлил қилишда таркибий қисмларни, уларнинг миқдорий нисбатини тавсифловчи белгилар кўчириб олинади.

Прототип, яъни техникавий ечим бўйича эришилган натижага ва техникавий моҳиятга энг яқин бўлган техникавий ечимни танлашга киришилади. Прототипда маълум бўлган белгилар таклиф этилаётган техникавий ечим белгилари максимал ўхшашлик бўйича танланадиган усул, бу прототипни танлашнинг кенг тарқалган усули ҳисобланади.

Агар таққослаш натижасида таклиф этилаётган объектнинг бирон бир моҳиятли белгиси прототипга

нисбатан янги ҳисобланса ва тахмин этилаётган аҳамиятли белгилар мажмуи ижобий самарани таъмин этса, бунда тавсия этилаётган техникавий ечим сезиларли фарққа эга, деб тасдиқлаш мумкин, яъни ихтиро формуласини тузишга киришиш мумкин.

3.2. Ихтироларни, фойдали моделларни ва саноат намуналарини расмийлаштириш тартиби

3.2.1. Ихтироларни аниқлаш ва уларнинг формуласини тузиш

Илмий-техник изланишни (ИТИ) бажараётганда техникавий ечим муҳофазага лойиқлигини баҳолашни, ИТИ натижасини экспериментал баҳолаш босқичида ўтказиш мақсадга мувофиқдир

Ихтирони аниқлаш – техникавий ечимни тадқиқ этиш жараёни, бу ихтиролик белгиларини аниқлаш, яъни сезиларли фарқлар, топшириқнинг янгилигини, ихтирочилик даражасини ва саноатда қўллаш мумкинлигини кўрсатиш мақсадида амалга оширилади.

Бу жараён қуйидаги босқичлардан иборат:

- *ихтиро топширигини ифодалаш;*
- *ҳал этилаётган топшириқни ифодалаш;*
- *мўлжалланаётган ихтиро объектини таҳлил қилиш ва аҳамиятли белгилар мажмуини аниқлаш;*
- *ихтиро объекти турини белгилаш;*
- *техника ривожининг мавжуд даражасини аниқлаш (аналогларни белгилаш);*
- *прототипни танлаш;*
- *янгилигини баҳолаш;*
- *сезиларли фарқларни баҳолаш;*
- *ихтирочилик даражасини баҳолаш;*

- саноатда қўллаш мумкинлигини баҳолаш;
- мўлжалланаётган ихтиро формуласини тузиш.

Қўйилган вазифани ифодалаш. Қўйилган вазифа етарлича аниқ бўлиши ва сўнгги, фойдали натижани ёки бошланғич техникавий самарани ёки ҳар иккала-сини биргаликда ифода этиши лозим.

Ҳал этилаётган топшириқни ифодалаш. *Ечи-лаётган топшириқлар* — техникавий восита яратиш заруратидан иборат. Булар жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий эҳтиёжини ҳозирги вақтда маълум бўлганларга қараганда кам чиқим билан янада тулиқ таъминлаш кўзда тутилади.

Объект таҳлили ва сезиларли белгилар мажмуини ажратиб кўрсатиш.

1. Объект белгилари рўхатини тузиш.
2. Аҳамиятли белгилар мажмуини ажратиш.

Умумий аҳамиятли белгилар — булар шундай белгиларки, ҳар бири бажаришнинг барча ҳолларида ёки объектдан фойдаланишда зарурдир, улар мажмуи эса қўйилган вазифага эришиш учун етарли бўлади.

Фарқланувчи аҳамиятли белгилар — булар шундай белгиларки, улар ихтирони амалга оширишдаги фақат айрим ҳолларда зарур бўлган умумий аҳамиятли белгиларни ривожлантиради ва мажмуини аниқлайди.

Ихтиро объекти турини белгилаш услуги. Агар топшириқ техникавий ечими усул аломатлари сифатида ифодаланиши мумкин бўлса, ҳам қурилма белгиси бўлса, унда талабномани усулга расмийлаштирган маъқул, чунки усул объекти анча кенг ҳуқуқ қўламли, яъни қурилмага бўлганидан кўра кенгроқ таъмин этади (айни бир усул турли қурилмаларда амалга оширилиши мумкин).

Аммо ихтирода усул бўйича фойдаланиш омилини қурилмадан кўра назорат қилиш қийинроқ.

Аналогларни танлаш услуги. Аналог-техникавий моҳияти бўйича ва баён этилаётганнинг натижалари бўйича айна бир мақсадга қаратилган объект.

Мезонлар; ҳал қилинаётган масала, техникавий моҳият; эришиладиган натижа.

Қиёсланаётган объектларнинг техникавий моҳияти жиҳатдан яқинлиги, уларни ўхшаш белгилари миқдорига кўра аниқланади.

Натижа бўйича яқинлик ихтирочилик даражасига кўра белгиланади.

Ҳар бир аналог белгиларга ажратилади, шулар ҳисобидан аҳамиятли белгилар мажмуи белгиланади.

Прототипни танлаш услуги. Прототип техникавий моҳият бўйича ва натижа бўйича энг яқин аналог.

Прототипни танлаш миқдорий усул билан амалга оширилади (ўхшаш белгилар максимал сонига кўра), сифат усули билан амалга оширилади (бир-иккита ихтирочилик даражасига кўпроқ таъсир этувчи аҳамиятли белгилар бўйича) ва аралаш усулда амалга оширилади.

Агар ўзгариш объектнинг қисмига киритилган ва у функционал мустақилликка эга бўлса, талабномани ана шу қисмига расмийлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ечим янгилигини баҳолаш услуги. Аналоглардан прототипни белгилаб ва унинг аҳмиятли белгиларининг мажмуини ажратиб тавсия этилган объектни қиёсий таҳлил қилишга киришилади.

Қиёслаш жараёнида объектнинг қандай белгилари прототипникига ўхшаш ва қайсилари фарқли эканлиги аниқланади.

Белги маълум деб ҳисобланади, агар у прототип белгиси билан айнан ва муқобил бўлса.

Айнан белгилар функцияси ва техникавий моҳиятига кўра бир-бирига мос келади.

Муқобил белгилар функцияси бўйича ва натижаси бўйича мос келадиган белгилар (бир-бирининг ўрнини босадиган).

Агар прототипда тадқиқ этилаётган объектнинг бирор белгиси бўлмаса, бундай ҳолда у объект белгилари мажмуига янгилик бахш этувчи **фарқли** белги ҳисобланади.

Фарқлар моҳиятлилигини баҳолаш услуги. Ечимнинг “**моҳиятли фарқлар**” мезонига тааллуқлилигини белгилаш учун аниқланган белгиларга эга (прототипникидан фарқли бўлган) фан ва техникадаги маълум ечимларни қидирув йўли билан амалга оширилади. Агар маълум ечимларда бундай белгилар топилмаса, тавсия этилган таклиф “**моҳиятли фарқлар**” мезонига мувофиқ келмайди деб тан олинади.

Агар бу белгилар маълум ечимларга тааллуқли бўлса, унда маълум бўлган ва тавсия этилаётган ечимлардаги кўрсатилган белгиларда намоён этиладиган хоссаларни қиёсий таҳлили утказилади.

Агар тавсия этилган ечимда маълум бўлган ечимлардаги фарқловчи белгиларда намоён бўлганларига мувофиқ келадиган хоссалар учрамаса ва бу хоссалар миқдори тенг бўлмаса, бунда техникавий ечим “**моҳиятли фарқли**” мезонига мувофиқ деб тан олинади.

Шу билан бирга белгилардан фойдаланиш мақсади аҳамият касб этади:

Ихтирочилик даражасини баҳолаш услуги. Тавсия этилаётган ва маълум бўлган техникавий ечимлар эришилган натижалар бўйича қиёсланиши амалга оширилади.

Ихтиро формуласи (ИФ) ни тузиш услуги. Ихтиро формуласи – белгиланган тартиб бўйича тузилган техникавий ечим формуласининг лексемалардаги қисқача тавсифи.

ИФ функцияси:

- техникавий моҳиятни ифодалайди;
- ихтиро чегарасини белгилайди;

- ихтирони саноатда қўллаш мумкинлигини белгилаш учун хизмат қилади;
- техника соҳасидаги тараққиёт ҳақида ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Санаб утилган функциялардан унинг моҳияти келиб чиқади:

- *техникавий;*
- *ҳуқуқий;*
- *ахборотий.*

Ихтиро формуласи бирликда биттагина жумлада тузилади

ИФга қўйиладиган талаблар:

1. Тўлақонлик.

Ҳаддан зиёд кенг таърифда, бу – муҳофаза ҳужжатини бериш қонунийлигини рад этишга олиб келади. Ҳаддан зиёд тор таъриф ҳам объектдан унча муҳим бўлмаган, аммо формулага киритилган белгиларни чиқариб ташлаш ёки алмаштириш йўли билан формула тузишга олиб келади.

2. Белгиланганлилик.

ИФдаги белгилар ўзларининг эркин талқин этилишига йўл қўймаслиги лозим. Улар ҳар бир мутахассисга тушунарли тарзда умум қабул қилинган атамалар асосида ифода этилиши лозим.

3. Умумийлик.

Муҳофаза ҳужжати мумкин бўлган кенг куламда ўз эгасининг ҳуқуқини белгилаш учун белгилар энг умумий атамаларда баён қилиниши лозим.

4. Мутаносиб ўлчамлилик. Объект номи (таърифланаётган тушунча) ихтиро моҳияти (таърифловчи тушунча) га мос келиши керак.

ИФни тузилиши. Ихтиро формуласи бир ёки бир неча банддан иборат бўлиши мумкин. Биринчи

банд ҳуқуқий моҳиятга эга бўлади. Унга кўра ихтиро-чининг ҳуқуқ доираси белгиланади.

Қўшимча бандлар объектнинг бажарилишини хусусий шаклини ифодалайди ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди. ИФнинг биринчи банди ихтиронинг номи билан бошланади, бу тоифавий тушунча ҳисобланади.

Номидан кейин келадиган моҳиятли белгилар мажмуи ихтиро объекти, прототип ва янгиси учун умумий бўлган белгиларга бўлинади.

Прототип билан ўхшашлар мажмуи ихтиронинг номи билан бирга **ихтиро формуласининг чекловчи қисмини** ташкил этади. Прототипга нисбатан янгила-ри, объектнинг фарқли белгилари **ИФнинг фарқловчи қисмини** ташкил этади.

Фарқли қисмдан янги белгиларни ажратиш "...шу билан фарқланадики..." ибораси ёрдамида амалга оширилади.

Ихтиро номига бўлган талаб:

- номи умум қабул қилинган тоифавий тушун-чада ифода этилиши лозим;
- номи ихтиро моҳиятини англатиши лозим;
- номда фарқловчи хусусиятлар ва ижобий са-мара кўрсатилмаслиги керак;
- тор соҳага тааллуқли ёки ноаниқ атамалардан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Чекловчи қисмга талаблар. Чекловчи қисмни ту-зишда "... иборат, ўз ичига олувчидан иборат ..." суз ва суз бирикмаларидан фойдаланилади. "Иборат" сўзининг ва "ўз ичига олувчи" суз бирикмаси шуни англатадики, ИФда санаб утилган моҳиятли белгиларидан ташқари ихтиро объекти ИФда эслатилмаган ҳар қандай бошқа белгиларни ҳам ўз ичига олади.

"-дан иборат" ифодасидан объект фақат ИФда эслатилган белгилар мажмуидан иборат деб тавсиф-лашда фойдаланилади.

Фарқловчи қисмга талаб. Ихтиро тавсифига боғлиқ белгилар – белгиларнинг маълум мажмуига

қўшимча белгилар, чекловчи қисмда кўрсатилган белгиларни аниқлашгириш кўрсатилади.

Чекловчи қисмда “шундай бажарилдики, бунда ...”, “шундай жойлаштирилдики, бунда ...” ибораларидан фойдаланибгина топшириқни қўшимча ифодалаш мумкин эмас.

Ихтиронинг кўн бўғибли формуласига қўйиладиган талаб. Биринчи-банда кўрсатилган моҳиятни белгилар мажмуи анча умумий тарзда ифодаланган ва шу белгилардан биронтасини топиш, аниқлаш зарур бўлганда татбиқ этилади.

Қўшимча бандлар ҳуқуқ кўламини кенгайтирмайди. Улар ИФни анча аниқлаштиради ва унинг ахборот-техникавий тавсифини оширади. ИФ ҳар бир бандда битта грамматик жумла тарзида тузилади.

ИФСининг қўшимча бандда тузилиши ҳам асосий бандга сингари – чекловчи ва фарқловчи қисмдан иборат.

Ихтиро формуласида белгиларининг қиймати. Турли объектлар белгисини улар қиймати бўйича деб асосий гуруҳга бўлиниши мумкин:

1. Объектда тузилмавий унсурлар борлигини кўрсатувчи белгилар:
 - қурилмада – детааллар, қисмлар;
 - усулда – жараёнлар, йўллар;
 - моддада – таркиблар;
 - кимёвий бирикмаларда – атомлар, атомлар гуруҳи.
2. Боғлиқлик ёки ўзаро жойлашганлик белгилари.
 - қурилмада - ўзаро алоқа ва детаалларнинг жойлашуви;
 - усулда – жараёнлар тартибийлиги;
 - моддада – таркибларнинг миқдорий нисбати;

- кимёвий бирикмаларда — атомлар ўртасидаги алоқа ва уларнинг фазовий жойлашуви.

3. Унсурлар бажарилиши ўзига хослигини тавсифловчи белгилар:

- қурилмида — деталлар шакли ва улар ўлчами;
- усулда — тартиб ёки техника васиталаридан фойдаланишни кўрсатиш;
- моддада — таркиб қисмлари шакли ёки уларнинг агрегатлик ҳолати;
- кимёвий бирикмаларда — атомларнинг сифат ёки миқдорий нисбати.

ИФнинг биринчи-банди, албатта, биринчи ва иккинчи гуруҳ белгиларига эга бўлиши лозим.

Қўшимча банд учун белгилар танлаш — мақсимал натижа билан қўйилган вазифага эришишда унинг аҳамияти баҳоланади.

Ихтиро формуласида ихтиро гуруҳини тавсифловчи талаблар. Бир неча бандлар тарзида баён этилади ва бунда:

- ИФСида ҳал этилаётган талабнома тавсифига энг тўлиқ жавоб берадиган ихтиронинг моҳиятини тавсифловчи мустақил бандни баён қилишдан бошланади.
- Айрим ихтироларнинг техникавий моҳиятини тавсифловчи мустақил банд формуланинг бошқа бирор бандига ҳаволага эга бўлмаслиги лозим.
- Қўшимча бандлар ўзлари бевосита ёки олдин келган қўшимча бандлар орқали бўйсунган мустақил банд билан гуруҳланади.

Ихтиро ягоналигига бўлган талаб.

1. ИФ ягона объект тавсифидан иборат бўлиши лозим.
2. Техникавий моҳияти кўп бўеимли формулада ифодаланган бўлса-да, ихтиро ягоналигига

путур етмаслиги керак. Бунинг учун мазкур формулалардаги қўшимча бандлар биринчи банд белгилари мажмуини ривожлантирувчи белгиларга эга бўлади. Бундай ривожланиш деганда биринчи банд қандайдир белгисини алмаштириш ёки истисно қилиш тушунилмайди.

3. Фарқлантирувчи белги формуланинг биринчи бандида умумий тушунчаларда ифодаланса, қўшимча бандларда эса мазкур белгининг техникавий эквиваленти кўрсатилса, иктиро ягоналиги бузилмайди.
4. Моҳиятли белгиларни умумий тушунчалар билан ифодалаб бўлмайдиган шароитларда техникавий муқобилларни санаб ўтиш йўли билан ифодаланса иктиро ягоналиги бузилмайди.
5. Агар ИФда умумий ижобий самарага эришиш учун ўзаро боғланмаган нарсаларнинг туюлган яхлит миқдорига сунъий жамланганлар акс эттирилса, иктиро бирлиги ҳамisha бузилган бўлади.

Иктиро формуласини тузиш услуби. ИФни тузиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

Биринчи босқич — ИФнинг биринчи банди асосини ташкил этиши лозим бўлган моҳиятли белгилар мажмуи (дастлабки икки гуруҳ белгилари) танлаб олинади.

Иккинчи босқич — қўшимча банд моҳиятини ташкил этиш мумкин бўлганини (белгилар 3-гуруҳи) танлаб олинади.

Учинчи босқич — тузилмавий ИФси ҳосил қилинади.

Бунинг учун ҳар бир белги индексланади ва қандайдир шаклга (доира, квадратга) келтирилади.

Тузилмавий формулада белгилар ўзаро боғлиқлиги туташтируви чизиқлар тарзида ифодаланади.

Тўртинчи босқич – тузилмавий формула шифридан чиқарилади ва ИФси илк таҳрирдан утказилади.

Бешинчи босқич – тузилган ИФси ихтиро ягоналигига нисбатан ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилинади.

Олтинчи босқич – ИФси услубий жиҳатдан кўриб чиқилади (умум қабул қилинган атамалар тавсия этилади).

Ихтиро формуласидаги белгиларни баён этишдаги айрим ҳслатлар.

1. Формуладаги математик боғлиқликни қўлланиши. Математик боғлиқликдан қуйидаги белгиларни ифодалашда фойдаланилади:

- *детаалларнинг геометрик шакли;*
- *унсурларнинг ўзаро жойлашуви;*
- *ўлчамлар нисбати;*
- *тартиблар, жараёнларнинг усуллари тавсифи;*
- *модда таркибининг миқдорий нисбати.*

Математик ифодалар ИФга моҳиятга эга бўлгандагина киритилади.

Қоида:

- *ИФдаги барча рамзлар тушунтирилиши шарт;*
- *ИФда барча қийматлар ўлчов бирлиги кўрсатилган бўлиши керак;*
- *математик рамзлар тўғри белгиланиши ва ифодаланишига амал қилиниши лозим.*

2. Функционал белгилардан фойдаланиш.

Агар ихтиро вазифасига нисбатан унсур шакли эмас функцияси сезиларли аҳамиятга эга бўлса, шунингдек, агар мазкур унсурни белгилаш учун умумий бир жинсли атама бўлмаса функционал атамалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

Функционал белги қуйидаги ибора ёрдамида ифодаланади:

“... учун восита”.

3. Муқобил белгилар.

Бу шундай белгиларки, ИФда биринчи ўринда бошқасини қўллаш имконини истисно қилмайди.

Бу белгилардан фойдаланишга улар муқобил тушунчадан ифодаланса ИФга киритилади ва “ёки” боғловчиси ёрдамида қўлланишга рухсат этилади.

4.Ихтиро формуласидаги салбий нгилик.

Бу объектдан фойдали хоссага путур етмаслиги шарти билан қандайдир унсурни чиқариш (объектни соддалаштириш) билан боғлиқ.

Объектдан қандайдир унсурни чиқариш туфайли қолган унсурлар алоқаси ва жойлашуви ўзгарди.

Объектнинг турли хилларида ихтиро формуласини тузишнинг ўзига хос томонлари.

Қурилма. Шундай грамматик шакллардан фойдаланиладики, токи у қурилмани статистик ҳолда тавсифласин. Бунда жойлашган, бажарилган, мустақамланган ва бошқа сифатдошлардан фойдаланилади.

Усул. Ихтиро формуласини тузишда ижро майлидаги, 3-шахсдаги, куплик сондаги, ҳозирги замон феълларидан (иситади, узатади ва ҳ.к.дан) фойдаланилади.

Жараёнлар кетма-кетлиги “аввал”, “сўнг”, “кейинчалик совутиб”, “олдиндан” ва бошқа сўз ва сўз бирикмаларида акс эттирилади.

Жараёнлар тартиби усулни амалга ошириш шартини қамраб олувчи чегаравий қийматлар оралиғида кўрсатилади.

Чегаравий қийматлар шундай бўлиши керакки, уларнинг ўртача катталиги параметр қийматига мос келсин, чегаравий қийматдан четга чиқиш эса, мақсадга эришишни таъмин этмасин.

Модда. Фойдаланиш учун тайёр маҳсулот сифатида тавсифланади. Фарқловчи белгилар ИФга “иборат” сузи ёрдамида, зарур бўлганда “қўшимча” тушунтириш билан киритилади.

Биринчи банддаги таркибларнинг миқдорий ва сифат нисбатлари берилиши шарт.

Миқдорий таркиб биринчи банд охирида, қоришманинг барча моҳиятли таркиблари санаб утилгандан сўнг берилади.

“Таркибларнинг кейинги нисбатида” боғловчи ибора ёрдамида амалга оширилади (вазн, %).

Шу билан бирга таркиблари, номи ёки унинг кимёвий рамзи ва моддадаги фоизли ёхуд бошқага нисбат интервали кўрсатилади.

Таркиблар мавжудлиги юқори чегараси 100%дан ортиқ, қуйи чегараси 100%дан кам, уртачаси эса – 100% бўлиши лозим.

Агар қандайдир моддада таркиби бошқасига нисбатан кўпроқ булса, унда буни “қолганлари” сузи ёрдамида ифодалаш мумкин.

Масалан, ихтиро формуласи:

Никел асосидаги, вольфрамли, механик хоссасини яхшилаш учун қўшимча ренийни ўз таркибига олувчи эритма, қуйидаги таркиблар нисбатига эга (вазн, %):

вольфрам – 2... 10;

рений – 2... 8;

никель – қолгани.

Кимёвий бирикмалар. ИФ номига мувофиқ чекловчи ва фарқловчи қисмларга эга эмас. Биринчи банд қуйидаги моҳиятли белгилардан иборат бўлиши керак:

- кимёда қабул қилинган тартиблардан бири бўйича бирикмаларни номлаш;
- радикаллар қийматини кўрсатган ҳолда кимёвий тузилиш;
- бирикма нимага мўлжалланганлиги.

Юқори молекулали бирикмалар. ИФ эга бўлади:

- бирикмалар номига;

- кимёвий тартибга;
- макромолекулалар битта бўғини тузилмасига;
- макромолекулалар умумий тузилмасига;
- молекуляр массага ва молекула-масса тақсимолига;
- зарур ҳолларда – бўғинлар даврийлиги, геометрия ва стереометрия, орқа ва ён гуруҳларга;
- бирикмалар нимага мўлжалланганлигига.

Микроорганизмлар штаммлари. ИФда бўлиши керак:

- *штамм номи ва математик транскрипция;*
- *тегишли коллекцияда мазкур штамм қайд этилган тартиб рақами;*
- *коллекция номи;*
- *штаммдан амалда фойдаланиш тавсифи.*

Янги мақсадлар бўйича фойдаланиш. ИФ икки қисмдан иборат бўлади.

1. Ҳамиша “қўлланади” сўзи билан тугайди, ундан олдин маълум бўлган объект номи ўрин келишигида келади.
2. Янги вазифаси тавсифланади ва ўзида объект номини акс эттиради.

Масалан, Ихтиро формуласи:

Яшил гулчангдан тилинган жойдан шира ажралиб чиқишини кўпайтирувчи сифатида қўллаш.

Қушимча ихтиролар учун ихтиро формуласи.

Ихтиро формуласи икки қисмдан иборат: **чекловчи ва фарқлантирувчи.**

Чекловчи қисми асосий ихтиро номига ва асосий муҳофаза ҳужжати тартиб рақамини кўрсатувчига мос келадиган ихтиро номини ўз ичига олади. Шундан кейин ихтиронинг **фарқлантирувчи** қисми кўрсатилади. ИФ кўп бўғинли бўлиши мумкин, шу-

нингдек турли жинсли объектларни тавсифлаши мумкин.

Ихтиродан фойдаланиш омилини белгиланишда ихтиро формуласи асосий мезон сифатида. Фойдаланиш омилини белгилаш ИФнинг биринчи бандида кўрсатилган моҳиятли белгилар мажмуи билан амалиётга жорий этилади.

Бунда қуйидаги талқинлар бўлиши мумкиндир:

1. Барча белгилар ИФ белгиларига мос тушади (ихтиродан фойдаланилди).
2. Объектда ихтиро белгиларидан биттаси ёки бир нечтаси ИФ биринчи бандида алмаштирилади.
3. Объектда ИФ бир, ёки бир неча белгиларининг йўқлиги ИФ четлаб ўтилганини билдиради ва ихтиродан фойдалангани тан олинмайди.

Муқобиллик назариясининг асосий қоидалари.

Ихтиронинг моҳияти ўзгармайдиган алмаштирувда ҳам айни бирдек натижага эришилинади, мазкур соҳада маълум бўлган, тула мосига алмаштиришни бажариш воситаси муқобил ҳисобланади. Бунда:

1. Объект ва техникавий ечим битта функцияни бажариши ва битта вазифани ҳал этиши лозим.
2. Натижалар мос келиши керак.
3. Белгилар муқобиллиги ҳақидаги хулоса умуман ечимлар эквивалентлиги ҳақидаги умумий хулосанинг бир қисми ҳисобланади.
4. Белгилар муқобиллиги нисбий тавсифга эга.

Патент формуласининг асосий турлари. Тарихдан патентнинг 3 асосий тури шаклланган:

Германия Федератив Республикаси, АҚШ, Англия.

Германия Федератив Республикаси ихтиросининг формуласи XIX аср 80-йилларида ишлаб чиқилган. У бир, ёки бир неча бандда баён этилади.

Шулардан биринчиси мустақил, асосий ҳисобланади, қўшимча бандлар эса – бўйсунувчи қисмлардир, ҳуқуқий аҳамият касб этмайди. Иккинчи банди – чекловчи ва фарқлантирувчи қисмдан иборат бўлади.

Чекловчи қисмга ихтиронинг номи ва техника ривож даражасига боғлиқ тарзда аввал маълум бўлган белгилар киради.

Фарқланувчи қисмда ихтиро янгилигини тавсифлайди. Чизмаларни ҳавола қилишга йўл қўйилади. Ҳар икки қисм бир-бири билан "... билан фарқ қиладики" сингари қўшма гап унсури ёрдамида боғланади.

Формула тузишнинг Германия Федератив Республикаси тизими марказий ёки манتيқий деб аталади.

АҚШ ихтиросининг формуласи бўйсунувчи ва мустақил шаклда тузилиши мумкин.

Мустақил формула – мумтоз формула. Бир неча банддан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири мустақил ҳисобланади. Патент формуласи асосий бандлардан ва жойлаштирилган даъво бандларидан ташкил топади.

Жойлаштирилган даъво бандлари мумтоз шаклда асосий банд матнини сўзма-сўз такрорлайди ва аниқланишлар, бош банд қандайдир белгисини ривожлантиришлар билан тулдирилади.

Бўйсунувчи бандли формулалар 1965 йилдан жорий этилган.

Биринчи банд асосий ҳисобланади, бўйсунувчи мустақил бандга ёки олдин келган бўйсунувчига ҳаволани ўз ичига олади.

Формула уч қисмдан иборат бўлади:

- кириш;
- боғловчи қисм;
- асосий қисм.

Кириш – ихтиро номи.

Боғловчи қисм – "... қайсини; ... иборат" ва бошқалар.

Асосий қисм - тавсифий хусусиятга эга ва унсурлар улар ўртасидаги алоқанинг рўйхатидан иборат бўлади

Инглиз ихтиросининг формуласи бир неча банддан иборат мустақил бўлиши мумкин, шунингдек бир қатор қўшимчалардан – бўйсунувчилардан (булар ўзлари боғлиқ бўлган банддан кейин жойлашади) иборат бўлади.

Фарқлантирувчи қисми йўқ. Тавсифий хусусиятга эга.

Бўйсунувчи бандларнинг ҳар бир қатори охирида ифода этилувчи умумий бандлардан фойдаланишнинг ўзига хос томони ҳисобланади.

Масалан:

Усул ... исталган олдинги бандларда у қандай тасвирланган бўлса ва тавсиф мисолларида қандай очиб берилган булса

1.06.1978 йилдан бошлаб Англияда ихтиронинг формуласи Германия Федератив Республикасидагидек баён қилиш тизими қабул қилинди.

Япония ихтиросининг формуласи Англия тизимига мувофиқ тузилади, лекин умумий бандларга эга эмас.

Халқаро талабнома ихтиросининг формуласига Германия Федератив Республикаси ёки Англия-Америка тизими формулалари тузилишига хос талаблар қўйилган.

Агар ихтиро такомиллаштиришдан иборат бўлса, ихтиро формуласи Германия Федератив Республикаси тизими бўйича тузилади. Бошқа объектлар Англия-Америка тизимида тавсифланади.

Бундан ташқари ихтиро формуласига муфассал баён, аниқлик, лўндалик ва тўғрилиқ талаблари қўйилади.

3.2.2. Патент бериш ҳақидаги талабномани тоншириш тартиби

Патент бериш ҳақидаги талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси (кейинги ўринда – талабнома берувчи) томонидан Патент идорасига топширилади.

Патент бериш ҳақидаги талабномаларга белгиланган миқдорда патент божи туланганлиги ёки патент божи тулашдан озод қилишнинг ёхуд унинг миқдори камайтирилганлигини асосларини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома ҳужжатларига доир талаблар Патент идораси томонидан белгиланади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома шахсан, патент вакили ёки ишончли шахс томонидан топширилиши мумкин.

3.2.3. Ихтирога патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш тартиби

Ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома (бундан буён матнда ихтиро ҳақидаги талабнома деб юритилади) битта ихтирога ёки ягона ихтирочилик фикрини (ихтиро бирлиги талабини) ташкил этган тарзда бир-бири билан узвий боғланган ихтиролар гуруҳига тааллуқли бўлиши керак.

Ихтиро учун талабнома қуйидаги ҳужжатларга эга бўлиши керак:

- *ихтиронинг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса ана шу шахс, шунингдек, уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги ариза;*
- *ихтирони амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ очиб берилган тавсифи;*

- *ихтиронинг моҳиятини ифодаловчи ҳамда тавсифга тўла мувофиқ бўлган формуласи;*
- *агар ихтиро моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материаллар;*
- *ихтиро реферати.*

3.2.4. Фойдали моделга патент бериш ҳақида талабномани топиши тартиби

Фойдали моделга патент бериш ҳақида талабнома (кейинги ўринларда – фойдали модель учун талабнома) битта фойдали моделга ёки ягона ижодкорлик фикрини (фойдали модель бирлиги талабини) ташкил этган тарзда бир-бири билан узвий боғланган фойдали моделлар гуруҳига тааллуқли бўлиши керак.

Фойдали модель учун талабнома қуйидаги ҳужжатларга эга бўлиши керак:

- *фойдали модель муаллифи (ҳаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг тузар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги ариза;*
- *фойдали моделнинг амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ очиб берилган тавсифи;*
- *фойдали моделнинг моҳиятини ифодаловчи ҳамда унинг тавсифга тўла мувофиқ бўлган формуласи;*
- *агар фойдали моделнинг моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материаллар;*
- *фойдали модель реферати.*

3.2.5. Саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабномани тоншириш тартиби

Саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома (кейинги ўринларда – саноат намунаси учун талабнома) битта саноат намунасига тааллуқли бўлиши керак ва шу намуна вариантларини қамраб олиши мумкин (саноат намунаси бирлиги талаби).

Саноат намунасига патент бериш талабномаси ҳужжатлари қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олади:

- саноат намунасининг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги ариза;
- буюмнинг ташқи кўриниши ҳақидаги тўлатўқис, бор тафсилоти билан тасаввур қилиш имконини берувчи буюм акс эттирилган тасвирлар туркумини, макет ёки расми;
- агар саноат намунасининг моҳиятини очиб бериш учун зарур бўлса, буюм умумий кўринишининг чизмаси, эргономик схемаси, конференцион харитасини;
- саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуини акс эттирган тавсифини ўз ичига олиши лозим;

Саноат мулки объектнинг устуворлиги патент бериш ҳақидаги талабнома Патент идорасига топширилган санага кўра белгиланади.

Саноат мулки объекти устуворлиги қуйидагича белгиланади:

Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси (конвенциявий устуворлик) қатнашчиси бўлган бошқа давлатда топширилган биринчи талаб-

нома қайд этилган сана буйича, агар мазкур санадан эътиборан ихтиро ҳақидаги талабнома ва фойдали модель ҳақидаги талабнома 12 ой ичида, саноат намунаси ҳақидаги талабнома эса 6 ой ичида Патент идорасига келиб тушган бўлса, белгиланиши мумкин. Агар конвенция устуворлиги суралган талабнома, уни берувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра белгиланган муддатда топшириб улгурмаса, бу муддат Патент идораси томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин. Конвенция устуворлиги ҳуқуқидан фойдаланиш истагидаги талабнома берувчи ўзининг ана шу истагини талабнома топшириш чоғида кўрсатиб ўтиши ва (ёки) зарур материалларни талабнома топширилган санадан эътиборан кўпи билан 3 ой ичида Патент идорасига тақдим этиши шарт;

- қўшимча материаллар топширилган сана буйича, агар талабномага илова қилинган қўшимча материаллар талабномада кўрсатилган ихтиро моҳиятини ўзгартириб юборади деб топилиши муносабати билан уларни қабул қилиш мумкин эмаслигини Патент идораси талабнома берувчига билдирилган санадан эътиборан 3 ой муддат тугагунга қадар бу қўшимча материаллар талабнома берувчи томонидан мустақил талабнома сифатида расмийлаштирилган бўлса, белгиланиши мумкин;

- шу талабнома берувчининг Патент идорасига бирмунча олдин тақдим этган, ушбу саноат мулки объектининг моҳиятини очиб берувчи талабномаси топширилган сана буйича, агар бундай устуворлик суралаётган талабнома ихтро ва фойдали модель ҳақидаги талабнома келиб тушган санадан эътиборан ўн икки ой ичида ва бир мунча олдин берилган саноат намунаси ҳақидаги талабнома келиб тушган санадан эътиборан олти ой ичида топширилган бўлса, белгиланиши мумкин. Бунда бирмунча олдин топширилган талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

Экспертиза жараёнида патент бериш ҳақидаги ўхшаш талабномалар айна битта устуворлик санасига

эга эканлиги аниқланса, у ҳолда патент Патент идорасига олдинроқ сана билан жўнатилганлиги исботланган талабнома бўйича, башарти жўнатилган саналари бир хил бўлиб чиқса, қайси бирида Патент идорасининг рўйхатга олиш кириш рақами олдин қайд этилган бўлса, шу талабнома бўйича берилади.

Саноат мулки объекти устуворлиги бирмунча олдин устуворлик сўралган, чақириб олинган патент бериш ҳақидаги талабнома келиб тушган санага кўра белгиланиши мумкин эмас.

3.2.6. Талабномаларни ўзгартириш тартиби

Талабнома берувчи патент бериш ҳақидаги қарор қабул қилингунга қадар ихтиро ҳақидаги талабномани фойдали модель ҳақидаги талабномага, фойдали модель ҳақидаги талабномани эса ихтиро ҳақидаги талабнома қилиб ўзгартиришга ҳақлидир. Бундай ўзгартиришлар чоғида биринчи талабноманинг устуворлиги сақланиб қолинади.

Талабномаларни ўзгартириш тегишли патент божига тўлангандан сўнг амалга оширилади.

3.2.7. Патент бериш ҳақидаги талабномани давлат экспертизадан ўтказиш тартиби

Патент идораси патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича ихтирони расмий экспертиза, фойдали модель ҳақидаги талабнома экспертизаси ҳамда ихтиро ҳақидаги талабноманинг ёки саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасидан (кейинги ўринларда матнда моҳият бўйича экспертиза деб юритилади) иборат бўлган давлат экспертизасини ўтказиши.

Талабнома берувчи патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан икки ой мобайнида талабномада курсатилган саноат мулки объектининг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда унга

аниқликлар ёки қўшимча материаллар киритиш ҳуқуқига эга.

Белгиланган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига сўров юборилиб, унда шу сўров йўлланган санадан эътиборан 3 ой ичида тузатишлар киритилган ёки етишмаётган материалларни тақдим этиш таклиф этилади. Мабодо талабнома берувчи сўралган материалларни ёки белгиланган муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўрсатилган муддатда тақдим этмаса, патент бериш ҳақидаги талабнома чақириб олинган ҳисобланади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар патент божи тўланган тақдирда кўрсатилган муддат ўтгандан кейин ҳам, лекин патент бериш ҳақидаги қарор чиқарилгунга қадар тақдим этилиши мумкин.

Саноат мулки объекти бирлиги талаблари бузилган ҳолда топширилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига тегишли сўров унга юборилган санадан эътиборан 3 ой муддат ичида ушбу объектлардан қайси бири куриб чиқилиши лозимлигини хабар қилиши, ҳамда тегишли бўлган талабнома ҳужжатларига аниқликлар таклиф қилинади. Дастлабки талабнома материалларига киритилган бошқа объектлар алоҳида талабномаларга ажратилиши мумкин. Мабодо талабнома берувчи ушбу объектлардан қайси бирини куриб чиқиш зарурлигини хабар қилмаса ва аниқлик киритилган материалларни тақдим этмаса, ихтиро, фойдали модел формуласида ёки саноат намунаси тавсифида биринчи қилиб кўрсатилган объект экспертизасидан ўтказилади.

Давлат экспертизаси сўрови бўйича материалларни тақдим этишнинг талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлари, белгиланган муддатларни узайтириш муқаррарлигини тақазо этган сабаблар тасдиқланган ва патент божи тўланган тақдирда, Патент идораси томонидан қайта тикланиши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддатларни қайта тиклаш тўғрисидаги илтимоснома талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддат тутаган кундан бошлаб кўпи билан 12 ой ичида топширилиши мумкин.

Талабнома берилган саноат мулки объекти тегишли давлат реестрида давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар давлат экспертизасининг исгалган босқичида патент бериш ҳақидаги талабномани чақириб олиши мумкин.

Патент бериш ҳақидаги талабнома материалларидаги маълумотлар Патент идораси томонидан сир сақланиши керак ва улар ҳақидаги ахборот талабнома берувчининг ёки патент эгасининг розилигисиз берилмайди. Талабнома материалларидаги ахборотни саноат мулки объекти рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги маълумотлар расмий равишда эълон қилингунга қадар ошкор этганлик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Патент идораси томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилиб олинган патент бериш ҳақидаги талабномалар, талабнома берувчига қайтарилмайди.

3.2.8. Расмий экспертиза ўтказиш тартиби

Расмий экспертиза патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан бошлаб 2 ой ўтгандан кейин Патент идораси томонидан ўтказилади. Талабнома берувчи илтимосномасига биноан расмий экспертиза курсатилган муддат ўтмасданоқ бошланиши мумкин. Бу ҳолда талабнома берувчи илтимоснома топширилган пайтидан бошлаб қўшимча патент божига туламасдан талабнома материалларига ўз ташаббуси билан қўшимчалар, тузатишлар ва аниқликлар киритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Расмий экспертизаси мобайнида тақдим этилган таклифнинг ҳуқуқий муҳофаза таъминланадиган саноат мулки объектларига қай даражага мувофиқлиги кўриб чиқилади. Расмий экспертиза натижалари

бўйича Патент идорасининг қарори талабнома берувчига маълум қилинади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарор кборилган санадан эътиборан 3 ойлик муддат ичида Апелляция кенгашига апелляцияга бериши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан 12 ойлик муддат ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан 6 ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

Фойдали модель ҳақидаги талабнома экспертизаси тартиби

Патент идораси патент божи туланган тақдирда фойдали модель ҳақидаги талабномани экспертизадан ўтказади. Патент божи расмий экспертизанинг талабнома кўриб чиқишга қабул қилингани тўғрисидаги қарори талабнома берувчига юборилган санадан эътиборан 3 ой ичида туланиши мумкин. Курсатилган муддат ўтказиб юборилган тақдирда талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

Экспертиза ўтказилаётганда талабномада кўрсатилган объектнинг юқорида айтилган патентга лаёқатлилиқ шартларига мувофиқлиги текширилади.

Экспертиза натижасида талабнома фойдали моделлар сифатида муҳофаза қилинадиган объектларга тааллуқли бўлмаган таклиф тўғрисида эканлиги аниқланса, патент беришни рад этиш ҳақида қарор чиқарилиб, талабнома берувчи бундан хабардор қилинади.

Талабнома экспертизаси натижасида фойдали модель ҳақидаги талабнома материалларга қўйилган талабларга мос эканлиги аниқланса, Патент идораси фойдали моделга патент бериш тўғрисида қарор қабул қилади, талабнома берувчи бундан хабардор этилади.

Фойдали модель сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг патентга лаёқатлилиқ шартларига мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда фойдали моделга патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, талабнома берувчи бундан хабардор этилади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарор юборилган санадан эътиборан 3 ойлик муддат ичида Апелляция кенгашига апелляция бериши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан 2 ойлик муддат ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан 6 ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

3.2.9. Моҳият бўйича экспертиза ўтказиш тартиби

Патент идораси патент божи туланган тақдирда моҳият бўйича экспертиза ўтказади. Патент божи расмий экспертизанинг патент бериш ҳақидаги талабнома кўриб чиқишга қабул қилингани тўғрисидаги қарори талабнома берувчига юборилган санадан эътиборан 3 ой ичида тўланиши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтказиб юборилган тақдирда талабнома чақириб олинган ҳисобланади.

Моҳият бўйича экспертиза ўтказиш натижасида талабнома берувчи таклиф қилган ихтиро сифатидаги талабномада таклиф қилган формула билан ифодаланган ихтиро сифатида талабномада кўрсатилган объект, муҳим белгилар мажмуи сифатида ифодаланган саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект эса белгиланган талабларга мослиги аниқланса, Патент идораси патент бериш ҳақида қарор қабул қилади.

Ихтиро ёки саноат намунаси сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг патентга лаёқатлилиқ шартларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда патент беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарор юборилган санадан эътиборан 3 ойлик муддат ичида Апелляция кенгашига апелляция бериши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан 4 ой ичида уни куриб чиқиши лозим.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан 6 ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

3.3. Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номи- ни ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатга олиш учун талабнома бериш тартиби

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома ҳуқуқий ёки жисмоний шахс тамонидан (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) Патент идорасига берилади.

Жамоавий белгини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома ҳуқуқий ва жисмоний шахслар бирлашмаси номидан бирлашма қатнашчиларининг жамоавий белгидан фойдаланиш туғрисидаги келишувига мувофиқ берилади.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берилган сана мазкур талабнома Патент идорасига келиб тушган санага қараб белгиланади.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома, агар унда бир неча товар кўрсатилган бўлса, талабнома берувчининг илтимосномасига кўра дастлабки талабнома берилган сана сақланган ҳолда икки ёки бир неча талабномага ажратилиши мумкин.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабнома бир товар белгисига ёки товар келиб чиққан бир жой номига тааллуқли бўлиши лозим.

Талабномада қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

- товар белгиси сифатида белгини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

- талабномада курсатилган белгининг тасвири;

белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифига мувофиқ гуруҳланган, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарларнинг рўйхати;

- товар ишлаб чиқарилган жойни жуғрофий объект чегарасида курсатган ҳолда товар келиб чиққан жой номини ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар турининг номи, ҳамда унинг алоҳида хусусиятлари тавсифи.

Талабномага қуйидагилар илова қилиниши зарур:

- талабнома берганлик учун патент божи туланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- талабнома патент вакили орқали берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси;

- талабнома берувчининг зикр этилган жуғрофий объектда жойлашганлигини ва алоҳида хусусиятлари мазкур жуғрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан боғлиқ товар ишлаб чиқаришини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- чет эллик талабнома берувчининг товар келиб чиққан жойнинг талабномада ифодаланган номидан товар келиб чиққан мамлакатда фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш

ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатларга тааллуқли талаблар Патент идораси томонидан белгилади.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш Патент идораси томонидан амалга оширилади, ҳамда расмий экспертизадан ўтказишдан ва талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказишдан иборат бўлади.

Талабнома берувчи товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш даврида бу талабнома юзасидан қарор қабул қилингунига қадар ўз ташаббуси билан талабнома материалларини тузатиш, аниқлаштириш ёки талабнома моҳиятини ўзгартирмайдиган маълумотлар билан тўлдиришга ҳақли.

Давлат экспертизасини ўтказиш жараёнида қўшимча материалларсиз экспертиза ўтказиш мумкин бўлмаса, Патент идораси талабнома берувчидан бундай материалларни сўраб олишга ҳақли.

Давлат экспертизасининг сўровига биноан қўшимча материалларни талабнома берувчи сўров жўнатилган санадан эътиборан уч ой мобайнида тақдим этмоғи лозим. Талабнома берувчининг илтимосига кўра мазкур муддат кўпи билан олти ойга узайтирилиши мумкин.

Талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлар талабнома берувчининг мазкур муддат тугагандан кейин кечи билан икки ой ичида берган илтимосномасига биноан Патент идораси томонидан тикланиши мумкин.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш

ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмий экспертизадан ўтказиш талабнома Патент идорасига берилган санадан эътиборан ўттиз кунлик муддат ичида амалга оширилади.

Расмий экспертизадан ўтказиш жараёнида товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабноманинг мазмуни, зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги, шунингдек уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади. Талабнома берувчига расмий экспертиза натижаларига биноан Патент идорасининг талабномани кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисидаги ёки қабул қилишни рад этиш ҳақидаги қарори маълум қилинади.

3.4. Талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказиш тартиби

Талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказиш товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарорга мувофиқ, талабнома берилган санадан эътиборан тўттиз ой мобайнида Патент идораси томонидан амалга оширилади.

Экспертизадан ўтказиш чоғида талабномада ифодаланган белгининг товар белгисини экспертиза қилишда амалдаги Қонун қоидаларига, товар келиб чиққан жой номини экспертиза қилиш ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда эса, амалдаги Қонуннинг қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Экспертиза натижаларига биноан Патент идораси товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини

руйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида ёки уларни руйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади, талабнома берувчи бу ҳусусда хабардор қилинади..

Патент идорасининг товар белгисини руйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарори амалдаги Қонуннинг қоидаларига мувофиқ санасига кўра устуворликка эга бўлган талабнома тушганлиги муносабати билан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан шикоят бериш тартиби

Талабнома берувчи Давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан Патент идорасининг Апелляция кенгашига қарор қабул қилинган санадан эътиборан 3 ой мобайнида шикоят беришга ҳақли.

Давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан Апелляция кенгашига шикоят бериш тартиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Талабнома берувчи Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан 6 ой мобайнида судга шикоят беришга ҳақли.

3.5. Рационализаторлик таклифларини аниқлаш ва расмийлаштириш тартиби

Техникавий счим рационализаторлик таклифи деб тан олинади, агар буюм конструкцияси, ишлаб чиқариш технологияси, материал (модда) таркибини яратиш ёки ўзгартириш кўзда тутилса, булар тавсия этилган корхона учун янги ва фойдали, шунингдек меҳнат, хом ашё, ёқилғи-энергетика ва бошқа моддий ёки молиявий ресурсларни тежашга имкон берувчи корхона учун янги ташкилий счим ҳисобланади.

Фойдаланиш муайян вазифани бажаришда ЭХМ машина вақтини тежашга, шунингдек ЭХМ билан

қушилиб ишловчи ускуна самарадорлигини оширишга олиб келувчи корхона учун янги алгоритм, ЭХМ учун янги дастурдан иборат таклифлар рационализаторлик таклифи ҳисобланади.

Белгиланган шаклда ариза берилгунга қадар берилган корхона учун янги бўлган мазкур ечим ёки айни шундай ечим корхонада ундаги манбаларга кўра амалга ошириш учун етарли бўлган даражада маълум бўлмаса, бундай ечим корхона учун янги ҳисобланади.

Ечим корхонага иқтисодий ёки бошқа ижобий самара берса, у фойдали ечим деб тан олинади.

Қуйидагилар рационализаторлик таклифи ҳисобланмайди:

- шартли белгилар, ҳоидалар, меъёрий-услубий материаллар;
- маҳсулотнинг олдиндан аниқланган мустақамлигини, узоқ ишлаш вақтини ва бошқа сифатларини камайтирадиган ёки меҳнат шароитини ёмонлаштирувчи ечимлар;
- буюмнинг фақат ташқи кўринишига тааллуқли ечимлар;
- хизмат вазифасини ёки шартномавий ишларни бажариш шароитида илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик, технология ташкилотларининг ҳамда корхоналарнинг ана шундай бўлинмаларининг муҳандис-техник, илмий ходимлари яратган ечимлар.

Ошкор этилиши давлат манфаатларига зарар етказувчи рационализаторлик таклифлари махфий сақланиши керак.

Рационализаторлик таклифига муаллифлик ҳуқуқи рационализаторлик таклифини ўз меҳнати билан яратган фуқарога тегишли бўлади.

Рационализаторлик таклифини яратишда бир неча фуқаро қатнашган бўлса, уларни барчаси ана шу

рационализаторлик таклифининг ҳаммуаллифи ҳисобланади.

Рационализаторлик таклифининг муаллифига фақат техникавий, таъкилий ёки моддий ёрдам курсатган ёхуд рационализаторлик таклифига бўлган ҳуқуқни расмийлаштириш ва ундан ишлаб чиқаришда фойдаланишга кўмаклашган фуқаролар ҳаммуаллиф деб тан олинмайди.

Рационализаторлик таклифи ҳаммуаллифларига тегишли ҳуқуқдан фойдаланиш тартиби улар ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади.

Рационализаторлик таклифи муаллифига гувоҳнома берилади, у баён қилинган ечимни рационализаторлик таклифи деб тан олиншини, рационализаторлик таклифи муаллифлигини, рационализаторлик таклифининг устуворлигини тасдиқлайди.

Муаллифга рационализатор гувоҳномасини бериш, унинг биринчи таклифи рационализаторлик деб тан олинган кундан бошлаб бир ой ичида амалга оширилади. Мазкур муаллифнинг кейинги рационализаторлик таклифлари ҳақидаги маълумот навбатдаги таклиф рационализаторлик деб тан олинган кундан бошлаб бир ой ичида мазкур гувоҳномага ёзиб қўйилади.

Рационализаторлик гувоҳномасига асосан муаллифлик ҳуқуқи ечимни рационализаторлик таклифи деб тан олувчи корхона миқёсида амал қилади.

Таклиф рационализаторлик таклифи сифатида тан олинishi учун муаллиф ёзма ариза беради.

Рационализаторлик таклифи аризаси мазкур таклиф фаолиятига тааллуқли корхонага берилади.

Фойдаланишдан корхона иқтисодий ёки бошқа ижобий самара олиши мумкин бўлса, таклиф корхона фаолиятига тааллуқли бўлади.

Рационализаторлик таклифига ариза фақат битта ечимга тааллуқли бўлиши керак.

Рационализаторлик таклифига ариза ечим моҳиятининг тавсифи, шунингдек уни амалда татбиқ

этиш учун етарли бўлган маълумотларни ўз ичига олган бўлиши шарт.

Рационализаторлик таклифи устуворлиги рационализаторлик таклифи аризаси корхонага тушган кундан белгиланади.

Мазкур таклифга аризани белгиланган тартибда ким биринчи бўлиб берган бўлса, устуворлик шу муаллифга тегишли деб тан олинади.

Рационализаторлик таклифига ариза корхона томонидан кўриб чиқилади. Тан олишлик ариза тушган кундан бошлаб бир ой ичида бу таклиф рационализаторлик деб тан олиниши ёки рад этилиши керак.

Рационализаторлик таклифини кўриб чиқиш тартиби, шунингдек у бўйича қарор қабул қилиш корхона раҳбари томонидан белгиланади.

Қабул қилинган қарор муаллифга у қабул қилинган кундан бошлаб беш кун ичида маълум қилиниши лозим.

Таклиф бўйича тажриба текшируви ўтказиш ёки тасдиқланган меъёрий ёки техникавий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш учун рухсат олиш талаб этилган тақдирда муддатни ҳисоблаш, тажриба текшируви ёки рухсат олиш учун зарур бўлган вақт мобайнида тўхтатиб турилади.

Таклиф рационализаторлик деб тан олиш ҳақидаги қарор уни рационализаторлик таклифи деб тан олиш учун қабул қилинган Низомда белгиланган талаблар бузилган тақдирда бу таклиф учун мукофот берилгунга қадар корхона раҳбари томонидан бекор қилиниши мумкин.

Таклифни рационализаторлик деб тан олиш рад этилган қарор билан танишилган тақдирда ёки таклифни рационализаторлик деб тан олиш ҳақидаги қарор қабул қилинганидан норози бўлган муаллиф қарорни олган кундан бошлаб икки ойлик муддат ичида шикоят қилиши мумкин.

Таклифни рационализаторлик деб тан олишни рад этиш ёки таклифни рационализаторлик деб тан олинган қарор бекор қилиниши устидан берилган **шикоятни кўриб чиқиш учун** корхонада маъмурият вакиллари, мутахассислар ва Ўзбекистон Республикаси ихтирочилар ва рационализаторлик жамияти бошланғич ташкилоти вакилларида иборат рационализаторлик баҳслари бўйича комиссия тузилади.

Муаллиф ўз шикояти кўриб чиқиляётганда иштирок этиши мумкин. Шикоят тушган кундан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқилиши лозим.

Комиссиянинг қарори қатъий ҳисобланади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар ва топшириқлар

1. Интеллектуал мулк объектлари янги техникавий ечимини излаш усули нимадан иборат?
2. Ихтирони аниқлаш жараёни қандай босқичлардан ташкил топади? Босқичлар моҳияти нимада?
3. Ихтиро формуласини тузиш усулини тунтиринг.
4. Ихтиро формуласига қандай талаблар қўйилади?
 - ихтиро номига;
 - ихтиро формуласининг чекловчи қисмига;
 - ихтиро формуласининг фарқловчи қисмига;
 - ихтиронинг кўп бўлинли формуласига.
5. Ихтиро формуласидаги белгиларни тавсифлашдаги алоҳида ҳолатларни сўзлаб беринг.
6. Усул, модда, қурилма учун ихтиро формуласини тузишнинг ўзига хос томонларини сўзлаб беринг.

7. Германия Федератив Республикаси, АҚШ, Англия, Японияда патент формуллари қандай тузилади.
8. Рационализаторлик таклифи нима?
9. Нима рационализаторлик таклифи деб тан олинмайди?
10. Рационализаторлик таклифи муаллифи бўлиш ҳуқуқи кимга тегишли бўлади?
11. Рационализаторлик таклифи қандай рас- мийлаштирилади?

4-Боб. Чет элда патентлаш. Лицензион шартнома хақида тушунча

4.1. Саноат мулкани чет элда патентлашнинг мақсади ва вазифаси

Патентлаш - Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари, корхоналари, айрим фуқароларининг чел эл патентлари ва бошқа тегишли муҳофаза ҳужжатларини ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарига олиш мақсадида, шунингдек товар белгиларини амалга ошириладиган барча ишлар мажмуи

Мамлакатдаги Саноат мулкларини чел элда патентлашнинг умумий мақсади мамлакатдаги фан ва техника ютуқларидан патент эгасининг розилигисиз чет эл фирмалари фойдаланишидан ҳимоя қилишдир:

1.Саноат маҳсулоти экспорт ҳимояси. Экспорт объектларида фойдаланиладиган Саноат мулкларини муваффақиятли патентлаш мазкур объектларнинг рақобатбардошлигини оширади. Уларга талаб ошади, патент билан муҳофазаланган товарларни анча юқори нархларда сотиш имкони юзага келади, валютаси фойдали бўлган мамлакат танланади, ташқи бозорда мустаҳкам ўрин эгалланади.

2.Чет мамлакатларга бутловчиларни етказиб бериш ҳимояси. Патентли саноат мулкларини мана шундай объектлар учун мазкур етказиб берувчилар патент муҳофазасини таъминлайди.

3.Саноат мулкларидан фойдаланиш учун лицензиялар сотиш. Лицензион ҳуқуқий муносабатлар моҳияти шундайки, ҳуқуқлар берилади ва лицензион битимга киришувчи томонлар – Лицензиат (харидор) ва Лицензиар (сотувчи) ўртасида муносабат юзага келади. Патентлашган саноат мулкларидан фойдаланиш учун лицензия сотиш шартнома (лицензион шартнома)

асосида расмийлаштирилади, унга кура патент эгаси Лицензиатга саноат мулкларидан фойдаланишга ижозат беради. Маҳсулотни экспорт қилиш халқаро савдодаги мавжуд чекловлар туфайли фойдасиз бўлиб қолган ҳолларда лицензион шартномадан фойдаланилади.

4.Патентларни айирбошлаш. Ўзбекистон ташкилотлари ва чет эл фирмалари ўртасида кенг қўламдаги илмий-техникавий ва иқтисодий шартномалардан кўзда тутилиши мумкин. Айирбошлаш мажбурий бўлиши ҳам мумкин, бунда патент ҳуқуқларига зид келиб қолади, бундай ҳол турли талабномачиларга икки ва ундан ортиқ патент берилганда, шулардан битта патент – асосий, бошқаларидан фойдаланиш унча боғлиқ бўлмаганда юзага чиқади.

5.Ишлаб чиқаришни блокировкалаш. Купчилик ривожланган мамлакатларнинг фирмалари саноат мулкларини муайян тармоқда ишлаб чиқариш ривожининг тўхтатиш учун саноат мулкани патентлаштиради. Улар патентлашган саноат мулкани ўз корхоналарида қўламайдилар ва бошқа фирмалар саноат мулкларидан белгиланган муддат ичида фойдаланишларига рухсат бермайдилар.

Саноат мулкларини чет элда патентлаш муаллиф ёки талабнома берувчи тавсияси асосида амалга оширилади.

Саноат мулкларини патентлаш бўйича иш олиб бораётган ташкилот патентлаштирувчи ҳисобланади.

Патентлаштирувчи ташкилот патент бериш учун талабнома материаллари, ихтиро учун бошқа муҳофаза ҳужжатларини тайёрлашни таъминлайди ва мазкур саноат мулклари бўйича ҳуқуқий муҳофазага тааллуқли кейинги ишларни амалга оширади.

Саноат мулкларини чет элда патентлаш учун материалларни тайёрлаш патентлаштирувчи ташкилот амалга оширади.

Мамлакатнинг патентлаш қонунчилиги талабларига мувофиқ муҳофаза ҳужжатлари берилишига та-

лабнома тузишда, саноат мулкани тавсифларини чет тилларга таржима қилишда, патентлаш учун Патент вакиллар саволларига жавоб тайёрлашда ташкилотларга ёрдам кўрсатиш ва чет эл патент идораларини қарорларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси хўжалик ҳисоби асосида бажаради.

Чет элдаги саноат мулкларини патентлаш бўйича ишлар Ўзбекистон Республикаси Патент идораси орқали ўтади. Бунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва ташкилотлари учун патент олишга ваколатланган вазифасини бажаради, талабномачи ҳуқуқий тавсифдан ҳужжатлар (далолатнома, берганлик ҳужжатлари ва б.) ни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатади, талабномани чет элга жўнатади, чет эл патент идораси билан (чет элдаги патент олишга Патент идорасининг ишончли вакиллар орқали) алоқани амалга оширади, Патент идораси қарорлари, патент олишга ваколатланган Патент идорасининг вакилларининг сўровини ва таржимасини таъминлайди, бу қарор ва сўровларга жавоблар тайёрлашга, шунингдек мамлакатлар патент маъмурий, апелляция ва бошқа идораларида мамлакат саноат мулкларини бўйича ишлар кўрилишида ёрдамлашади.

4.2. Чет элда патентлаш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби

Патентлаштирувчи ташкилот, саноат мулкларини чет элда патентлаш туғрисида қарор қабул қилса, агар конвенциявий устуворлик талабномаси учун ёки бошқа вазиятларга кўра бундан кўра қисқароқ вақт талаб этилмаса, саноат мулк тавсифини (унинг тушунтирувчи чизмасини) тайёрлайди.

Саноат мулкларини патентлашга мўлжалланаётган мамлакатнинг патент қонунчилиги қўяётган талабларга мувофиқ тавсиф ўзбек ва тегишли чет тилида тайёрланади. Бу тавсиф етарли нусхада

купайтирилади ва жунатишдан олдин Ўзбекистон Республикасининг Патент идорасида саноат мулкнинг тавсифи ва чизмалари чет элда патентлаш хизмати билан келишиб олинади.

Саноат мулк тавсифи аниқ бўлиши, унда саноат мулкнинг моҳияти етарлича тулиқ очиб берилиши, зарур ҳолда, чизмага ва зарур миқдорда мисолларни ўз ичига олиши керак

Чет элда патентлаш учун талабнома материалларини тайёрлаш ва расмийлаштиришда қийинчилик сезган ташкилотларга зудлик билан Патент идорасига мурожаат этиш тавсия этилади.

У уч ойлик муддатда бу ишларни зарур ҳолларда, мутахассисларни шунингдек патентлаштирувчи ташкилот вакиллари (саноат мулк муаллифлар) ни жалб қилади. Агар чет элда патентлаш учун тавсия тайёрлашда унга илгари патентлашга тавсия этилмаган патентни илова қилиш зарурати юзага келса, унда мамлакат Саноат мулкларини чет элда патентлаш тартиби туғрисидаги курсатмаларга мувофиқ бу саноат мулкларига иловалар тақдим этилиши керак.

Чет элда патентлаш учун тайёрланган талабнома материалларини Патент идораси келишиб олиш учун патентлаштирувчи ташкилотга юборади, у бир ой ичида муаллифлар билан талабнома материаллари келишилганлигини таъминлайди ёки ўз мулоҳазаларини баён этиб, Патент идорасига қайтаради. Агар ташкилотдан белгиланган муддатда ҳеч қандай маълумот келмаса, Патент идораси материални келишилган деб ҳисоблайди.

Ҳар қандай вазиятда ҳам талабнома материалларини келишиб олиш билан боғлиқ ишлар конвенция устуворлигини йўқотишга сабаб бўлмаслиги лозим.

Патентлаштирувчи ташкилот, махсус сўровни қутмай, саноат мулкларини патентлаш ҳақидаги қарорни олган кундан бошлаб бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Патент идорасига муаллифлар, талабномачилар, ҳақидаги барча маълумотларни ихтирони патентлаш бўйича чел элда иш олиб бориш ва расмийлаштириш учун тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси саноат мулкларини патентлаш учун чет эл патент идораларига талабномани Ўзбекистон Республикаси Патент идорасига жунатади ва улар билан ёзишмалар олиб боради.

4.3. Техника объектларининг патентга лойиқлигини ва патент софлигини аниқлаш тартиби

Саноат мулкларини патентлаш билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалари ривожланиши муносабати билан патент тавсифидаги бошқа масалалар ҳам юзага келади. Шулардан бири, Ўзбекистон Республикаси саноат маҳсулотлари (машина, қурилмалар) нинг, шунингдек технология жараёнининг патент софлигини аниқлаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси корхоналари чиқараётган буюмлар учун патент софлигини таъминлаш зарурати мамлакат ускуналарини экспорт қилиш билан боғлиқ тарзда юзага келмоқда. Бундан ташқари чел элда корхоналар қурилишига техникавий ҳамкорлик қилиш ва чел эл фирма ҳамда ташкилотларининг Ўзбекистон Республикасига берадиган патентлари сонининг кўпайиши туфайли ҳам шундай зарурат пайдо бўлмоқда. Патент софлиги – патент эгасининг ҳуқуқий объекти билан боғлиқ тушунча. Патент эгаси ҳуқуқининг бузилиши бир қатор мамлакатларда товарларни ушлаб қолиш, жарима солиш, баъзан эса қамоққа олишгача олиб келади. Патент эгаси, шундай қоидабузарлик туфайли кўрган зарарини қоплашни талаб этиши мумкин.

Қурилмалар, машиналар, ишлаб чиқариш усуллари ёки қандайдир бошқа объектлар қайси мамлакатда амал қилаётган патентга хилоф бўлмаса, шу мамлакатда патент соф ҳисобланади

Патент софлиги тушунчасини патентга лойиқ тушунчаси билан аралаштирмаслик лозим. Ўртадаги фарқ аввало шундан иборатки, “патент софлиги” атамасини моддий объектлар (машина, қурилмалар ва ҳ.к.) га тааллуқли, “патентга лойиқ” атамаси эса техникавий ечимга тегишли. Патент софлиги деганда, муайян буюм бегона патент таъсири остига тушиб қолмаслиги назарда тутилади.

Патент софлигига эга буюм бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган патентларга хилоф бўлмайди, шунинг учун унга нисбатан бошқа патент эгалари томонидан ҳеч бир даъво бўлмайди. Агар буюмдаги техниканий ечимга патент олиш мумкин бўлса, унда бу ечим патентга лойиқ ҳисобланади.

Патент софлиги ва патентга лойиқлик масаласи бир вақтда юзага келиши мумкин, лекин уларнинг моҳияти ҳар хил. Шундай қилиб, патент софлиги техника объектининг ҳуқуқий хоссаси бўлиб, у мазкур мамлакатларда амал қилувчи патентлар мутлақ ҳуқуқи учинчи шахсга тааллуқли деган хавфдан ҳоли, эркин фойдаланиш мумкинлигидан иборатдир. Патент софлиги қандайдир бир мамлакатга нисбатан ёки бир неча мамлакатларга нисбатан таъминланиши мумкин. Саноат мулкларига бўлган ҳуқуқнинг ҳудудий тавсифига кўра, қандайдир техника объекти (буюм) патенти, масалан, АҚШда берилган патент таъсири остида бўлиши мумкин, шу билан бирга Ҳиндистонга нисбатан патент софлигига эга бўлиши мумкин.

Патент софлигини аниқлаш, у ёки бу мамлакатда берилган патентнинг амал қилиш муддати билан ҳам боғлиқ. Буюмлар патент софлигига эга бўлади, гарчи

улар муддати утган патент таъсири остида бўлса ҳам. Патент софлигига эга бўлмаган маҳсулот, ҳужжатларни бериш Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ўз зиммасига олган мажбурият бузилишига эмас, балки моддий зарар кўришга, айрим жиддий ҳолларда ташқи савдо шартномалари бузилишига ҳам олиб келади. Экспортчи мамлакатда саноат намунаси патенти таъсири остида буюм ҳам патент софлигига эга бўлмайди.

Патент софлигини корхоналар – маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотлари томонидан махсус экспертиза ўтказиб аниқланади.

Патент софлиги экспертизаси (патент софлигини текшириш) мазкур объекти муайян мамлакатга (ёки бир неча мамлакатга) сотиш (фойдаланиш) мумкинлигини аниқлайди ва бундай сотишни учинчи шахс патентга ҳилоф эмаслигини таъминлаш чораларини белгилайди. Бу мазкур мамлакатда амал қилувчи барча мутлақ ҳуқуқни объектга алоқаси бўлган патентларни излаш, уларни таҳлил қилиш, шунингдек, мазкур объектни тегишли мамлакатга тўсқинсиз сотишга имкон берувчи вазиятларни урганишдан иборатдир.

Патент софлиги патент (янгича номи ақлий мулк) бўлимлари ходимларининг услубий ёрдамида мазкур объектни бевосита ишлаб чиқувчи ва унинг барча ўзига ҳосликларини яхши билувчи конструкторлар, лойиҳачилар, технологлар томонидан текширилади

Объектларни патент софлигини текшириш қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- *натижаси тайин техникавий ечим бўлган илмий-тадқиқот ёки тажриба конструкторлик ишлари якунланганда;*

- объектларни ишлаб чиқарилганда ёки сезиларли даражада такомиллаштирилганда;
- объектлар лойиҳаланганда, Ўзбекистон Республикаси ҳамкорлигида қурилаётган заводлар, фабрикалар, шахталар, электростанциялар, темир йўллар ва булар учун бутловчи жиҳозлар етказиб беришда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуриш мўлжалланаётган иншоотлар, корхоналар ва бошқа капитал қурилиш объектлари учун етказиб беришда;
- объектларни экспортга етказиб беришда;
- Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари техникавий ҳужжатларни чет элга беришида;
- мамлакат илмий-техникавий ютуқлари учун чет эл фирмаларига лицензиялар сойтишда;
- янги стандартлар ишлаб чиқиш ва мавжудларини қайта кўриб чиқишда;
- Ўзбекистон Республикасида ёки чет эл ярмаркаларида объектларни кўргазмасини ўтказишда.

Патент софлиги таъминлаш учун масъулият буюм ёки ҳужжатларни ишлаб чиққан корхона ва ташкилотлар зиммасидадир. Тармоқлардаги четга сотиш учун мўлжалланган машиналар, ускуналар, жиҳозлар, материаллар ва технологик жараёнлар патент софлигини таъминлашни ташкил этиш вазирлик ва муассасаларнинг вазифасига киради.

Вазирлик ва муассасаларда патент софлигига текширилиши лозим бўлган машина, ускуналар, жиҳозлар, материаллар ва технологик жараёнларнинг рўйхати тузилади.

Патент софлигига текшириш ҳақидаги хулосани ўз вақтида тузиш корхона ва ташкилотларнинг мажбуриятларидан ҳисобланади. Ана шу хулосалар ва

бошқа материаллар асосида вазирлик экспортни амалга оширувчи ташқи савдо ташкилотлари, шунингдек асосий етказиб берувчилар эътиборига, энг аввало, патент софлигига эга бўлмаган машиналар, ускуналар, жиҳозлар, ҳужжатлар ва ҳқлар ҳақидаги маълумотни етказади. Вазирлик шундай объектларни етказиб бериш мумкинлиги, ҳақида ўз таклифини билдиради. Бироқ, у ёки бу буюмни у ёки бу мамлакатга етказиб бериш мумкинлиги ҳақидаги масалани ҳал этиш мутлақо ташқи савдо ташкилотлар зиммасидадир, улар бу масалани етказиб беришни муайян шартлари (етказиб бериш ҳажми, тижорат конъюктураси ва бошқа шартлар) га боғлиқ ҳолда ҳал этадилар.

Чет элга техника объектини етказиб бериш учун, буюртма ташқи савдо бирлашмалари ёки бош етказиб берувчи, патент софлигига эга бўлмаган шундай объектни олувчи мамлакатга, етказиб бериш ҳақидаги қарорни қабул қилади ва мазкур ҳолда чет элда мазкур объектни сотишда учинчи шахс патентига хилофлик мумкинлиги билан боғлиқ оқибат учун масъулиятни ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикасида чиқариладиган барча маҳсулотларга нисбатан текширув ва патент софлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Буни хорижлик талабномачиларга бериладиган мамлакатимизда амал қилувчи патентлар миқдори оширилти, Ўзбекистон Республикасида патент эгалари фойдаланадиган ҳуқуқлар билангина эмас, балки Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш учун мўлжалланган маҳсулот объекти билан ҳам тушунтирилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси патент эгасининг ҳуқуқи бузилган тақдирда унинг даъвоси кўлами чиқарилган маҳсулот ҳажми ва қийматига боғлиқ бўлади.

Патент софлигининг экспертиза услубига энг умумий тарзда тўхталиб ўтамиз. Одатда, объектларнинг патент софлигини аниқлаш экспертизаси буйича барча ишлар уч босқичга бўлинади: биринчиси, бўлажак экспертиза режасини шакллантириш; ик-

кинчиси, патентларни излаш, уларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; учинчиси, таҳлил асосида хулоса чиқариш ва тавсиялар берилуви якуний босқич.

Экспертизанинг биринчи босқичи қуйидаги саккиз қисмдан иборат:

1. Шартни баҳолаш ва мазкур объектни самарали текшириш услубини танлаш. Бунинг учун аввало қуйидагилар аниқланади:
 - текширув объекти ўзи нимадан иборат;
 - агар гап экспорт ҳақида ёки техникавий ёрдам курсатиш ва бошқа хусусида бўлса барча, битим-шартлари қандай бўлади;
2. Қайси мамлакатга нисбатан текширув ўтказилаётган бўлса, уша мамлакат патент қонунчилигининг ўзига хос томонларини ўрганиш. Тегишли мамлакатда қандай қонун амалдалиги, бу мамлакатда қандай объектга патент берилмайди, янгиликка қандай талаб қўйилади, патент амал қилиш муддати аниқланади.
3. Патент софлигига текширилаётган техникавий ечимни танлаш. Патент фонди бўйича қандай ечим текширишни талаб этади, қандай, объект учун аҳамиятлилигига қарамай, ўзларига маълум бўлгани туфайли текширувга эҳтиёж йўқлигини аниқлаш лозим.
4. Патент софлигига текшириш лозим бўлган бутловчи буюмларни танлаш.
5. Текширувчи объект учун техникавий ҳужжатларни саралаш.
6. Тасниф руқнларини белгилаш. Патент қидируви ўтказилиши лозим бўлган халқаро ва миллий саноат мулкларини тасниф тизимининг руқнлари рўйхатини тузиш зарур.
7. Патент ҳужжатларини танлаш. Текширилаётган объектга тааллуқли барча амалдаги

патентлар билан танишиш имконини берувчи патент ҳужжатлар турини белгилаш.

8. *Экспертиза дастурини шакллантириш ва келишиш.* Объект тавсиясига боғлиқ тарзда ҳамма кўриб чиқилган босқичлар ҳам текширилавермайди.

Экспертизанинг иккинчи босқичи қуйидаги беш қисмни ўз ичига олади.

1. *Текширилаётган объектга тааллуқли патентларни излаш* олиб борилаётган текширувга алоқадор бўлган мамлакат патент фондидан текширилаётган объектга тааллуқли барча амалдаги патентлар аниқланади.
2. *Кейинги тадқиқот учун патентларни мунтазамлаштириш ва саралаш.* Мунтазамлаштириш турли белгилар бўйича амалга оширилади, улар ўз кучини йўқотдими йўқми — текширилади.
3. *Танлаб олинган патентларни муфассал таҳлил қилиш.* Экспертизанинг энг масъулиятли ва мураккаб бу босқичини белгилашдан мақсад танланган патентнинг амалдаги қандайдир белгилари саноат мулк формуласига киритилганлар таъсир доирасига тушишлигини аниқлаш ва уларни текширилаётган объект белгилари билан қиёслашдир.
4. *Патент-аналог излаш ва уни таҳлил қилиш.* Бу жараёнда мамлакат имкони бўйича текширилаётган объект патент софлигига эга эмаслиги белгиланади.
5. *Халақит берувчи патентларни бериш қонунийлиги ва улар фаолиятини текшириш.* Зарур ҳолларда халақит берувчи патентни рад этиш имкони, уни яроқсизга чиқариш ёки бекор қилишни аниқланади. Масалан, етказиб бериладиган мамлакат А патентга эга. У бизнинг экспорт объектимизга нисбатан патент софлигига ҳам эга. Бироқ, Ўзбекистон Респуб-

ликасида берилган, мазкур саноат мулкани ёки унинг қисмини патент сингари муҳофаза қилувчи гувоҳнома мавжудлиги аён бўлади. Устига-устак мазкур патент эълон қилиш патент А устуворлиги санасидан аввал амалга оширилган. Бундай пайтда патент А тўлиқ ёки қисман потўғри берилган деб хулоса чиқариш мумкин. Малакали текширишдан сўнг патент А шундай патентга мос келганлиги учун, агар патент эгаси ўз даъвосини қониқтиришликни қатъий талаб этса, патент берилган мамлакатда уни рад этиш масаласини қўйиш мумкин. Бунда, яна шуни эътиборга олиш керакки, ҳамма вақт ҳам берилган патент бекор қилишлик жараёнини қўзғаш маъқул келавермайди. Баъзан патентни рад этмаган ҳолда патент эгаси билан келишиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Экспертизанинг якуний босқичи уч қисми ўз ичига оладиган ишлар:

1. *Текширув натижалари асосидаги хулоса.* Аввалги босқичлар барча қисмлари ҳар бири бўйича олиб борилган иш натижаларини атрофлича баҳолаш асосида саноат субъекти ҳамма турларига нисбатан текширув ўтказилган барча мамлакатлардаги объектлар патент софлиги, ҳақида хулоса чиқарилади.
2. *Объектдан фойдаланиш имкони, ҳақидаги тавсиялар.* Халақит берувчи патентни четлаб ўтиш имкони кўриб чиқилади, лицензия сотиб олиш зарурати аниқланади ва ҳ.к. татбирлар баҳоланади.
3. *Экспертиза ҳужжатлари асосида расмийлаштириш.* Эксперт белгиланган шаклда объектни патент софлигини текшируви ҳақида

хулоса чиқаради ва қуйидаги иш боровчи патент формулярини тузади.

Ўтказиб берилувчи мамлакатда патент таъсир доирасига айрим конструктив ечимлар ёки бошқа экспорт объектини ташкил этувчи унсурлар кирса, бу ўтказиб берилувчи мамлакатга нисбатан объектни, тўлиқлигича, патент софлигидан маҳрум этади

Объектга тааллуқли қурилма, усул, модда ёки уларнинг қисми патент софлигига эга бўлмаса, бундай ҳолда баъзан уларда патентни четлаб ўтиш, объектни патент софлигидан маҳрум қилганларида тегишли ўзгариш киритиш кўзда тутилади, аммо сифат ёмонлашувига йўл қўйилмайди. Агар объект сифатини ёмонлаштирмай патентни четлаб ўтиш имкони бўлмаса, одатда бошқа йўл тутиш тавсия этилади, яъни патентлашган қисм, детал, усулга лицензия сотиб олишлик таклифи қўйилади. Бу мазкур объектни экспорт қилишдан бошқаси билан алмаштириш имкони бўлмаган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

Патент формуляри расмий ҳужжат бўлиб, объект (қурилма, усул ва модда) патент софлигидан гувоҳлик беради. Мазкур ҳужжат асосида муайян объектни чет элга чиқариш мумкинлиги масаласи ҳал этилади. Унга барча ишлаб чиқиладиган объект (қурилма, усул, модда) ни ташкил этувчи асосий унсурлар (қисмлар, детааллар, усуллар, конструкциялар) ҳақида маълумотлар киритилади.

Мазкур объектни ишлаб чиқарувчи корхона ёки шу буюмни ишлаб чиқарувчи ташкилот ва бош корхона бошқа-бошқа бўлса, бундай ҳолда мазкур объектни ишлаб чиқарувчи корхона ёки ташкилот патент формулярини ёки унинг қисмини тегишли тарзда тузиши шарт.

Корхона ва ташкилотлар экспорт объектига кирган детал, қисм ва ҳоказоларни тайёрлаш (ишлаб

чиқариш) га буюртма олгач, экспорт объектини чиқарувчи завод-тайёрловчига тўлдирилган патент формулярини, буюртма олгандан сўнг тезда ёки мазкур детал ёхуд қисмларни ишлаб чиқишни якунлагач юбориши шарт.

Буюртма олмаган ва бошқа корхоналар экспорт объектида фойдаланадиган маҳсулотни чиқарувчи корхона ва ташкилотлар мазкур корхона ва ташкилотларнинг талаби бўйича патент формулярини ҳам олмай юборишга мажбур. Формулярни тегишли жадвалини тўлдиргандан сўнг тегишли қурилма, усул ва модда текширилганлиги натижаси ҳақида умумий ҳулоса чиқарилади. Объект қандай мамлакатларга нисбатан патент софлигига эга ёки эга эмаслиги умумий тарзда кўрсатилади.

Патент формулярига корхонада уңи тузиш топширилган муҳандис, формуляр тўғри тузилиши бўйича масъул бўлган патент бўлими муҳандиси ва бош муҳандис имзо қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг техникавий ҳамкорлигида чет элда қуриладиган корхона лойиҳасининг патент софлигини таъминлаш баъзи ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради, зарур ҳужжатларнинг тузилиш тартиби ҳам ажралиб туради. Бундай ҳолларда патент софлигини таъминлаш бош лойиҳаловчи зиммасига юкланади. Бош лойиҳаловчи лойиҳаланаётган объектдан фойдаланиш учун патент софлигига эга технологик жараёнларни танлайди. Лойиҳалашнинг илк давридаёқ у лойиҳаланаётган завод келажакда чиқарадиган маҳсулот патент софлигини ҳам таъминлаши шарт.

Бош етказиб берувчи талаби бўйича барча корхона ва ташкилотлар лойиҳага киритилган ўзлари ишлаб чиқадиган ёки тайёрлайдиган қурилма (усул) лар патент софлиги тўғрисида маълумотни, ҳақ олмай етказиб беришга мажбурдирлар. Бу маълумотлар формулярдан кўчирмаларда ёки формулярнинг ўзидан бўлиши мумкин.

Бутун объектни лойиҳалаш тугагандан сўнг бош етказиб берувчи бутун объект патент софлигига эгаллиги ҳақидаги хулосани бошқа бош етказиб берувчи вазифасини ўтовчи ташкилотга юборади. Бундай ҳолда патент формуляри тўлдирилмайди.

Ҳам патентли, ҳам патентсиз (Ноу-Хау), шунингдек аралаш ҳолдаги Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ютуқларга барча чет эл фирмалари томонидан сотиладиган лицензиялар объекти барчасининг патент софлиги текширилади.

Лицензия объектлари патент софлигини таъминлаш ва ўтказиш бош корхона – лицензия объектини ишлаб чиқувчи зиммасига юкланади. Бундай ҳолда, агар лицензия объектида бошқа корхоналарда ишлаб чиқилган техникавий ечим (ҳам патентлаштирилган, ҳам патентлаштирилмаган) мавжуд бўлса, бош корхона улардан шундай техникавий ечимлар патент софлиги тўғрисидаги маълумотни (патент формулярини) талаб қилиш ҳуқуқига эга, зарур ҳолда эса эксперт хулосасини ҳам талаб қила олади, булар унга ҳақ олмай юборилади. Патент софлигини текшириш лицензия сотиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги қарорни қабул қилгунча тугалланиши керак.

4.4. Лицензия сотиш ва сотиб олиш, уларни ҳужжат асосида расмийлаштириш тартиби

4.4.1. Умумий тушунчалар

Ички ва ташқи лицензия ва патент бозори барно этилиши муносабати билан лицензион битим, шартнома, контрактлар ишлаб чиқариш бўйича асосий қоидаларни эгаллаш ва лицензиянинг мўлжалланаётган қийматни ҳисоблаш юқори даражада долзарблик касб этмоқда

Лицензия – саноат мулки объектлари, **Ноу-Хау** ва бошқа илмий-техникавий ютуқлардан фойдаланиш учун муайян тўлов асосида ҳуқуқини бериши мумкин. Буларни ҳуқуқий нуқтаи назардан икки гуруҳга бўлиш мумкин. **Биринчи гуруҳ** – ҳуқуқий муҳофазаси ички қонунчилик ва халқаро шартномалар асосида таъминланади. Булар – ихтиро, саноат намунаси, фойдали модел, товар белгилари. **Иккинчи гуруҳ** шундай ҳуқуқий муҳофазадан фойдаланмайдиган илмий-техникавий ютуқларга тааллуқлидир. Булар – техникавий, бошқарув, иқтисодий, молиявий ва бошқа билимлар, янги техника, жараён ва материалларни ишлаб чиқиш, ўзлаштириш ва сотиш билан боғлиқ тажриба ва малакалардир.

Ҳуқуқни беришликдек ҳуқуқий омил **лицензион шартнома** билан расмийлаштирилади, унга мувофиқ бир томон (лицензиар) иккинчи томон (лицензиат) га шундай вазиятни – амалда ва ҳуқуқда – яратиш керакки, лицензиат шартномада белгиланган шартлар бўйича ва қўламда муайян техникавий ечимни ишлаб чиқишга жорий этиш ва фойдаланиши мумкин бўлсин, иккинчи томони эса бунинг учун тегишли ҳақ тўлаши ёки бошқача қўринишда товон бериши шарт.

Лицензион шартнома – лицензиар ва лицензиат ўртасидаги содир этилаётган савдо битими бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи технологик билимларни бериш ва ўзлаштириш хусусидаги ўзига хос савдо муносабатларини ифодалашнинг ҳуқуқий шакли. Шунинг учун лицензион шартнома тузишда битим шартномасига қатъий амал қилиш лозим. Ўзбекистон Республикаси мажбуриятини бажармаган томон, иккинчи томон олдида жавобгар бўлади. Бундай хил битимларда кенг фойдаланиладиган масъулият шакли бўлиб, етказилган зарарни тўғридан-тўғри тўлаши шарт.

Лицензион шартнома бўйича бериладиган ҳуқуқ кўламига боғлиқ ҳолда **тўлиқ, мутлақ ва мутлақ бўлмаган лицензиялар** фарқланади.

Тўлиқ лицензия - асосан патент лицензияси, унга мувофиқ Лицензиар (патент эгаси) Лицензиатга саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳеч қандай чекловларсиз муҳофаза ҳужжатининг амал қилиши учун қолган бутун муддатига беради.

Мутлақ лицензия бўйича Лицензиат объектдан келишилган миқёсда фойдаланиш ҳуқуқини олади. Кўп ҳолларда миқёс битим амал қилиш муддати ва ҳудуди бўйича белгиланади. Мана шу миқёсда лицензиар ҳуқуқдан ўзи ҳам фойдалана олмайди, уни учинчи шахсга бера олмайди.

Саноат мулки ҳуқуқи соҳасида шартнома тузганда шуни ёдда тутиш лозимки, биронта ҳам, бириберига ўхшаган битим бўлмайди. Шартнома мавзуи, техника соҳаси, иқтисодий вазият ва томонлар нуқтаи назари музокараларда ҳамиша турлича бўлади, шунга кўра муваффақиятли музокаралар натижаси, яъни битимнинг келишилган матни ҳар бири алоҳида ҳолда, ўз қиёфасига эга бўлади. Агар, ҳатто, намунавий лицензиявий битимлар рўйхати таклиф қилинса-да, ҳар бир айрим ҳол ўзига хослигини қамраб ололмайди.

Қиссадан ҳисса қилиб айтиш мумкинки, таклиф этилаётган битимлар тузилиши тарҳи барча лицензиявий битимлар учун асос қилиб олинишни даъво қилмайди: мажбурий ва ўзгармас тарҳ эмас. Мақсад бутунлай бошқа - ҳар қандай лицензиявий битимни тузишда албатта юзага келадиган масалаларга эътиборни қаратиш керак.

Шундай қилиб, қуйидаги бериладиган битим намуналари фақат айрим бандларнинг талқинида баҳсга сабаб бўлувчи, аҳдлашувчи томонлар ўртасида суд жараёнини вужудга келтирувчи ёки учинчи шахсга нисбатан шундай ҳолат содир қилувчи сабабларга музокара давомида йўл қўйилмаганини текшириш учун хизмат қилади.

4.4.2. Ташқи савдо бўйича лицензия. Лицензиялар тури ва лицензион шартномаларнинг шартлари

Ҳозирги пайтда дунёда юз бераётган иқтисодий технологик жараён шароитларида халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши учун лицензиялар сотиш йўли билан илмий-техникавий ютуқларни айирбошлашни кенгайтириш лозимдир. Лицензиялар сотиш одатдаги товарларни сотишга қараганда жадалроқ суръатлар билан бормоқда.

Патент ўзини харид қилувчига мутлақ лицензия шароитида муайян монопол ҳуқуқ беради. Саноат мулклари, патент билан муҳофазаланганда чет эл фирмалари учун кўпроқ қизиқиш уйғотади, чунки бундай вазиятда сотиб олинган лицензия зарур техникавий маълумотдан ташқари фирмага буюм ишлаб чиқиш ва сотишда монопол ҳуқуқ (лицензиявий шартнома доирасида) беради.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам патент олинган ёки талабнома берилган ихтиродан фойдаланиш ҳуқуқи лицензиянинг мавзуи бўлавермайди. Қандай ҳолларда патентсиз лицензия сотиш амалга оширилади? Шулардан бири – техникавий ечим атайин патентлаштирилмаганда ёки техникавий моҳият ошкор этилиши туфайли патентлаштириш имкони қўлдан чиқарилганда. Шу билан бир вақтда (юшқа фирма мазкур ечим ишлаб чиқилган фирма томонидан кўрсатиладиган техникавий ёрдам ва унинг ишлаб чиқариш тажрибасисиз мазкур фаолиятни удалай олмайди. Баъзан ишлаб чиқариш тажрибасини умуман патентлаштириб бўлмайди – у патентга лойиқ эмас.

Оддий (мутлақ бўлмаган) лицензияда Лицензиар Лицензиатга тегишли маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳуқуқини беради, лекин шу билан бирга худди шундай ҳуқуқни ўзида ҳам қолдиради. Демак, бир неча оддий лицензия сотиш мумкин, яъни бир неча фирмага муайян буюмни тайёрлаш ва сотишга ижозат

берилади, бундан ташқари Лицензиар саноат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини ўзида сақлайди.

Мутлақ лицензия битта шахсга Битим шартларида белгиланган ҳажмда лицензия объектидан якка ҳолда (монопол) фойдаланиш ҳуқуқини беради. Бундай ҳолда шундай ҳуқуққа ким лицензияни сотиб олган бўлса, уша эга бўлади ва энди ҳеч ким, ҳатто, Лицензиарнинг ўзи ҳам қайд этилган ҳуқуққа эга бўла олмайди.

Икки турдаги лицензияни таққослаш шуни яққол кўрсатадики, Лицензиатга энг кўп имтиёзни мутлақ лицензия беради, чунки бошқа фирмалар томонидан бўладиган рақобатни истисно этади, шунингдек, битимда белгиланган бозорда тегишли буюмни сотиш учун кўпроқ имкон беради.

Аммо, мутлақ лицензия берадиган ҳуқуқ турли йўллар билан чекланиши мумкин.

Биринчидан, лицензия мавзуи бир гал фақат буюм ишлаб чиқариш бўлса, бошқа гал - ҳам ишлаб чиқариш ва буюмни сотиш бўлиши мумкин, кўпинча, амалиётда кейингиси учрайди. Иккинчидан, лицензия объектидан фойдаланишни ҳудудий чеклаш мумкин, яъни лицензия муайян ҳудудгагина тааллуқли бўлади. Масалан, француз фирмаси буюмни ишлаб чиқиш, уни Францияда ва бошқа айрим мамлакатларда сотиш ҳуқуқини қўлга киритди. Лицензион шартномада бундай пайтда фирма ўз буюмини сотиши мумкин бўлган мамлакатлар рўйхати тўғридан-тўғри кўрсатилади. Бошқа мамлакатлар бу ҳуқуқ доирасидан четда қолади. Учинчидан, миқдорий чеклов қўлланилади. Масалан, фирма-лицензиар Лицензиатга буюмни муайян қувватга эга учта корхонада, маҳсулот чиқаришнинг аниқ йиллик миқдорини белгиланган ҳолда бериши мумкин, яъни чиқарувчи уша буюмлар миқдорига нисбатан чеклов ўрнатади, бошқача айтганда саноат мулкларидан фойдаланиш ҳажми чекланади.

Лицензион битимларнинг энг оддийлари қандай? Сотувчи саноат мулки бўйича техникавий ҳужжатларни бериш ёки Ноу-Хау, ёки ёрдам кўрсатиш учун мутахассислар юбориб ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади. Бу – Лицензиарнинг асосий мажбурияти. Лицензиат мажбурияти эса – лицензия учун ҳақ тўлаш. Битимларда белгиланган минимал ҳажмларда саноат мулкидан фойдаланиш ёки Ноу-Хау кўзда тутилиши мумкин, чунки бундай фойдаланиш лицензияга ҳақ тўлаш (“роялти” тарзида) учун асос ҳисобланади.

Лицензияни сотишда, ҳақни белгилаш – лицензия савдосидаги энг мураккаб масала. Тўланадиган ҳақ, фақат бир йўла (паушал) тўлов тарзида белгиланиши мумкин.

Аммо, бу – кам учрайдиган ҳол. Кўп ҳолларда ҳақ йиллик тўлов тарзида, лицензия амал қилувчи бутун муддат мобайнига белгиланади. Бундай тўлов, одатда, тайёрланган ёки сотилган ҳар бир ягона буюмдан фоиз тарзида ажратилади (роялти).

Ҳақ миқдорини белгилашда қуйидаги турли омиллар ҳисобга олинади: саноат мулк ёки бошқа техникавий ютуқдан фойдаланиш самараси қандай, сотувдан қандай фойда олинади, буюмни ишлаб чиқишда қандай тежамкорликка эришилади ва шу кабилар.

Лицензия амалиётида, одатда, аралаш тизим қўлланади, бунда шартномага имзо қўйишида, ёки у кучга киришида бошланғич тўлов (паушал тўлов), кейинчалик йиллик тўловлар кўзда тўтилади.

4.4.3. Лицензияларни сотиш, сотиб олиш ва айирбошлаш бўйича таклифлар тайёрлаш тартиби

Ўзбекистон Республикасида чет элга илмий-техникавий ютуқлардан фойдаланишга лицензиялар сотиш ва чет эл лицензияларини сотиб олишга рухсат

берувчи тартиб ўрнатилган. Бунинг моҳияти шундайки махсус ваколатли идора сиймосидаги давлатнинг рухсатисиз бирорта лицензия четга сотилиши ва четдан сотиб олиниши мумкин эмас. Шундай тартибни жорий этиш натижасида давлат лицензиясидан чет элда фойдаланиш, давлат манфаатларига зид келмаслиги устидан назоратни ўрнатади. Назорат самарадорлигига давлат ҳар бир саноат мулкига лицензия асосида чет элда фойдаланишга рухсат бериши туфайли эришилади. Бундай лицензия сотиб олишга ҳамма алоқадор, чунки бундай харид халқ хўжалигини ривожлантириш муаммосини ҳал этишга кўмаклашиши лозимдир.

Саноат мулки ва бошқа, илмий-техникавий ютуқларга лицензиялар сотиш бўйича ишларга раҳбарлик, шунингдек чет эл лицензияларини сотиб олиш, ҳамда чет элда лицензиялардан фойдаланишни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юкланган.

Лицензия сотиш ва сотиб олиш бўйича таклиф тайёрлаш хусусидаги ишларнинг бошқа, ўзига хос жиҳати, бу иш режалаштирилишидадир. Вазирлик ва муассасалар, қоидага кўра, лицензия сотиш, ҳақидаги таклифни тегишли режага киритади. Давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режасида “лицензия сотиш” бўйича махсус қисм бор. Режага киритиш лицензия сотишга рухсатни англатади. Агар лицензия сотиш масаласи чет элга лицензия сотиш режаси тузилган ва тасдиқлангандан сўнг юзага келган бўлса, ундан лицензия сотиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Лицензия сотиш бўйича ишлар тартиби ва инжиниринг тарзида хизмат кўрсатиш ҳақидаги йўриқномага кўра лицензиялар сотиш ҳақидаги ўз таклифларини тегишли вазирлик ва муассасага тақдим этувчи ташкилот ва корхоналар ўз таклифларига махсус материаллар (лицензия паспорти, патент

тадқиқотлари тўғрисидаги ҳисобот, техника-
жани тавсифловчи, объект патентга лойиқли-
тент софлигига эгалиги, объектнинг тех-
иктисодий самарадорлиги ҳисоб-китоби, сан-
тавсифи бошқа муайян маълумотлардан
(кучирма) ни илова қилишлари лозим.

Бу материаллар бир томондан у ёки б
лицензия сотиш мақсадга мувофиқлигини
имконини берса, иккинчи томондан бўлажак
он битимни тайёрлашга кўмаклашади. Ман
учун ҳам материалларни тақдим этишда
шартноманинг қатор шартлари ҳисобга олина-
сан, лицензия объектини ишлаб чиқиш бил-
илмий-тадқиқот ишлари ва л
конструкторлик ишларига кетадиган х
тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Лицензион паспорт мавзуига тааллу
техникавий ҳужжатлар ҳажми тўғрисида
берилади, бу ҳужжатлар ким томонидан та
ва кургазмага қўйиш учун намуна тайёрла
кинлиги маълум қилинади, ҳамда бошқа ма
бўлади.

Лицензион паспорт – объект хорижли
га таклиф этилиши мумкинлигини
ҳужжат.

Лицензия сотиш ҳақидаги масалани
учун материалларни тақдим этишда ташки
на) лицензия мавзуига кирувчи, саноат му
саноат мулки муаллифлари, талабнома ра
нингдек, саноат мулкини патентлашни
ҳақидаги маълумотни албатта маълум қили

Техникавий ҳужжатни ишлаб чиқувч
институтлар ёки корхоналар лицензия сот
таклиф киритган ҳолларда патент софлиги
засини утказади.

Лицензия объекти самарадорлигини
техникавий-иктисодий ҳисоб-китобни туз
аҳамиятга эга. Унда тайёрловчи

берувчи тартиб ўрнатилган. Бунинг моҳияти шундайки махсус ваколатли идора сиймосидаги давлатнинг рухсатисиз бирорта лицензия четга сотилиши ва четдан сотиб олиниши мумкин эмас. Шундай тартибни жорий этиш натижасида давлат лицензиясидан чет элда фойдаланиш, давлат манфаатларига зид келмаслиги устидан назоратни ўрнатади. Назорат самарадорлигига давлат ҳар бир саноат мулкига лицензия асосида чет элда фойдаланишга рухсат бериши туфайли эришилади. Бундай лицензия сотиб олишга ҳамма алоқадор, чунки бундай харид халқ хужалигини ривожлантириш муаммосини ҳал этишга кумаклашиши лозимдир.

Саноат мулки ва бошқа, илмий-техникавий ютуқларга лицензиялар сотиш бўйича ишларга раҳбарлик, шунингдек чет эл лицензияларини сотиб олиш, ҳамда чет элда лицензиялардан фойдаланишни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юкланган.

Лицензия сотиш ва сотиб олиш бўйича таклиф тайёрлаш хусусидаги ишларнинг бошқа, ўзига хос жиҳати, бу иш режалаштирилишидадир. Вазирлик ва муассасалар, қоидага кўра, лицензия сотиш, ҳақидаги таклифни тегишли режага киритади. Давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режасида “лицензия сотиш” бўйича махсус қисм бор. Режага киритиш лицензия сотишга рухсатни англатади. Агар лицензия сотиш масаласи чет элга лицензия сотиш режаси тузилган ва тасдиқлангандан сўнг юзага келган бўлса, ундан лицензия сотиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Лицензия сотиш бўйича ишлар тартиби ва инжиниринг тарзида хизмат кўрсатиш ҳақидаги йўриқномага кўра лицензиялар сотиш ҳақидаги ўз таклифларини тегишли вазирлик ва муассасага тақдим этувчи ташкилот ва корхоналар ўз таклифларига махсус материаллар (лицензия паспорти, патент

тадқиқотлари тўғрисидаги ҳисобот, техникавий жани тавсифловчи, объект патентга лойиқлиги тент софлигига эгалиги, объектнинг техника иқтисодий самарадорлиги ҳисоб-китоби, саноат тавсифи бошқа муайян маълумотлардан (иш кўчирма) ни илова қилишлари лозим.

Бу материаллар бир томондан у ёки бу лицензия сотиш мақсадга мувофиқлигини белгиланган имконини берса, иккинчи томондан бўлажак лицензия олинган битимни тайёрлашга кўмаклашади. Мана шу учун ҳам материалларни тақдим этишда лицензия шартноманинг қатор шартлари ҳисобга олинади. Лицензия берган, лицензия объектини ишлаб чиқиш билан (иш) илмий-тадқиқот ишлари ва лойиҳа конструкторлик ишларига кетадиган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Лицензион паспорт мавзуига тааллуқли техникавий ҳужжатлар ҳажми тўғрисида маълумот берилади, бу ҳужжатлар ким томонидан тайёрланган ва кўргазмага қўйиш учун намуна тайёрланиши таъин қилиниги маълум қилинади, ҳамда бошқа маълумот бўлади.

Лицензион паспорт — объект хорижлик харажга таклиф этилиши мумкинлигини кўрсатувчи ҳужжат.

Лицензия сотиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун материалларни тақдим этишда таъкилот (компания) лицензия мавзуига кирувчи, саноат мулк ва саноат мулки муаллифлари, талабнома рақамлиги ва шунингдек, саноат мулкни патентлашнинг ҳақидаги маълумотни албатта маълум қилиши шарт.

Техникавий ҳужжатни ишлаб чиқувчи таъкилот институтлар ёки корхоналар лицензия сотиш шартини таклиф киритган ҳолларда патент софлиги экспертизасини ўтказиши шарт.

Лицензия объекти самарадорлигини ошириш техникавий-иқтисодий ҳисоб-китобни тузиш аҳамиятга эга. Унда тайёрловчи фирманинг

берувчи тартиб ўрнатилган. Бунинг моҳияти шундайки махсус ваколатли идора сиймосидаги давлатнинг рухсатисиз бирорта лицензия четга сотилиши ва четдан сотиб олиниши мумкин эмас. Шундай тартибни жорий этиш натижасида давлат лицензиясидан чет элда фойдаланиш, давлат манфаатларига зид келмаслиги устидан назоратни ўрнатади. Назорат самарадорлигига давлат ҳар бир саноат мулкига лицензия асосида чет элда фойдаланишга рухсат бериши туфайли эришилади. Бундай лицензия сотиб олишга ҳамма алоқадор, чунки бундай харид халқ хўжалигини ривожлантириш муаммосини ҳал этишга кўмаклашиши лозимдир.

Саноат мулки ва бошқа, илмий-техникавий ютуқларга лицензиялар сотиш бўйича ишларга раҳбарлик, шунингдек чет эл лицензияларини сотиб олиш, ҳамда чет элда лицензиялардан фойдаланишни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юкланган.

Лицензия сотиш ва сотиб олиш бўйича таклиф тайёрлаш хусусидаги ишларнинг бошқа, ўзига хос жиҳати, бу иш режалаштирилишидадир. Вазирлик ва муассасалар, қоидага кўра, лицензия сотиш, ҳақидаги таклифни тегишли режага киритади. Давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режасида “лицензия сотиш” бўйича махсус қисм бор. Режага киритиш лицензия сотишга рухсатни англатади. Агар лицензия сотиш масаласи чет элга лицензия сотиш режаси тузилган ва тасдиқлангандан сўнг юзага келган бўлса, ундан лицензия сотиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Лицензия сотиш бўйича ишлар тартиби ва инжиниринг тарзида хизмат кўрсатиш ҳақидаги йўриқномага кўра лицензиялар сотиш ҳақидаги ўз таклифларини тегишли вазирлик ва муассасага тақдим этувчи ташкилот ва корхоналар ўз таклифларига махсус материаллар (лицензия паспорти, патент

тадқиқотлари тўғрисидаги ҳисобот, техникавий даражани тавсифловчи, объект патентга лойиқлиги ва патент софлигига эгалиги, объектнинг техникавий-иқтисодий самарадорлиги ҳисоб-китоби, саноат мулк тавсифи бошқа муайян маълумотлардан иборат кучирма) ни илова қилишлари лозим.

Бу материаллар бир томондан у ёки бу ютуққа лицензия сотиш мақсадга мувофиқлигини белгилаш имконини берса, иккинчи томондан бўлажак лицензион битимни тайёрлашга кўмаклашади. Мана шунинг учун ҳам материалларни тақдим этишда лицензион шартноманинг қатор шартлари ҳисобга олинади. Хусусан, лицензия объектини ишлаб чиқиш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари ва лойиҳалаш-конструкторлик ишларига кетадиган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Лицензион паспорт мавзуга тааллуқли ишни техникавий ҳужжатлар ҳажми тўғрисида маълумот берилади, бу ҳужжатлар ким томонидан тайёрланиши ва кўргазмага қўйиш учун намуна тайёрланиши мумкинлиги маълум қилинади, ҳамда бошқа маълумотлар бўлади.

Лицензион паспорт – объект хорижлик харидорга таклиф этилиши мумкинлигини кўрсатувчи ҳужжат.

Лицензия сотиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун материалларни тақдим этишда ташкилот (корхона) лицензия мавзуга кирувчи, саноат мулк номини, саноат мулки муаллифлари, талабнома рақами, шунингдек, саноат мулкни патентлашнинг аҳволи ҳақидаги маълумотни албатта маълум қилиши шарт.

Техникавий ҳужжатни ишлаб чиқувчи тегишли институтлар ёки корхоналар лицензия сотиш ҳақида таклиф киритган ҳолларда патент софлиги эксперти-засини ўтказиши.

Лицензия объекти самарадорлигини оширишда техникавий-иқтисодий ҳисоб-китобни тузиш муҳим аҳамиятга эга. Унда тайёрловчи фирмалар

кўрсатилган ҳолда айти шундай чет эл ва мамлакат қурилмалари ёки ҳозирда қўлланаётган технологик жараёнлар хусусида қисқача таҳлил берилади. Техникавий-иқтисодий ҳисоб-китоб техника объекти ёки технологиядан саноатда фойдаланиш иқтисодий самарасини акс эттириши лозим.

Корхона, ташкилотларнинг кейинги мажбурияти объектни нимага мўлжалланганлиги, қўлланиш соҳаси, кафолатланган асосий кўрсаткичларини акс эттирган ҳолдаги қисқача техникавий тавсифдан иборат реклама материалларини тайёрлашдан иборатдир.

Материаллар лицензия объектини реклама қилиши лозим, лекин шу билан бирга улар саноат мулк моҳиятини очиб қўймаслиги лозим, акс ҳолда лицензион битим қайсидир даражада ўз моҳиятини йўқотади.

Чет эл фирмалари билан музокара олиб бориш учун зарур ҳужжатлар лицензияларни тижорат асосида сотувчи ташқи савдо ташкилотларига берилади.

Лицензия сотиб олиш ҳақидаги таклифларга бир қатор талаблар қўйилади. Тегишли таклиф киритувчи корхона (ташкилот), муайян маълумотларни бериши лозим, уларни қўриб чиқишда лицензияни сотиб олиш мақсадга мувофиқлиги аниқланиши мумкин.

Лицензия сотиб олиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун фирмани техникавий тажрибаси қандай миқёсда сотиб олинишини белгилаш зарур (масалан, техникавий ёки технологик ҳужжатлар, Ноу-Хау, техникавий ёрдам ва бошқалар).

Лицензия сотиб олиш ҳақида таклиф ишлаб чиқаётган корхона (ташкилот), қатор маълумотларни беради, шулар асосида кейинчалик чет эл фирмаси билан музокара олиб борилади. Булар, аввало, лицензияни сотиб олишда қўйилиши керак. Лицензия бўйича ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда чет эл мутахассисларини, улардан қайси корхоналарда фойдаланилишини кўрсатган ҳолда, қабул қилиш мумкинлиги ва зарурлиги белгиланади.

Лицензияни сотиб олиш мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал этишда объект техникавий даражасини ва унинг жаҳон техника даражасига мослигини, лицензия объекти янгилиги ва илғорлигини патент материаллари ва саноат маълумотлари бўйича аниқлаш муҳим аҳамиятга моликдир.

Вазирлик ва муассасалар, шунингдек айрим корхоналарнинг вакиллари лицензияни сотиш бўйича чет эл фирмалари ва ташкилотлари билан олиб бориладиган бошланғич музокараларда иштирок этадилар. Барча бошланғич ишлар тугагандан сўнг тегишли ташқи савдо ташкилотлари лецензион шартнома тuzадилар, унда лицензияни бериш шартлари белгилаб қўйилади.

Лицензияни сотишда Ўзбекистон Республикасида бош етказиб берувчи вазифасини вазирлик ва муассасалар бажаради. Ташқи савдо ташкилотлари бош етказиб берувчига буюртма-топшириқ бериш ҳуқуқига эга, бош етказиб берувчи эса бажариш учун қабул қилиши лозим.

Вазирлик (муассаса) лицензия объектини бош етказиб берувчи сифатида лецензион шартномада кўзда тутилган мажбуриятини бажаришга масъул идора вазифасини вазирлик ва муассасалар бажаради. Ташқи савдо ташкилотлари бош етказиб берувчига буюртма-топшириқ бериш ҳуқуқига эга, бош етказиб берувчи эса бажариш учун қабул қилиши лозим.

Вазирлик (муассаса) лицензия объектини бош етказиб берувчи сифатида лецензион шартномада кўзда тутилган мажбуриятлар сифатли ва ўз вақтида бажарилиши учун жавобгардир, яъни: лицензия мавзуи кафолатланган техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари учун; шунингдек, лецензион шартномада кўзда тутилган томонлар мажбурияти бажарилиши учун; лицензия сотиб олган фирмага техникавий ёрдам, техникавий ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш ва бериш бўйича; намуналарни етказиб бериш бўйича; лицензия сотиб олган корхонага мутахассисларни

юбориш ва чет эллик мутахассисларни мамлакатимиз корхоналарида ўқитиш бўйича; лицензиянинг такомиллаштирилган ва мавзуини харидорга бериш; патент ҳуқуқи ва бошқаларни муҳофазалаши керак.

Лицензияни сотиб олишда вазирлик ва муассаса ишни ўз вақтида ташкил этиш ва сотиб олинган лицензиялар бўйича маҳсулот экспортини кенгайтиришни таъминлаши лозим.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириқлар

1. Чет элда саноат мулкларини патентлашда қандай мақсад ва вазифалар ҳал этилади?
2. Чет элда патентлаш учун ҳужжатлар қандай расмийлаштирилади?
3. Техника объектларининг патентга лойиқлиги нима?
4. Техника объектларининг патент софлиги нима?
5. Патент софлиги қандай ва ким томонидан текширилади?
6. Патент софлигини текшириш усули нимадан иборат:
 - экспертизанинг биринчи босқичида;
 - экспертизанинг иккинчи босқичида;
 - экспертизанинг якунловчи босқичида.
7. Патент формуляри нима?
8. Лицензия ва лицензион шартнома нима?
9. Лицензиянинг қандай турлари мавжуд?
10. Лицензия паспорти нима?

5- Боб. Саноат мулки объектларидан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатлари

5.1. Саноат мулки объектларини режалаштириш ва молиялаш

Саноат мулкени ва рационализаторлик фаолиятини режалаштиришдан мақсад саноат мулкларини ва рационализаторлик ижодий куч-гайратини ижтимоий ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг долзарб масалаларини ҳал этишга йўналтириш, меҳнаткашларнинг техникавий ижодчилигини ривожлантириш ва уларни саноат мулкларига ва рационализаторлик ишларига фаол жалб этишдан иборатдир

Саноат мулкларини ва рационализаторлик фаолиятини режалаштиришдан аввал фан ва техника ривожининг асосий йўналишларини, мамлакат ва чет эл саноат мулкларини, илғор техникавий тажрибани ўрганиш ва техник ечимни ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлаши мумкин бўлган илмий-техникавий муаммоларни аниқлаш лозим.

Корхоналар, ташкилотлар, муассаса лар, вазирлик ва идоралардаги саноат мулкларини ва рационализаторлик фаолиятини режалаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан олиб борилади. Саноат мулклари ёки рационализаторлик таклифи халқ хўжалигининг қайси соҳасида – маданият, соғлиқни сақлаш ёки мамлакат мудофааси соҳасида қўлланганидан қатъий назар у фойдаланилган деб тан олинади.

юбориш ва чет эллик мутахассисларни мамлакатимиз корхоналарида уқитиш буйича; лицензиянинг такомиллаштирилган ва мавзуини харидорга бериш; патент ҳуқуқи ва бошқаларни муҳофазалаши керак.

Лицензияни сотиб олишда вазирлик ва муассаса ишни ўз вақтида ташкил этиш ва сотиб олинган лицензиялар буйича маҳсулот экспортини кенгайтиришни таъминлаши лозим.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириқлар

1. Чет элда саноат мулкларини патентлашда қандай мақсад ва вазифалар ҳал этилади?
2. Чет элда патентлаш учун ҳужжатлар қандай расмийлаштирилади?
3. Техника объектларининг патентга лойиқлиги нима?
4. Техника объектларининг патент софлиги нима?
5. Патент софлиги қандай ва ким томонидан текширилади?
6. Патент софлигини текшириш усули нимадан иборат:
 - экспертизанинг биринчи босқичида;
 - экспертизанинг иккинчи босқичида;
 - экспертизанинг якунловчи босқичида.
7. Патент формуляри нима?
8. Лицензия ва лицензион шартнома нима?
9. Лицензиянинг қандай турлари мавжуд?
10. Лицензия паспорти нима?

5- Боб. Саноат мулки объектларидан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатлари

5.1. Саноат мулки объектларини режалаштириш ва молиялаш

Саноат мулкани ва рационализаторлик фаолиятини режалаштиришдан мақсад саноат мулкларини ва рационализаторлик ижодий куч-гайратини ижтимоий ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг долзарб масалаларини ҳал этишга йўналтириш, меҳнаткашларнинг техникавий ижодчилигини ривожлантириш ва уларни саноат мулкларига ва рационализаторлик ишларига фаол жалб этишдан иборатдир

Саноат мулкларини ва рационализаторлик фаолиятини режалаштиришдан аввал фан ва техника ривожининг асосий йўналишларини, мамлакат ва чет эл саноат мулкларини, илғор техникавий тажрибани урганиш ва техник ечимни ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлаши мумкин бўлган илмий-техникавий муаммоларни аниқлаш лозим.

Корхоналар, ташкилотлар, муассаса лар, вазирлик ва идоралардаги саноат мулкларини ва рационализаторлик фаолиятини режалаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан олиб борилади. Саноат мулклари ёки рационализаторлик таклифи халқ хўжалигининг қайси соҳасида – маданият, соғлиқни сақлаш ёки мамлакат мудофааси соҳасида қўлланилган қатъий назар у фойдаланилган деб тан олинади.

Усул (технология), ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятга тааллуқли, саноат мулки ёки рационализаторлик таклифи у ишлаб чиқиш жараёнида қўлланила бошлаган кундан эътиборан фойдаланилган деб ҳисобланади.

Қурилма (конструкция) га ёки модда (материал) га тааллуқли саноат мулки ёки рационализаторлик таклифи тайёрланаётган маҳсулотда, шу жумладан, фойдаланишга топширилган тажриба намуналарида қўлланила бошлаган кундан эътиборан фойдаланилган деб тан олинади. Агар эксперимент тарзида текширилган бўлса, маҳсулот тажриба нусхаси тайёрланса ва синалса, ҳамда ишлаб чиқаришга тайёрланса саноат мулки ва рационализаторлик таклифи фойдаланган деб ҳисобланмайди.

Саноат мулкидан ва рационализаторлик таклифидан фойдаланишда, улар аҳамиятига боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини ривожлантириш истиқбол ва йиллик режаларида, вазирлик ва муассаса, корхона, ташкилот ҳамда идоралар ёки ташкилот ва корхона ташкилий-техникавий режаларида ҳисобга олинади.

Хўжалик йили мобайнида фойдаланиш учун қабул қилинган саноат мулклари ва рационализаторлик таклифлари тегишли режаларга белгиланган тартибда, қўшимча тарзда киритилади.

Тармоқ ва тармоқлараро тавсифдан саноат мулкларидан фойдаланиш тўғрисидаги муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига молик таклиф вазирлик, муассасалар, Патент идораси томонидан тайёрланади.

Халқ хўжалигида саноат мулкларидан ўз вақтида ва самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси, вазирлик, корхона, муассаса, ташкилот ва идораларга белгиланган тартибда улар фаолият соҳасига тааллуқли саноат мулкларидан фойдаланиш ҳақида таклиф юборади, таклифга Саноат мулкларини тавсифи ва бу саноат

мулкларининг техникавий-иқтисодий томонларини тавсифловчи қўмитага мавжуд материаллар илова этилади.

Қурол-яроғининг янги турига, танк техникаси ва уларнинг тактик қўлланишига тааллуқли мутлақо махфий саноат мулклари бўйича, айти шундай таклифлардан манфаатдор ташкилотларга белгиланган тартибда шундай саноат мулкларига бўлган талабно-маларни амалга оширувчи вазирликларга юборилади.

Вазирликлар, муассасалар, корхона, ташкилот ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси материаллари, илмий-техника ахборот жамоатчилиқ ва тармоқ органлари ва бошқа ахборот материаллари (шу жумладан патент материаллари) асосида Саноат мулкларини ва рационализаторлик таклифларини саралашни амалга оширади ва режа асосида улардан фойдаланиш ҳақида қарор қабул қилади.

Вазирликлар, муассасалар, концернлар, кооперациялар ва бошқа ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз тизимларидаги фойдаланиш учун қабул қилинган саноат мулклари ҳақида маълумот беради.

Ўзбекистон Республикаси халқ ҳужалигини ривожлантириш истиқболли ва йиллик режаларида, вазирлик, муассаса, корхона, ташкилот ва идораларнинг саноат мулкларидан фойдаланиш вазифалари кўзда тутилган режаларида, шунингдек янги буюмларнинг техникавий ҳужжатлари ва истиқболларида, саноат мулки асосида ишлаб чиқилган, ишлаб чиқиш усулларида патент рақамлари кўрсатилиши керак.

Корхона, ташкилот, муассаса муаллифга унинг саноат мулкидан ёки рационализаторлик таклифидан фойдаланиш бошлангани ҳақида бир ой ичида маълум қилиши шарт.

Корхона, ташкилот, муассасада саноат мулки муаллифининг турар жойи ҳақида маълумот бўлмаса,

бундай маълумот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасидан суралади. У булар ҳақида бир ой ичида корхона, ташкилотга хабар беришга мажбур.

Саноат мулклари ва рационализаторлик билан боғлиқ ишларни олиб бориш учун вазирлик, муассаса, корхона ва идора эксперимент базасидан фойдаланади, зарур ҳолда буни ўзи бунёд этади.

Вазирлик, муассаса, корхона, ташкилот ва идораларнинг саноат мулкчилиги ва рационализаторлик учун харажатларни маблағ билан таъминлаш махсус ҳисоб рақамидаги қонунда кўзда тутилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади. Қонунчиликка мувофиқ вазирлик ва муассасанинг харажатлар рўйхати бўйича бу сарфлар саноат мулкчилиги ва рационализаторликка тегишлидир. Булар бюджет ажратмалари ва тегишли марказлаштирилган маблағдан таъминланади. Давлат корхоналарининг саноат мулкчилиги ва рационализаторлик харажатлари харажатлар рўйхати бўйича қуйидагилар ҳисобидан қопланади:

- *хўжалик ҳисоби асосида ишловчи корхона, ташкилот рўйхатида кўзда тутилган ёки давлат бюджетидаги ёхуд бошқача тартибда молиялаштириладиган ташкилот ва муассаса фаолиятини таъминловчи рўйхатдаги маблағ;*
- *қурилиш ташкилотлари иштиёрига қолдириладиган, иншоотлар пухталиги ва фойдаланиш сифатларини пасайтирмаган ҳолда рўйхатдагидан қурилишни арзонроқ тушишини таъминлайдиган татбирлар туфайли тежалган маблағ.*

Жамоа хўжаликлари, корпорациялар ва жамоат ташкилотларида саноат мулкларига ва рационализаторлик бўйича харажатлар уларнинг ўз ҳисобидан қопланади.

Саноат мулкларига ва рационализаторликка харажатлар рўйхатида қуйидаги сарфлар кўзда тутилади:

- саноат мулклари ва рационализаторлик таклифлари бўйича моделлар, намуналар тайёрлаш ҳамда синашга;
- саноат мулклари ва рационализаторлик таклифларини яратиш ва тажриба ўтказиб синаш учун мўлжалланган экспериментгоҳни ташкил этиш ва фаолиятини таъминлашга (қурилиш ва жиҳозлар сотиб олиш харажатларидан бошқа);
- технологик ҳужжатларни тайёрлаш, моделлар ва намуналар тайёрлаш ва синаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича саноат мулкчилари ва рационализаторлар, конструкторлар, лойиҳаловчилар ва технологлар меҳнатига ҳақ тўлашга;
- саноат мулкчиларига ва рационализатор муаллифларига ҳақ тўлашга;
- саноат мулкига ва рационализацияга кўмаклашганлик учун мукофот беришга;
- экспертиза, йўриқлантирув ўтказганлик учун, саноат мулклари ва рационализаторлик таклифи билан боғлиқ ишларга ҳақ тўлаш;
- саноат мулкчилиги ва рационализаторлик таклифи талабнома материалларини расмийлаштириш бўйича ишларга ҳақ тўлашга (хизмат вазифаси тарзида бажариладиган ишлар бундан истисно);
- саноат мулкчини чет элда патентлаш учун материаллар тайёрлаш билан боғлиқ ишларга, лицензияларга ҳақ тўлашга;
- патент фондини бутлаш ва ишлаб чиқиш, патент-техникавий ахборот материаллари

ва саноат мулкчилиги ва рационализаторлик таклифлари бўйича адабиётларни сотиб олишга;

- саноат мулкларига берилган талабномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси қақирисига асосан муаллифлар, экспертлар ва бошқа мутахассисларнинг хизмат сафарига ҳақ тўлашга;
- саноат мулклари ва рационализаторлик бўйича кўргазма, мусобақа, кўрик, танлов ва бошқа татбирлар ташкил қилиш, шу ишларга жалб этилган шахсларга ҳақ тўлаш, шунингдек, қайд этилган татбирлар натижаси бўйича мукофот беришга.

Саноат мулклари ва рационализаторлик билан боғлиқ ишларга ҳақ тўлаш умумий иш ҳақи фонди доирасида амалга оширилади, бунинг учун харажатлар рўйхатида саноат мулклари ва рационализаторлик учун лимит кўзда тутилади.

5.2.1. Ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасида фойдаланиш тартиби

Махсулот (буюмда) ихтиронинг, фойдали моделининг мустақил бандига киритилган ҳар бир белгиси ёки унга меъёр бўлган белги қўлланган бўлса, бу махсулот (буюм) патентланган ихтиро, фойдали моделдан фойдаланилган ҳолда тайёрланган, ихтиро патенти билан боғлиқ муҳофаза этиладиган усул эса, қўлланилган деб эътироф этилади.

Махсулот олиш усулига берилган патентнинг амал қилиши айнан шу усул ёрдамида олинган махсулотга ҳам татбиқ этилади. Бунда аксини исботловчи далиллар бўлмаса, бу янги махсулот патентланган усулда олинган деб ҳисобланади.

Махсулотда патент берилган саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуи бўлса, у патентланган

саноат намунасидан фойдаланган ҳолда тайёрланган деб эътироф этилади.

5.2.2 Аввал фойдаланганлик ҳуқуқи ҳақида тушунча

Саноат мулки объекти устуворлиги белгиланган санага қадар унинг муаллифидан мустақил тарзда айнан ўхшаш бўлган ечимдан фойдаланган ёки шунга етарли даражада тайёргарлик кўрган ҳар қандай ҳуқуқий ёки жисмоний шахс ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирилмаган тарзда, кейинчалик ҳам ундан бепул фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Аввал фойдаланганлик ҳуқуқи бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсга фақат айнан ўхшаш ечимдан фойдаланилган ёки шунга етарли тайёргарлик қўрилган ишлаб чиқариш билан биргаликда топширилиши мумкин.

5.2.3. Саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби

Патент эгаси бўлмаган ҳар қандай шахс патент билан муҳофаза қилинган саноат мулки объектидан фақат эгасининг рухсати билан лицензия шартномаси асосида фойдаланишга ҳақли.

Патент эгаси (лицензиар) саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай шахсга бериш тўғрисида (очиқ лицензия) Патент идорасига ариза топширилиши мумкин. Бу ҳолда патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун ундириладиган патент божи шундай ариза тўғрисидаги маълумотлар Патент идораси томонидан эълон қилинганидан кейинги йилдан бошлаб эллик фоизга камайтирилади.

Очиқ лицензияни олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан номутлақ лицензия бериш тўғрисида шартнома тузиши шарт. Шартнома шартлари бўйича низолар суд томонидан қўриб чиқилади. Патент эгасининг очиқ лицензияга бўлган ҳуқуқини

бошқа шахсга бериш ҳақидаги аризаси қақриб олинмайди.

Саноат мулки объектдан патент эгасининг розилигисиз муганосиб миқдорда унга товон тулаган ҳолда фойдаланишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда рухсат бериши мумкин.

Агар патент эгаси саноат мулки объектдан унинг таркибида бошқа ҳуқуқий ёки жисмоний шахсга қарашли муҳофаза қилинаётган ўзга объект қўлланилиши туфайли фойдалана олмаса, патент эгаси мазкур шахсдан бу объектдан шартномада назарда тутилган шартлар асосида фойдаланиш учун лицензия беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2.4. Саноат мулки объектларидан фойдаланишни давлат томонидан рағбатлантирилиши тартиблари

Муаллифларга ва саноат мулки объектдан фойдаланувчи ҳужалик юритувчи субъектларга солиқ солиш ва кредит бериш имтиёзли шартлар белгиланади, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа имтиёзлар берилади.

5.2.5. Патент божлари ҳақида тушунча

Саноат мулки объектларига ҳуқуқий муҳофаза бериш билан боғлиқ ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳаракатларни бажарганлик учун патент божлар ундирилади. Патент божлари Патент идорасига туланади.

Патент божининг миқдори ва уларни тулаш муддатлари, улардани тулашдан озод қилиш, тулов миқдорларини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш учун асослар, шунингдек божлардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Патент божлари талабнома берувчи, патент эгаси ва бошқа манфаатдор шахс томонидан туланади.

Патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божини тўлаш мақсадида қўшимча патент божи тўланган тақдирда, патент эгасига 6 ойлик имтиёзли муддат берилади.

Патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божи ва қўшимча патент божи имтиёзли муддат мобайнида тўланмаса, патентнинг амал қилиши белгиланган муддатда патент божи тўланмаган кундан эътиборан тугатилади.

5.3. Товар белгисидан фойдаланиш тартиби

Товар белгиси уни ишлатиш учун рўйхатга олинган товарларда ва уларнинг идиши ҳамда ўровида товар белгисининг эгаси томонидан ёки амалдаги қонунга мувофиқ лицензия шартномаси асосида бундай ҳуқуқ берилган шахс томонидан қўлланилиши товар белгисидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Товар белгисини рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш этиш вақтида ишлатиш ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкин.

Воситачилик фаолиятини амалга оширувчи ҳуқуқий ва жисмоний шахслар товарларни тайёрловчининг товар белгиси билан бир қаторда шартнома асосида ўз товар белгисидан ҳам фойдаланиши мумкин.

5.3.1. Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш тартиби

Товар келиб чиққан жой номини товарда,

унинг идиши ҳамда ўровида, пешлавҳаларда, расмий бланкаларда, рекламада, босма нашрларда ва товарни фуқаро муомаласига киритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда ишлатиш товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Лицензия шартномаси асосида товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини, бошқа шахсга беришга, бундай ҳуқуқдан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш тўғрисида битимлар тузишга ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришга йўл қўйилмайди.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси бўлмаган шахсларнинг товар келиб чиққан жойнинг рўйхатдан ўтказилган номидан фойдаланишга, ҳатто башарти бунда товар келиб чиққан жойнинг ҳақиқий номи кўрсатилган ёки ном таржима қилиб ёхуд “кўринишдаги”, “турдаги”, “усулдаги” ва шунга ўхшаш сўзларни қўшиб қўлланилган тақдирда ҳам, шунингдек ҳар қандай товар келиб чиққан жой номи ва товарнинг алоҳида хусусиятлари истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган ўхшаш белгилардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

5.3.2. Огоҳлантирувчи тамғалашдан фойдаланиш тартиби

Товар белгисининг эгаси ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг эгаси товар белгиси ёки товар келиб чиққан жой номи билан бир қаторда товарда ёки унинг идиши ҳамда ўровида қўлланилган белги Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган товар белгиси ёки товар келиб чиққан жой номи эканлигини билдирувчи лотин алифбосидаги “К” ёки айлана ичига олинган “К” ҳарфи тар-

зида огоҳлантирувчи тамға қўйиши мумкин.

5.3.3. Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тартиби

Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ бу ҳуқуқнинг эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказишга, башарти у истеъмолчини товар ёки унинг тайёрловчиси хусусида чалғитадиган бўлса, йўл қўйилмайди.

Товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи товар белгисининг эгаси (лицензиар томонидан лицензия шартномаси бўйича бошқа шахсга (лицензиатга) берилиши мумкин.

Лицензия шартномасида лицензиат товарларининг сифати лицензиар товарларининг сифатидан паст бўлмаслиги ҳақида шарт қўйилган бўлиши ва лицензиар бу шартнинг бажарилишини назорат қилиши курсатилиши лозим.

Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш туғрисидаги шартнома ёки лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Жамоавий белги ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин эмас.

5.3.4. Товар белгиси эгаси бўлмиш ҳуқуқий шахсни қайта ташкил этиш пайтида товар белгисининг ўтиши тартиби

Товар белгиларининг эгалари бўлмиш ҳуқуқий шахслар қушиб юборилганда товар белгилари қайта

рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқий шахсга ўтади.

Товар белгиси эгаси бўлмиш ҳуқуқий шахс бўлинганда товар белгиси товарларни ишлаб чиқариш вазифаси зиммасига ўтадиган, қайта рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқий шахсга ўтади.

Товар белгисининг эгаси товар белгиси рўйхатдан ўтказилган товарларни ишлаб чиқаришнинг бир қисмини ўзида сақлаб қолган тақдирда ҳар иккала ҳуқуқий шахс ўзаро келишувига (шартномага) кўра товар белгисининг биргаликдаги эгаси деб эътироф этилиши мумкин. Бу ҳақдаги келишув (шартнома) Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Товар белгисининг эгаси бўлмиш ҳуқуқий шахс бошқа ҳуқуқий шахсга қўшиб олинганда товар белгисига доир ҳуқуқ қўшиб олган ҳуқуқий шахсга ўтади.

Гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтган товар белгиси товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши тугаган санадан эътиборан уч йил мобайнида бошқа шахс номига қайта рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас. Мазкур қоида товар белгисининг эгаси ундан товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашига қадар воз кечган ҳолларга ҳам татбиқ этилади.

5.3.5. Товар белгиларига тўланадиган Патент божлар тартиби

Товар белгиларини, товар келиб чиққан жой номини ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ҳуқуқий аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик учун патент божлари олинади.

Патент божлари Патент идорасига унинг

Қонунда назарда тутилган вазифаларини бажаришга доир харажатларни қоплаш учун туланади.

Патент божларининг миқдорлари ва уларни тулаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

5.4. Рационализаторлик таклифларидан фойдаланиш тартиби

Рационализаторлик таклифлари технологияга (усулга) тааллуқли бўлса, ишлаб чиқариш жараёнида у қўллана бошлаган кундан бошлаб фойдаланилаётган деб ҳисобланади. Буюм конструкцияси (қурилма) ёки материал (модда) га тааллуқли рационализаторлик таклифи у тайёрланаётган ёки ишлатилаётган кундан бошлаб, фойдаланилаётган деб тан олинади. Ташкилий маънодаги ечим, шунингдек ЭХМ учун алгоритмдан иборат рационализаторлик таклифи, у қўллана бошлаган кундан эътиборан фойдаланилаётган деб тан олинади.

Корхонанинг рационализаторлик фаолияти учун харажатлари маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киради.

Бюджет ташкилоти рационализаторлик фаолиятини мазкур ташкилот фаолиятини таъминлаш учун ажратилган маблағдан тежаб қолинган маблағ ҳисобидан шунингдек, бошқа рухсат этилган фаолиятдан олинadиган маблағ ҳисобидан амалга оширади.

Рационализаторлик таклифи учун ҳақ туланади, агар у:

- *рационализаторлик таклифи деб тан олинган корхона фойдаланса;*
- *хўжалик ҳисобидан бошқа корхонага берилган техникавий ҳужжатлар киритилса.*

Рационализаторлик таклифи учун ҳақ таклифни рационализаторлик деб тан олган корхона томонидан

ажратилади ва туланади, бу ташкилот ва муаллиф ўртасидаги битимда белгиланган миқдорда бўлади.

Ҳақнинг минимал миқдори корхонада белгиланган минимал иш ҳақининг 25% дан кам бўлмаслиги керак.

Ҳужалик ҳисоби асосида техникавий ҳужжатлар таркибида берилган рационализаторлик таклифига туғри келадиган ҳақ экспертиза йўли билан аниқланади.

Мабодо битта муаллифнинг битта рационализаторлик таклифи бир неча корхонада тан олинса, ҳар бир корхона бир-биридан мустақил тарзда ҳақ тулайди.

Корхона рационализаторлик таклифидан фойдаланишга кўмаклашган шахсларга бошқа ҳақлардан қатъий назар мукофот беради.

Техникавий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва таклифни фойдаланишга тайёрлашда иштирок этган бўлса, шундай мукофот муаллифга ҳам берилади.

Рационализаторлик таклифидан фойдаланишга кўмаклашганлик учун мукофот миқдорини корхонанинг ўзи мустақил тарзда белгилайди.

Мабодо муаллиф ўз рационализаторлик таклифини фойдаланишга тайёрлашда иштирок этишга таклиф этилса, унда бу (хизмат вазифасидан доирасида амалга ошириладиганидан бошқа) бажаришлиги учун у билан шартнома тузилади.

Корхонада рационализаторлик таклифидан фойдаланиш натижасида анча паст ҳақ жорий этилса, муаллиф меҳнати, шунингдек мазкур рационализаторлик таклифини фойдаланишга тайёрлашда иштирок этганлар меҳнатига ҳақ аввалги нархлардан 6 ой ичида олдинги баҳоларда туланади.

Корхонада ходимлар сони ёки лавозим қисқартирилганда рационализаторлар ишда қолишлик имтиёзи ҳуқуқига эга бўладилар.

Рационализаторлик фаолияти билан боғлиқ низолар (таклифни рационализаторлик деб тан олиш баҳосидан бошқа) судда кўрилади.

Корхона рационализаторлик фаолиятига кўмаклашган шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг қўшимча турларини белгилаш мумкин.

Рационализаторлик таклифи муаллифларининг ҳуқуқига амал қилиниши устидан жамоатчилик назорати ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти кенгашлари томонидан амалга оширилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириқлар

1. Саноат мулки объектларини режалаштириш ва молиялашни тушунтириб беринг?
2. Ихтиро, фойдали модел, саноат намунасидан фойдаланишни тушунтириб беринг?
3. Аввал фойдаланганлик ҳуқуқини тушунтириб беринг?
4. Саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартибини тушунтириб беринг?
5. Саноат мулки объектларидан фойдаланишнинг давлат томонидан рағбатлантирилишини тушунтириб беринг?
6. Патент божларини тушунтириб беринг?
7. Товар белгисидан, фойдаланишни тушунтириб беринг?
8. Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш тартибини тушунтириб беринг?
9. Огоҳлантирувчи тамғалаш тартибини тушунтириб беринг?
10. Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тартибини тушунтириб беринг?
11. Товар белгиси эгаси бўлмиш юридик шахсни қайта ташкил этиш пайтида товар белгисининг ўтишининг тартиби ҳақида нима биласиз?
12. Товар белгисини такрорий рўйхатдан ўтказиш шартлари тартиби-ни тушунтириб беринг?

13. Товар белгиларига туланадиган Патент божларини тушунтириб беринг?

14. Рационализаторлик таклифларидан фойдаланишни тушунтириб беринг?

Қисқача атамалар изоҳли луғати

Муқобил – икки бир-бирини истисно қилувчи имкониятдан бирини танлаш зарурати.

Муқобиллик – икки ёки ундан ортиқ имкониятдан бирини танлаш, муқобилга эга.

Таҳлил – яхлитни фикран ёки амалда таркибий қисмларга ажратишдан иборат илмий – тадқиқот усули.

Аналог – айний, баён этилган билан техникавий моҳият ва натижаси бўйича ўхшаш, айнан мўлжалланган объект.

Айнийлик – ўхшаш, мувофиқ.

Библиография – 1) нашр ва қўлёзма маҳсулотлари ҳамда улар ҳақидаги ахборотларни ҳисобга олиш вазифаси бўлган илмий ва амалий соҳа; 2) мавзу бўйича адабиётларнинг тўлиқ ёки сайланма рўйхати.

Модда – ўзаро боғлиқ таркибий қисмлар мажмуи ҳисобланган сезиларли фарққа эга янги, сунъий ҳосил қилинган моддий тузилма.

Объектнинг амал қилиш даври – объектни башоратлаш ва истиқболли режалаштиришдан, то уни яроқсизга чиқарилгунгача бўлган давр.

Айнан белгилар – функцияси ва техникавий моҳияти бўйича мос келувчи белгилар.

Номли қидирув – фирма-патент эгаси номи бўйича излаш; берилган патент рақами ва уларни ихтиро муайян синфи (таснифи) га тааллуқлилиги.

Ингредиент – қандайдир мураккаб бирикма ёки аралашманинг таркибий қисми.

Ахборот – 1) нима ҳақидадир хабар; 2) сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш объекти ҳисобланган маълумот.

Мутлақ лицензия – лицензиат объектдан фойдаланиш ҳуқуқига шартлашилган миқёсда эга бўлади.

Тоифа – бирор белгисига кўра умумийликка эга нарса, ҳодиса, шахслар даражаси, гуруҳи.

Синф – умумий белгига эга нарсалар, ҳодисалар даражаси, гуруҳи мажмуи.

Таснифловчи – бирон-бир объект тизимли рўйхати, улардан ҳар бири ўз ўрни ва муайян аталганлигини топиш имконини беради.

Таснифлаш – у, ёки бу объектларни билимнинг маълум тармоғи ягона тизим объектлари синфлари ўртасидаги қонуний алоқани қайд этувчи улар умумий белгилари асосида синфлар бўйича тақсимлаш.

Жамоа белгиси – ҳўжалик ассоциацияси ёки корхоналар бошқача ихтиёрий бирлашмасининг (кейинги ўринларда бирлашма) товар белгиси. Улар чиқараётган ва сотадиган товарларни белгилаш учун мўлжалланади ва ягона сифатга ёки бошқа умумий тавсифга эга бўлади.

Рақобатбардошлик – объектнинг ўзига ўхшаш объектлар билан рақобатта кириша олишлик, тенглаша олишлик хоссаси.

Рақобат – 1) бирор соҳада илмий натижаларга эришиш учун кураш, муҳолифлик; 2) товар ишлаб чиқариш ва сотишнинг янада фойдалироқ шароити учун хусусий товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кураш.

Конструкция – тузилма, қуридма; бирор машина, ускуна, иншоот ва ҳ.к қисмларининг ўзаро жойлашуви, қандай мақсадга мўлжалланганлиги билан белгиланади.

Махфийлик – учинчи шахсга патентга тааллуқли маълумотларни тасодифий ёки атайлаб ошкор этишни олдини олиш бўйича чораларга амал қилиш.

Конъюнктура – 1) шартлар мажмуи ва улар ўзаро алоқаси, содир бўлган вазият, бирор соҳадаги мавжуд аҳвол; 2) муайян даврдаги иқтисоднинг жорий аҳволини тавсифловчи белгилар мажмуи.

Мезон – белги, шу асосда нимадир баҳоланади, белгиланади ёки таснифланади; ўлчов.

Лицензиар – ақлий мулкни сотувчи.

Лицензиат – ақлий мулкни сотиб олувчи.

Лицензия – муайян ҳақ эвазига саноат мулки объекти, Ноу-Хау ва бошқа илмий-техникавий ютуқлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш.

Лицензион шартнома – Лицензиар ва Лицензиат ўртасидаги савдо битимининг амалга ошириш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни тарғибга солувчи технологик билимларни бериш ва ўзлаштириш хусусидаги ўзига хос савдо муносабатлар шакли.

Лицензион паспорт – бу ҳужжат объект хорижлик харидорга таклиф этилиши мумкинлигидан далолат беради.

Объект – 1) биздан ташқарида мавжуд бўлган ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ташқи олам, субъектини идроклаш, амалий таъсир манбаи ҳисобланади.

Оптимал – энг қулай, аъло.

Патент – янгиликни, ихтирочилик даражаси, унинг ҳақиқийлиги ва патент эгасининг ихтирога эгаллик қилиш, тасарруф этиш ва фойдаланишга бўлган истисносиз ҳуқуқини шаҳодатлайди.

Патент ҳужжатлари – ихтиро, саноат намунаси, фойдали модель деб билдирилган ёки тан олинган илмий-тадқиқот ишлари, лойиҳалаш-конструкторлик ва ташаббускорлик ишланмалари натижалари ҳақидаги маълумотларга эга эълон қилинган ва эълон қилинмаган ҳужжатлар мажмуи, шунингдек ихтиролар, патент эгалари, саноат намуналари ва фойдали моделлар қайд этилганлиги тўғрисидаги патент эгасининг ҳуқуқий муҳофазаси ҳақидаги ҳужжат.

Патент қидируви – техникавий ечим патентга лойиқлигини, объект патент софлигини таъминлаш, шунингдек патент эгаси ҳуқуқининг амалга оширили-

шини белгилаш мақсадида ахборот (асосан патент ҳужжатлари фондидан) излаш тури.

Патент софлиги – техника объектининг ҳуқуқий хоссаси, бу муайян мамлакатда ундан ҳеч қандай ҳавотирсиз эркин фойдаланиш мумкинлигини англатади. Ҳудудида истисносиз ҳуқуққа эга учинчи шахсга тааллуқли патент амал қилишининг бузилиши.

Патент идораси – Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси қонунига мувофиқ саноат мулки объектларини муҳофазалаш соҳасида ягона давлат сиёсати олиб боради.

Патент эгаси – агар фойдаланиши бошқа патент эгалари ҳуқуқини, курсатилган объект бошқа шахслар томонидан фойдаланишини таъқиқловчи ҳуқуқни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, бундай фойдаланиш қонунга мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқи бузилганлиги ҳисобланмаган ҳоллар бундан мустасно, ўз ҳоҳиши бўйича саноат мулки объектидан фойдаланиш, тасарруф этиш ва эгалик қилишга истисносиз ҳуқуқ эгаси.

Патент фонди – маълумотнома-қидирув аппарати билан таъминланган патент ҳужжатларининг мунтазамлаштирилган мажмуи.

Патент формуляри – объект патент софлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат.

Фойдали модель – фойдали модель сифатида билдирилган объектга ҳуқуқий муҳофаза белгиланади, агар у янги ва саноатда қўллана олинса.

Тулиқ лицензия – асосан патент лицензия, унга мувофиқ Лицензиар (патент эгаси) Лицензиатга муҳофаза ҳужжати амал қилишининг қолган бутун муддатига ҳеч қандай чеклашларсиз саноат мулки объектидан фойдаланишга доир барча ҳуқуқни беради.

Тамойил – қурилма асоси, бирор механизм, қурилма ҳаракати.

Устуворлик – бирор янгилик, ихтиро ва ҳ.к.нинг биринчилиги; ниманингдир устун аҳамияти.

Прототип – техникавий моҳияти ва натижаси бўйича энг яқин ўхшашлик.

Жараён – 1) бирон ҳодисанинг бориши, ҳолатнинг мунтазам алмашиб туриши, ривожланиш босқичи ва ҳ.к.; 2) бирор натижага эришиш учун мунтазам ҳаракатлар мажмуи.

Саноат намунаси – саноат намунаси деб эълон қилинган объект ҳуқуқий муҳофаза билан таъминланади, агар у янги, ўзига хос бўлса ва саноатда қўллана олинса.

Нашр қилиш (эълон қилиш) – 1) матбуот, радио-эшиттирув ва телекурсатув воситасида омма эътиборига етказиш; 2) турли нашрларда бирор ишни, ишларни эълон қилиш; 3) бирор нашрда босилган матн.

Рационализаторлик таклифи – буюм конструкцияси, ишлаб чиқариш технологияси, материал таркибини яратиш ёки ўзгартириш кўзда тутилган техникавий ечим, корхона учун янги ҳисобланади; меҳнат, хом ашё, ёқилғи-энергия ва бошқа моддий ёки молиявий ресурсларни тежашга имкон берувчи ташкилий ечим.

Муҳим белгилар – шундай белгиларнинг ҳар бири зарур, биргаликда эса, улар муайян ихтиро объектини бошқалардан фарқлаш учун етарли бўлади ва уни ижобий самарада намоён этадиган сифатда тавсифлайди, буларнинг муҳим белгилар мажмуида бўлмаслиги ижобий самара олишга имкон бермайди.

Синонимлар – битта тушунчани ифода этувчи, маъно жиҳатдан бир-бирига яқин ёки айнан бўлган сўзлар, булар маъно синектикаси ёки услубий бўёғига кўра фарқланади.

Синтез – бирор нарса, ҳодиса, илмий тадқиқот усули, буларни яхлит бир бутунликда қараш, қисмларини бирликда ва ўзаро алоқада деб билиш; бирикма, умумлашма.

Тизим – 1) бир-бири билан қонуният асосида боғланган кўплаб унсурлар (нарсалар, ҳодисалар,

қарашлар, билимлар ва ҳ.к.); 2) қатъий кетма-кетликдаги ҳаракатлар, муайян алоқадаги, белгиланган, режаланган тўғри жойлашган қисмлар тартиби.

Йўсин - ўзаро ҳаракатланишнинг сезиларли фарққа эга ва фойдаланишда ижобий самара берувчи янги жараён.

Тузилма (структура) - ниманингдир таркибий қисмларининг ўзаро жойлашуви ва алоқаси.

Тарҳ - 1) схема, қурилма ёки ниманингдир қисмларининг ўзаро жойлашуви, алоқасини ифода этувчи чизма; 2) умумий, асосий тарздаги тасвир ёки тавсиф; дастлабки чизма, белги, режа; 3) ниманидир мавҳум, соддалаштирилган тасвири, умумий тайёр формуласи.

Моҳиятав қидирув - қўрилаётган масалага алоқадор ихтиро тавсифини аниқлаш.

Товар белгиси ва кўрсатиладиган хизмат белгиси - бир ҳуқуқий ва жисмоний шахс товарлари ва хизматларини бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахснинг бир хил товар ва хизматларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган ишорат.

Қурилма - янги, сезиларли фарққа эга ва фойдаланганда ижобий самара берувчи иншоот (буюм), функциявий-конструктив бирликдаги конструкциявий унсурлар мажмуи ёки конструктив унсур.

Ихтиро формуласи (ИФ) - белгиланган қоидага кўра тузилган, техникавий ечим моҳиятининг сўзлар билан қисқача тавсифи.

Тавсиф - ниманингдир баёни, ўзига хос хусусиятлари сифати ва қиёфасининг баёни.

Муқобил белгилар - функцияси буйича ва натижаси буйича (ўзаро бир-бирининг ўрнини босадиган) мос аломатлар.

Экспертиза - асосланган хулосали махсус билим талаб этувчи бирор масалани тадқиқ этиш.

Унсур - ниманингдир таркибий қисми.

Самара - ниманингдир ҳаракати, натижаси.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. — 2002 йил 28 августда қабул қилинган.
2. «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. — 2001 йил 30 августда қабул қилинган.
3. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. — 1996 йил 30 августда қабул қилинган.
4. "ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. — 1994 йил 6 майда қабул қилинган, 5 апрел 2002 йилда ўзгартиришлар киритилган.
5. "Селекция ютуқлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. — 1996 йил 30 майда қабул қилинган.
6. "Интеграл микро чизмалар топологиясини ҳуқуқий муҳофазалаш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. — 2001 йил 12 августда қабул қилинган.
7. "Ўзбекистон Республикасида ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятини ривожлантириш тўғрисида" ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори. — 1992 йил 28 декабрда қабул қилинган.
8. Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастури — Т.: "Ўзбекистон", 1997 йил.
9. Ихтирога Ўзбекистон Республикаси патентини олиш учун талабнома тузиш қоидалари. — "Расмий ахборотнома", 2003 йил.
10. Саноат намунасига Ўзбекистон Республикаси патентини, олиш учун талабнома тузуш қоидалари. — "Расмий ахборотнома", 2003 йил.

11. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш қоидалари — "Расмий ахборотнома", 2003 йил.
12. Инструкция по проведению патентно-информационного поиска при экспертизе заявок на изобретения в Государственном патентном ведомстве в Республике Узбекистан. — "Расмий ахборотнома", 2003 йил.
13. Методические рекомендации по проведению патентных исследований. — М.: ВНИИПИ, 1984, 194 с.
14. Примерные лицензионные договора. — Ташкент, 1993, 32 с.
15. Патентоведение. Автор К. Шакамалов изд. ТашГТУ, 2001г, 175 с.
16. 15.011-82 рақамли "Патент тадқиқоти ўтказиш тартиби" Давлат стандарти.

Муҳаррир - Хасанова М.

Босишга руҳсат этилди 01.07.2003 й.

Бичими 60 x 84 1/16.

Буюртма № 108. Адади 500.

Босма табағи 12,5.

Фан ва технологиялар марказининг босмахонаси.

Тошкент Олмазор кўчаси, 171.